

**БОСИТХОН ИБН ЗОҲИДХОН ШОШИЙ  
(ҲАРИҚИЙ)**

# **ДЕВОНИ ҲАРИҚИЙ**

**Нашрга тайёрловчи, сўз боши, луғат ва изоҳлар  
муаллифи тарих фанлари доктори  
Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

**Тошкент - “Fan va texnologiya”  
нашриёти - 2009**

**БОСИТХОН ИБН ЗОҲИДХОН ШОШИЙ (ҲАРИҚИЙ). ДЕВОНИ ҲАРИҚИЙ. Т., «Fan va texnologiya», 2009, 124 бет.**

**Масъул муҳаррир - филология фанлари доктори  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ**

**Тақризчилар - филология фанлари номзоди  
Алимулла ҲАБИБУЛЛАЕВ  
тарих фанлари номзоди  
Мавжуда РАЗЗОҚОВА**

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший (1877-1959) етук табиб, шоир, рассом, моҳир таржимон, луғатшунос ва ношир сифатида фаолият кўрсатган олимлардан биридир. У ўзбек тилида ёзилган “Қонуни Боситий” номли тиб қонунлари китобининг муаллифи. Унинг араб тилидан таржима қилган ва фаннинг турли соҳаларига бағишланган ўнлаб китоблари Тошкентда тошбосма усулида чоп қилинган. Шошийнинг “Қонуни Боситий”, “Фарҳанг ал-мабсут”, “Ҳадиси Усфурий”, “Манбаъ ул-маъориф” номли китоблари мустақиллик йиллари Тошкентда нашр этилди. Бугун эса унинг ғазаллар девони илк марта китобхонлар диққатига ҳавола этилмоқда.

ISBN 978-9943-10-246-0

© Маҳмуд ҲАСАНИЙ, 2009.

© «Fan va texnologiya»  
нашриёти, 2009.

## УЛУҒ МЕРОСНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА

Мустақиллик шарофати туфайли ҳурматли президентимиз И.А.Каримов диққатимизни маънавиятимизни чуқур ўрганиш, отабоболаримиздан қолган илмий меросни ҳар томонлама тадқиқ этиш, тарихимизни қўлёзма мерослар асосида ёритиш, миллий мафкурамизни ишлаб чиқиш масалаларига қаратдилар. Президентимиз қўйган масалалар, шубҳасиз, шарқшунос олимлар елкасига катта маъсулиятни қўяди.

Марказий Осиёда, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида минг-минглаб олимлар, шоирлар, адиблар, борингки, фаннинг турли соҳалари бўйича қалам тебратган улуғ зотлар ижод қилдилар ва илму фаннинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Президентимиз: “Ҳозирги Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун дунё тан олмақда” деб ҳаққоний фикр билдирган эдилар.<sup>1</sup> Бунинг ёрқин мисоли сифатида Беруний, Ибн Сино, Форобий, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Имом Бухорий, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби юзлаб улуғ зотларни кўрсатиш мумкин. Яна қанча-қанча олиму уламо фозилу фузалолар ўтганки, уларнинг ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасида 60 мингдан ортиқ қўлёзма, 50 мингга яқин тошбосма асарлар сақланмоқда. Уларнинг энг қадимийси Қуръони Карим бўлиб, қадимий куфий хати билан IX асрда китобат қилинган. Бу ердаги асарлар тарих, адабиёт, фалсафа, ҳуқуқ, тасаввуф, тафсир, фалакиёт, физика, кимё, табобат, тил, география, доришунослик, муסיқа, математика, маъданшунослик, зироат ҳамда бошқа фанларга бағишланган. Улар ўзбек, форс, араб, турк, ҳинд, урду, озарбайжон, татар, пушту, тожик тилларида ёзилган. Шу сонларнинг ўзиёқ маънавий меросимизнинг нақадар улкан эканини кўрса-

<sup>1</sup> И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент “Шарқ” нашриёти матбаа концерни Бош таҳририяти, 1998, 3-бет.

тиб турибди. Буларни ўрганиш эса катта меҳнат ва фидойиликни талаб этади. Шунинг учун ҳам: “Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждон ишидир. Маърифатчи фидоий бўлмоғи керак”, - деган эдилар президентимиз<sup>1</sup>. ЎЗР ФА Шарқ-шунослик институти олимлари президентимиз кўрсатмаларига амал қила бориб, маънавий меросимизни тўлиқ ва ҳаққоний ўрганиш борасида катта ишларга қўл урганлар.

Мовароуннаҳр олимлар фаннинг бошқа соҳаларида бўлгани каби таъбабатда ҳам етакчи ўринни эгаллаганлар. Бунга мисол қилиб, хоразмшоҳ Абулаббос Маъмун ибн Маъмун (1009-1017) ташкил этган ва тарихга “Маъмун академияси” номи билан кирган илм масканини кўрсатиш мумкин. Бу ерда жам бўлган олимлардан Абул Хайр ибн Хаммор (942-1030), Абу Райҳон Беруний (973-1048), Абу Саҳл ал-Масиҳий (970-1010), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Наср Мансур ибн Али ибн Ироқ (ваф. 1034 й.) кабилар таъбабат фанига оид кўплаб асарлар ижод қилган бўлиб, улар томонидан ёзилган асарлар ҳам хазинадан ўрин олган.

Ватандошимиз Абу Али ибн Сино номини алоҳида таъкидлаш керакки, қомусий билимлар соҳиби бўлиб, фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ асар ёзган олимнинг 43 та асари таъбабатга бағишланган эди. Унинг “Ал-Қонун фи-т-тибб” (“Тиб қонунлари”) асари кўп асрлардан буён Фарб ва Шарқда ўрганилди, таржима ва тадқиқ этилди. Мусулмон Шарқида “Тиб қонунлари”га эргашиб олимлар кўплаб асарлар бунёд қилдилар, уни шарҳладилар, кенгайтдилар, қисқартмалар туздилар, таржима қилдилар. Унга эргашиб, яна бир ватандошимиз Исмоил Журжоний (ваф. 1136 й.) ўзининг “Захирайи Хоразмшоҳий” (“Хоразмшоҳ захираси”) номли қомусий асарини ёзди ва катта шуҳрат қозонди. Юртимизда ҳатто подшоҳлар ҳам таъбабат билан шуғулландилар. Масалан, Хоразм хони, машҳур муаррих Абулғози Баҳодурхон (1603-1664) “Манофиъ ул-инсон” (“Одамларга фойдалар”) номли асар ёзиш билан бирга беморларни шахсан ўзи даволади. Бухоро хони Субҳонқулихон (ҳукмронлик йиллари -1680-1702) “Иҳё ут-тибби Субҳоний” (“Субҳонқулихоннинг таъбабатни тирилтириши”) номли асар ёзди ва ўзи даволаш ишлари билан

<sup>1</sup> Ўша асар, 8-бет.

ҳам шуғулланди. Бухорода даволаш уйи ҳам очди. Ана шундай улуғ табибларнинг йўлини давом эттириб, бу соҳада ўзидан катта мерос қолдирган олимлардан бири Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший эди.

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший 1877 йили Тошкентда етук табиб оиласида дунёга келди. Унинг отаси Зоҳидхон ҳаким ибн Муҳаммад Содиқхон Себзор даҳасида яшаган бўлиб, ҳозир табибликда ном чиқарган кишилардан бири эди. Зоҳидхон ҳаким табобатни ўша даврда Тошкентда ном қозонган Мулла Муҳаммад Расул ҳаким ибн Мулла Худойбергандан таълим олган. Бу табибнинг таҳаллуси Жоми Шароб (Шароб жоми) бўлиб, Зоҳидхон ҳаким тиб илмини шу киши қўлида хатм қилган эди. Бундан ташқари Зоҳидхон ҳаким Сиддиқхўжа ҳакимдан ҳам табобат сирларини ўрганган.

Боситхон табиб гўдакликда ўз отаси Зоҳидхон ҳакимнинг даволаш ишларини кузатиб борган. Боситхон ўзи ёзган китобларидан бирининг муқаддимасида: “Отам мени етти ёшлик вақтимдан бошлаб тибга оид китобларни ўқитиш билан тарбия қилган эдилар” деб ёзган эди.<sup>1</sup> Зоҳидхон ҳаким 1908 йили 67 ёшида вафот этган. Боситхон табиб, демак ўз отасига шогирд бўлиб, табобатни ўрганган ва бу соҳада камолот ҳосил қилган.

Боситхон табиб вояга етгач, даволаш ишлари билан бир қатрода ижод билан машғул бўлди. Араб ва форс тилидан баъзи асарларни ўзбек тилига таржима қилди ва ўзи ҳам асарлар ёзди. Унинг қаламига мансуб бўлган қуйидаги асарларни санаб ўтамыз.

1. Қонун ал-Мабсут (Кенгайтирилган Қонун китоби). Унинг муаллиф қўли билан кўчирилган янгона нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондида 8921 рақами билан сақланмоқда. Бу асарнинг 1-жилди бўлиб, 1942 йили ёзилган.

2. Қонун ал-Мабсут. Юқоридаги асарнинг 2-жилди. 1942 йил ёзиб тугатилган. Муаллиф қўли билан кўчирилган нусхаси 8922 рақами билан ЎзР ФА ШИ фондида сақланмоқда.

3. Фарҳанг ал-мабсут (Кенгайтирилган луғат) ёки бошқача номи “Истилоҳот ул-аттиббо фи интифиъот ул-аҳиббо” (Дўстларнинг

<sup>1</sup> Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. “Қонуни Боситий”. А.Носиров маълумотидан. ЎзР ФА ГИ Қўлёмаси, инв. № 8921, 2-бет.

фойдаланишлари учун тузилган тиббий истилоҳлар луғати) 1944 йилда ёзиб тугатилган. Муаллиф қўли билан кўчирилган ягона нусхаси ЎзР ФА ШИ нинг қўлёзмалар фондида 8921 рақами билан сақланмоқда.

4. Фавоид ул-адвия ва мавоид ул-ағзия (Дориларнинг фойдалари ва тузалган дастурхон овқатларининг манфаатлари). 13 фаслдан иборат бу асарда табобатнинг турли масалалари ўз ифодасини топган.<sup>1</sup>

5. Амали ҳандаса (Геометрия амаллари ҳақида китоб). Бу асар 11258 рақами билан ЎзР ФА ШИ фондида сақланмоқда.

6. Муқаддима илми фаройиз (Мерос тақсими илмининг муқаддимаси). Бу ҳам ЎзР ФА ШИ фондида сақланмоқда.

7. Фовайид ул-муслимийн (Мусулмонларга фойдалар). Бу китоб Имом Сўйутийнинг “Анис ул-жалис” китобилан таржима қилинган. ЎзР ФА ШИ фондидаги инвентар рақами 1237. Китоб 1913 йилда Тошкентда тошбосмада нашр этилган.

8. “Манбаъ ул-маъориф” таржимаи “Мажмаъ ул-латойиф” (“Мажмаъ ул-латойиф” китобининг таржимаси бўлган “Манбаъ ул маъориф” асари). У 1914 йилда Тошкентда чоп этилган.

9. Дўзд ва қози (Ўғри билан қози). 1907 йилда Тошкентда нашр қилинган.

10. Ҳақойиқ ул-асрор (Ҳақиқатлар сирин). Тошкентда тошбосмада нашр қилинган. Мустақиллик йилларида олим С.Ҳасанов томонидан чоп қилинган.

11. “Ҳадиси Усфурий” ёки “Мисбоҳ ул-анвор” (Нурлар чирокни). 1910 йилда Тошкентда чоп қилинган. 1993 йили М.Ҳасаний томонидан Адабиёт ва санъат нашриёти орқали чоп қилинган.

## **БОСИТХОН ИБН ЗОҲИДХОННИНГ АДАБИЙ ФАОЛИЯТИ**

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший кенг қамровли олим бўлиб, аниқ фанлар билан бир қаторда таржимачилик билан шуғуллангани ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Боситхон XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги адабий жараёнда ҳам қатнашган

<sup>1</sup> Санаб ўтилган бу тўртта китоб 2003-2004 йилларда Тошкентда нашр этилди.

ва ўша даврдаги етук шоирлар Камий, Хислат, Мискин, Сидқий каби шоирлар билан мустаҳкам алоқада бўлган. Фурбатий деган шоир ўз шеърига мухаммас ёзишни ундан сўрагани девонида ўз аксини топган.

Боситхон ўз ғазалларини тўплаб баёз тузишга киришади. 1917 йилгача тошкентда ўнлаб баёзлар тузилган ва тошбосма усулда чоп қилинган. 1917 йилдаги инқилоб ва совет тузумининг юзага келишидан сўнг баёзлар тузиш тўхтаб қолган. Жумладан, Шошийнинг тузаётган баёзи ҳам рус инқилоби сабабли охирига етмай қолган. Баёзда унинг 1926 йилда ёзган шеъри ҳам мавжуд. Бироқ дўстларининг ўлимига бағишланган бу шеърлар кейинчалик баёзнинг охирига ёзиб қўйилган. Девоннинг биринчи саҳифасига урилган муҳрда 1917 йил санаси кўрсатилгани ҳам баёз шу йилда тўхтаб қолганига гувоҳдир. Боситхон баёзга ўз ғазалларини киритиб, бошқа шоирларнинг шеърларини киритиш учун эса жойлар қолдирган<sup>1</sup>.

Баёзга Боситхоннинг ишқий шеърларидан ташқари, 1917 йилгача ёзилган миллий шеърлари киритилган бўлиб, уларда Туркистон халқини бошқа ривожланган мамлакатлар каби илғор бўлишга чақирилади. Халқнинг ривожланишдан орқада қолганлиги афсус билан баён қилинади. Мактабга бориш, илм олиш, миллатни кўтаришга тарғиб этилади.

Шоир “Ашъори миллийи Ҳариқий ба фасоди олам ва одам” (Ҳариқийнинг олам ва одамнинг бузилиши ҳақидаги миллий шеърлари”) номли шеъри 410 мисрани ташкил этади. У қуйидаги мисралар билан буюшланади:

**Ёрабб, нечук замонаки, гардуни бевафо,  
Ёғдурди миллат узра чунон жолаи жафо.  
Миллат бўлиб ғарибу фуҷуъ ўлди сарафроз,  
Чиқди зуҳура маъсияти фисқи беибо.**

Ҳариқий миллатнинг ривожи учун мактаб катта аҳамиятга эга экани ҳақида ёзади:

<sup>1</sup> Шоший мазкур қўлёзмасининг шоҳварағига «Девон» деб ёзиб қўйгани учун биз ҳам уни девон деб атадик.

**Мактаб эрур жавоҳири ҳикматни маъдани,  
Мактаб эрур фойдаи миллатга чун ҳисор.**

Демак, мактаб илму ҳикматнинг кони ва миллатнинг фойдасини ҳимоя қилувчи қалъа. Илм, фазилат ва ҳунарнинг барчасини фақат мактаб орқали топиш мумкин:

**Ҳар илму маърифату фазл анда бор,  
Шогирдларга ҳар бири нозу ниъам турур.**

Мактабда ўқиб, илм олиб, олим бўлган киши офтобдек оламга нур сочади, катта мартабаларга эга бўлади:

**Кон ўлса гар тамоm бўлур давлати ғаний,  
Олим кишининг илми туганмас дирам турур.  
Олим сипеҳри маърифату офтоб валек,  
Жоҳил чу зарра кўзга кўринмас одам турур.  
Олим ҳамиша илму амал ила ҳукмрон,  
Халқ ичра иззу давлат ила муҳтарам турур.**

Миллат, яъни халқ илмсиз яшай олмайди, уни яшнатадиган ва оламга танитадиган илмдир:

**Миллат мисоли жисму бу миллатни жони илм,  
Миллат чу бир жазираю обиравони илм.  
Миллат чу бир мадинаю илм анга қалъадур,  
Миллат чу баҳру лаъли бадахшони илм.**

Ҳариқий “Шогирдларни мактабга тарғиби ҳақида” номли 100 мисрадан иборат шеър ёзган ва бу шеърда мактабнинг фазилати ва илм ўқишнинг фойдаларини шогирдларга баён қилиб берган. Шеър қуйидагича бошланади:

**Бу дунёнинг муборак жаннат ул-маъвосидур мактаб,  
Жаҳон саҳнини бешак аҳсан ул-ҳусносидур мактаб.  
Жаҳон аҳлини алҳақ мақсади ақсосидур мактаб,  
Маъориф толибини Каъбаи барпосидур мактаб.**



Ҳариқий “Замона аҳволи ва Туркистон аҳлининг ғафлати” деган шеърида ҳам миллатни илм-маърифатли бўлишга чақиради:

**На боисдин чунон иқболи манҳус ўлдинг, эй миллат,  
Мунигдек чоҳи ғурбат ичра маҳбус ўлдинг, эй иллат.**

Миллатнинг ривожланиши учун одамлар ўртасида иттифоқлик бўлиши зарурлигини Ҳариқий “Иттифоқлик натижаси ва ихтилофнинг зарари” номли шеърида кўрсатиб ўтади:

**Бойси авжу ривожу улву унвон иттифоқ,  
Маркази иқболу бахту фатҳи аъвон иттифоқ.  
Манбаъи иззу улову жоҳи даврон иттифоқ,  
Мажмаъи амну амону ҳифзи инсон иттифоқ.**

Ихтилоф ва ўзаро қаршилик эса миллатнинг равнақини издан чиқаради:

**Айшимизнинг қалъасини қилди вайрон ихтилоф,  
Аҳлимизнинг барчасини қилди ҳайрон ихтилоф.  
Миллатимиз равнақини қилди пинҳон ихтилоф,  
Миллат аҳлин ҳолини қилди паришон ихтилоф.**

Баёздан Ҳариқийнинг бир қатор мухаммаслари ҳам ўрин олган. Баёз охирида эса Ҳариқий ўзи билан замондош бўлган биродарларининг вафотига бағишланган таърих-хронограммаларни келтирган.

Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг авлодлари ҳозирда Тошкентда яшамоқдалар. Улардан Шошийнинг набираси Тоҳирхон Боситхонов бобосининг меросини юзага чиқариш учун катта ҳаракат қилмоқда. Шошийнинг Тошкентда нашр этилган асарлари ва унинг бугун чоп этилаётган девони ҳам Т. Боситхоновнинг саъйу ҳаракати ва моддий маблағи ҳисобига амалга оширилмоқда.

*Маҳмуд ҲАСАНИЙ,  
тарих фанлари доктори.*

**ҲАЗАЛЛАР**  
**Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳийм**

**ПАЙДО**

**Илоҳо, шамма сунъингдин бўлиб сабъа само пайдо,  
Яна байн ас-само ашжору ашёу моу мо пайдо.**

**Адам «айн»<sup>1</sup>ига дам урдинг баройи халқи мавжудот,  
Карам «қоф»и нурун «нун»идин ики саро пайдо.<sup>2</sup>**

**Ақл «қоф»идину дил «лом»идин одамға амр эттинг,<sup>3</sup>  
Бу нутқи бирла санга бир неча ҳамду сано пайдо.**

**Тараҳҳум бирла неча амру наҳйинг айладинг ирсол,  
Бу ирсолингни еткурмакга неча анбиё пайдо.**

**Дамеким, қудратингға раъий нурунгни шувоз эттинг,  
Ки нурун ламъасидин айладинг Шамси зуҳо пайдо.**

**Агар ҳар ким асири зери қоф қаҳрингга марбутдур,  
Ўзинг инъом қилсанг қаҳрдин бўлғай раҳо пайдо.**

**Иноат айниға таркиб этиб, бир рашши лутфингни,  
Бу сунъинг бирла бўлди, Раббано, Арши ӯло пайдо.**

**Қилибсан қудратингни матлаъ, ё Қодир ал-ашё,  
Ўзинг рози сабабдин бўлди бул арзу само пайдо.**

**Сужудинг «син»и маъвои ибодатға бўлиб дохил,  
Убудийят адоси-чун Ўзингдин мосиво пайдо.**

**Ҳариқий толиби ғуфрон эрур, ё Ғофиру Саттор,  
Ҳамиша қалбидин, ё Раббано, фағфир лано<sup>4</sup> пайдо.**

## Ё РАББ

Бўлибдур қудратингдин хилқати арзу само, ё Рабб,  
Қилибсан мухталит тийну риёҳу нору мо', ё Рабб.

Инойят “айн”иға<sup>5</sup> сен бир раши лутфингни васл эттинг,  
Ани таркибидин халқ айладинг Арши Ёуло, ё Рабб.

Карам “коф”ийу “нун”и<sup>6</sup> неъматингни айладинг мамзуж,  
Ани мазмунидин бўлди ики олам бино, ё Рабб.

Ажаб сунъини зоҳир ийладинг, ё Соний ал-олам,  
Бу сунъингни тамошо айламиш шаҳру зако, ё Рабб.

Ниъамни “айн”идин бандангга бердинг намми раҳматни,  
Қўлингдин собит ўлсун наздинга шукру жазо, ё Рабб.

Эрур неъматни “мим”и қойили наътингга моид чун,  
Бу ҳарфни зимнида ҳосил эрур наъти сафо, ё Рабб.

Агар ҳар ташнае топмас иноят обини ҳар вақт,  
Фумоми лутфдин бўлғай анга ғамми бало, ё Рабб.

Шамс шайнини “шин”и олди ман Раҳмон исмингдин,  
Шамс қилди ўшал ман бирла даъвои Худо, ё Рабб.

Санам «сод»<sup>7</sup> чашмидин нам берди қаҳрингдин буко'  
айлаб,  
Қилиб даъвойи ҳақлик қилғали сандин ибо, ё Рабб.

Ўшал кори риё «коф» боҳам сарнигун ўлди,  
Ўзингдин ўзгага содиқ эмас дур кибриё, ё Рабб.

Бўлибдур «мим» фама бир чашмаи ҳамдинг айтмакка,  
Бу ики лафздин бўлди Муҳаммад Мустафо, ё Рабб.

Мутаббик чархи торам бодаи ваҳдат била шойиқ,  
Мубассит арз эрур саргаштаи жуйи ризо, ё Рабб.

Ҳаёти жумла ҳайфа неъматингдин етти бир рийқе,  
Ҳариқий шул сабабдин бўлди лутфингга адо, ё Рабб.

\*\*\*

Эрур муҳтожи лутфинг жумлаи аҳли ражо, ё Рабб.  
Чунин муҳтожи ғуфронинг ҳама рўзи жазо, ё Рабб.

Вужуди кулли шай' мавқуфдур, ё Рабб, вужудингга,  
Алар фоний бўлур, лекин Ўзингсан мунтаҳо, ё Рабб.

Етибдур суфраи ризқинг Сурайёдин то Сурайёга,  
Ўзинг икки жаҳонда бандаларға муттако, ё Рабб.

Ҳамиша «Раббано унсурно»<sup>8</sup> деюбон фатҳ корида,  
Тилар сандин иёнат жумла неку ашқиё, ё Рабб.

Саҳар гул шохида шурида булбул шавқ ила, чунким,  
Эрур гул кўзгусидин фаслингга булбул адо, ё Рабб.

Давомат «дўст Ҳуву дўст Ҳу» деб қумрийи нолон,  
Сени ёдинг-ла зор этиб қилур оҳу наво, ё Рабб.

Дуода «Роббий ариний»<sup>9</sup> зикрини такрор этиб доим,  
Ижобат айла, ё Рабб, деб қилур тўти садо, ё Рабб.

Эрур ошиқға бир оинаи маъшук дийдори,  
Мушоҳид бирла зотингга этар ҳамду сано, ё Рабб.

Тўкуб нуринг жаҳон аҳлиға тавфиқу ҳидоят бер,  
Ҳама муҳтожи раҳмат жумла аҳли фано, ё Рабб.

Ҳама куфр аҳли бирлан ихтилот этти закун бирлан,  
Илоҳий, лутф этиб бергил шариятга қуво, ё Рабб.

Мунигдек бидъати беҳудадин пинҳон этиб ўзни,  
Ҳақиқат аҳли этти даштларда инзиво, ё Рабб.

Илоҳий санги дилни илтифот обиға лой этгил,  
Қилиб нуринг шуъоидин қаро кўнглум зиё, ё Рабб.

Ҳижоби мағфират бирла яшургил айби исёним,  
Ибодат айби қўбдур эътиқодимда хато, ё Рабб.

Уйубим беҳад, исмим беадад, тоат-ибодат кам,  
Зунубим номасин қил оби раҳмат-ла раҳо, ё Рабб.

Тўкуб борони раҳмат бандаларға икки дунёда,  
Расулинг рўзи маҳшар қил қулингға раҳнамо, ё Рабб.

Қилурман таҳсили илми шарият истиқоматда,  
Карам бирла насиб эт манга илми бовафо, ё рабб.

Қулингға восил этгил матлабин, ё Мувсил ал-мақсуд,  
Ижобат қил дуони ҳам ато қил муддао, ё Рабб.

Умиду илтимосим даргаҳингдин бениҳоятдур,  
Ва лекин шул қадар матлабга қилдим иктифо, ё Рабб.

Изои офати ҳар ду жаҳондин бер саломатлиғ,  
Ҳариқийға Ўзингсан икки олам муттако, ё Рабб.

### НАЪТИ РАСУЛ (С.А.В.)

Ё Набийй ал-мўъминин номинг Муҳаммад Мустафо,  
Ё шафиъи умматону ҳодийи роҳи сафо.

Наътингга лойиқ эмасдур бул лисони хийрағў,  
Чун азалда қўйди номингни Муҳаммад деб Худо.

Лайлат ул-Меърожда сайр этдинг мақоми рафрафа,  
Чокаринг Жибрил эди қилдинг сафар суйи само.

Гунбази хузродин ўтдинг маркабинг эрди Буроқ,  
Охири сайрингда бўлди масканинг Арши ъуло.

“Мим”и меҳрингдин хуруж айлаб муҳаббат чашмаси,  
Раббано деб қўл очиб умматларинг қилдинг дуо.

Чун Муҳаммад деди Ҳақ исминг шарифинг не сабаб,  
Чашмаи “мим”и Муҳаммад мабдаи ҳамди Худо.

“Ҳо”ми ҳожибдин мураккаб қилди исмингни Карим,  
То дари саккиз биҳишт умматларинга бўлди во.

“Мим”и молик сарнигун зери зонуйинг эрур,  
Ҳафт дўзах оташидин умматинг топти раҳо.

“Дол”и даҳшат жузьидур номи шарифинг таҳтиға,  
Ҳайбатингдин неча минг кофир бўлбудур зери по.

Бир сифотинг хотим эрмиш анбиёлар давриға,  
Бир сифотингни дедилар олимон нур ул-ҳудо.

Ё Муҳаммад, қил ҳидоят осий умматни мудом,  
Доимо айлар Ҳариқий шафқатингдин иртижо.

## **ИШҚИНГНИ АҲБОБИ**

Масаррат топти ҳуснунг завқидин ишқингни аҳбоби,  
Мазаррат кўрди фурқат нишидин ҳажрингни арбоби.

Юзингдур Каъбаи аҳбобу мийқоти сари кўйинг,  
Ибодатхонаи ушшоқ эрур қошингни меҳроби.

Риёзи жилвагоҳи қудрати Ҳақ мажлиси васлинг,  
Кўзингни ғамзаси Азроилу нутқинг ҳаёт оби.

Ҳумоюн соясидур жумла султонларни мақсуди,  
Ани мақсуди, эй шаҳ, моҳи дийдорингни маҳтоби.

Дамеким, котиби қудрат ёзарда ҳусн бобидин,  
Ҳилолинг қилди бисмиллоҳ таҳрир этти абвоби.

Этиб тарқими ташриҳ висолингға хату холинг,  
Кўзинг маст айлади осори сунъи Ҳақни май ноби.

Еру кўк арсаси қуртос ўлуб нойи қалам бўлса,  
Малоик бўлсалар котиб туганмас ҳуснунг алқоби.

Такаллум вақтида ноз ила нутқинг руҳ афзоси,  
Ки ҳар бир ҳарфи ошиқ наздида бир дурри ноёби.

Қачон чиқиб ниҳоли қоматинг фикримни боғиға,  
Тўкарман дидами дарёсидин баҳри камол оби.

Агар бир лаҳза маҳрум айласанг васлинг шаробидин,  
Қулингни ҳасрату ҳажр ила қолмас тоқату тоби.

Раҳи ишқингда варзиш айларам доим бу хизматни,  
Ки дидам бирла мешкобию мижгон бирла журоби.

Яшурмоқ мумтаниъ дардэн Ҳариқийға дема густох,  
Ки арзин айтса танҳо хизматингға айни одоби.

## МАҲ ЮЗИНГ

Маҳ юзинг даврида таърифи жамолингға нуқот,  
Топти таҳриру солиб бошима юз минг офот.

Ламъаи нури жамолингдин этиб касб зиё,  
Хуру маҳ олама андин беродурлар ламъот.

Ложарам кўрса юзинг ишқ эли бирдам, жоно,  
Тобқуси мартабаи хеш паноҳу ҳолот.

Ой юзинг аҳли муҳаббатни ҳадисиға далил,  
Чунки ҳажринг асари нафйу висолинг исбот.

Нусхаи чашму ҳилолингда мусаввир Ҳом-Мим,<sup>10</sup>  
Сафҳаи оразингга неча муҳаррир оёт.

Арсан рўйи замин аҳлиғадуру қибла юзинг,  
Ғайри эҳромиға бўлғай ҳар кўйинг мийқот.

Маъбади обиди зуҳҳод қошинг меҳроби,  
Илтижо вақтида маъво висолинг Арафот.

Эй ҳарими чаманистон, висолинг жаннат,  
Сояи зулфинг аро лаъли лабинг обиҳаёт.

Нағмаи анжумани аҳли сафо ҳуснунг-ла,  
Завқ этиб нутқи фасоҳат-ла ўқурлар абёт.

Жон фидо қилсам агар мақдамингга лойиқ ким,  
Зарра ҳам домани ховардин олибдур даражот.

Оҳким, шарбати васлингға баса ташналабим,  
Қил бўлиб ташнаға лаб шарбати бирлан хайрот.

Ноумид ўлса Ҳариқий агар мингдин бирдам,  
Жонсизин хаста таним тобқуси ул дамда вафот.



## ФИҒОН ҚИЛДИ

Ҳуснунг кўриб чаманда булбул фиғон қилди,  
Гунча кўруб лабингни кўксини қон қилди.

Ойдек юзингни нури қилди жаҳонни равшан,  
Хуршид рашк айлаб ўзни ниҳон қилди.

Жаннатда ҳуру-ғилмон кўрди жамолинг, айди,  
Фарзанди одам эрмас, ғилмон гумон қилди.

Юрганда қоматингни зеболиғин кўрубон,  
Ҳоки раҳингға шамшод исори жон қилди.

Наргис чаманда доим ҳусниға фахр этарди,  
Шаҳло кўзингни кўргач ашкин равон қилди.

Аввалда дарди ишқинг кўксимда эрди пинҳон,  
Ҳажрингда иштиёқинг охир аён қилди.

Ночор хизматингға густох ўлуб Ҳариқий,  
Ушбу мувашшаҳ ила арзин баён қилди.

## ЖОНОНИМ

Навозиш айламишлар лутф этиб ҳолимға жононим,  
Сўруб саргашта ҳолим ишқ ўтида сийна бирёним.

Ажабким, суратимға ўхшамиш бир неча хил ашё,  
Ажабдур дар ҳақиқат суратим тандин жудо жоним.

Мабодо кўрқаманким, бул жудолиғ дардида охир,  
Халок ўлсам тўло кетгай дилимда дарду армоним.

Оқар кўзим ёшим ҳижрон ғамида тинмайин доим,  
Қачон мақбул этар ёрим мани бул чашми гирёним.

Наво айлаб тонг отқунча фироқ ўтида йиғларман,  
Дилимда қолмади тоқат, танимдин кетти! дармоним.

Хароб этти муҳаббат оташи жисмим иморотин,  
Магар айши жаҳондин тўлдим бу лаҳза паймоним.

Аё дўстлар, ажабким, арзу додим ёрима етмас,  
Вале етти қабат гардундин ўтти оҳу афғоним.

Нечук навмид ўлурсан, эй Ҳариқий, ё васлидин,  
Мувашшаҳ бирла арз эт токи мақбул этса султоним.

### НОЛОН УКАМ

Андалиби дил гули рухсорингга нолон, укам,  
Қумрийи кўнгул жамолинг боғида ҳайрон, укам.

Нола айлаб гул юзинг кўрган замондин то ҳануз,  
Қасди дил шулқим, санга қилса нисори жон, укам.

Оҳ уруб ҳар лаҳзада сабру қарорим бўлмайин,  
Нози ишқингда куйуб бўлди жигар бирён, укам.

Ёди васлинг бирла жоно рўзу шаб фикр айлабон,  
Дарди ҳажрингда дилим сўзон, кўзим гирён, укам.

Тири ишқинг қилди кўксим пора, эй ҳозиқ ҳаким,  
Лутф этиб дардимга эмди айлағил дармон, укам.

Қувватим кетти танимдин дарди ҳижрони била,  
Кўксима тўлди маним зардоб ила армон, укам.

Иштиёқингда куйуб жисмим фано бўлди дариг,  
Ҳасратим мумдин бурун айтолдим эълон, укам.

Роҳи ишқингда чу мажнун зор саргардон ўлуб,  
Кеча-кундуз корим оҳ ила афғон, укам.

Йиғлаб айтурким Ҳариқий хизматингға арзи ҳол,  
Қил қабул лутф айлаб арзим, эй шаҳи даврон, укам.

## ТОБОН ЭТ

Мунаввар моҳрўйинг, эй пари, кулбамға тобон эт,  
Кўнгулни андалибин гул юзинг шавқида хандон эт.

Ётарман тонг отқунча дарди ҳажринг бирла тўлғониб,  
Карам қил дардима, васлинг шароби бирла дармон эт.

Рақиблар фитнасинин макр ила пинҳон этиб ўзни,  
Келиб бу хастани ҳам бир кеча базмингға меҳмон эт.

Ҳамиша ишқ ўтида дилу кўз васлингға муҳтождур,  
Жамолинг кўрсатибон бўлса лаълингдин эҳсон эт.

Дили маҳзуними дарди билан кўз ёшима, жоно,  
Тараҳҳум айлағил ҳолим сўриб, кўнглумни шодон эт.

Очиб гулгун юзинг ҳижрон ниқобидин чаман ичра,  
Лабинг рашки билан гулғунчани чоки гирибон эт.

Етибдур жон лабимға дарди ҳижронинг билан охир,  
Бу кун кулбам сариға қоматинг нахлин хиромон эт.

Тўкулди бениҳоят кўз ёшим ағёр жаври-ла,  
Рақиблар дилларин ҳам эмди мандек доғи ҳижрон эт.

Қиёмат кун солиб бошиға васлингни хуморидин,  
Қоро қон йиғлатиб ишқинг ўтида зору нолон эт.

Агар чиқса йўлингдин шум рақиблар фитна солмакка,  
Фироқ айлаб юзиға боқма ҳаргиз бағрини қон эт.

Рақибликдин манга васлинг раво кўрмас бахиллардин,  
Тутуб пинҳон ўзингни ҳажр ила ҳолин паришон эт.

Ёзиб арзин Ҳариқий хизматингга айлади ирсол,  
Этиб мақбул умидим ғайридин арзимни пинҳон эт.

## ХАБАР БЕРДИ

Ниҳоли қоматингким, шеваи бардин хабар берди,  
Қадинг гулшан аро сарву санобардин хабар берди.

Висолинг топмайин саргаштаи дашти фироқ эрдим,  
Жамолинг шуъласи хуршиди анвардин хабар берди.

Рухинг гулшанда кўргач айладим булбул каби афғон,  
Ки ул аснода манга варди аҳмардин хабар берди.

Азал наққоши нақши жамолинг сафҳаси узра,  
Қилиб изҳори маъни лавҳи акбардин хабар берди.

Лаби лабинг кулиб ёқути аҳмардек бўлуб гўё,  
Лисонинг шахд гуфтор ила шаккардин хабар берди.

Даҳонингни кўруб гулгунчалар ғамдин бўлуб дилбанд,  
Очиб кўксида дардин нору аҳгардин хабар берди.

Юзингни даврида хатти саводинг дуди оҳимдин,  
Бўлуб бир ояти зулфи муанбардин хабар берди.

Насими субҳидамни кездуруб саҳни чаманларда,  
Муаттар тори зулфинг нофои тардин хабар берди.

Хиром айлаб чаманда сарвинозим нозанин қаддинг,  
Жамолинг жаннат ичра оби Кавсардин хабар берди.

Имо бирла қошинг меҳробида таълими ишқ айлаб,  
Кўзинг мардумлари Аллоҳу акбардин хабар берди.

Нигоҳим олдида бедор ўлуб топмай жамолингни,  
Ҳариқийга фироқинг шўри маҳшардин хабар берди.

## МАҲ ЮЗИНГ

Маҳ юзинг мазҳари нури асари нашъаи зот,  
Ҳам кўзинг масти майи маънийи асрори сифот.

Ёзу қиш васлингу ҳажринг-ла муқаррардурким,  
Рӯз ҳуснинг-ла ёруғ сояи зулфинг зулумот.

Рух сари сояи зулфинг маҳ ҳуснидурким,  
Зулумот ичра манга лаъли лабинг обихаёт.

Ҳеч ким кўрмади дунёда паривашлардин,  
Сан каби дилбари хуш одат, ширин ҳаракот.

Доғ ўлуб лола дили меҳри рухнинг рашқидин,  
Топти гул акси жамолинг ила мундоғ даражот.

Эй сўзинг Замзам, лаълинг Ҳажар ул-асваддур,  
Ҳам юзинг Каъбаи ошиқ, сари кўйинг Арафот.

Юз аламларни чекиб ишқ ўтида беморинг,  
Ҳарамии васлиннга гар етмаса бўлғай Арасот.

Тири ишқинг-ла жигар пора-ю дил ҳам мажруҳ,  
Қил карам нўши лаб дофиъи заҳробии мамот.

Қомати сарви равонингни кўруб гулшанда,  
Сарву шамшоду санубарлар эгарлар ҳайҳот.

Оҳ найлайки, нигоро, икки жодуинг,  
Солди бошимға мани юз фитану минг офот.

Раҳм қил ҳолимға, эй мулки дилимни шоҳи,  
Қил бу ожиз қулиннга бўлса лаълинг хайрот.

Ёди васлинг-ла Ҳариқий ўзидин фонийдур,  
Мастлиғ бирла деди хизматингға бул абёт.

## ХИТОБ

Маҳ юзинг мадҳи учун Ҳақдин бўлубдур бул хитоб,  
Нозил ўлмиш шаънинга «фий аҳсани тақвим» китоб.<sup>11</sup>

Ламъаи фажрининг акси кундузи чарх устиға,  
Тушғуси равшан бериб халқ они дерлар офтоб.

Лутф этиб гар кечаси чиқсанг юзингни кўрсатиб,  
Шуълаи ҳуснунгни мардум-ла этарлар моҳтоб.

Ушбу фазлу хислатингни сафҳаи рухсоринга,  
Котиби қудрат ёзибдур нусхаи айн ус-саваб.

Ҳеч етмас маънийи ҳарфи хатингға ақлу ҳуш,  
Ким азалда ақли кулл ҳуснунгни қилмиш фаслу боб.

Доғ ўлуб лола дили маҳжурлиғидин дашт аро,  
Қилди гул рухсоринг аксидин малоҳат иктисоб.

Ой юзинг уммидида раъно қилиб рангин қабо,  
Қилди лаълинг рашкиға гулғунча кўксини хуноб.

Ёди васлинг-ла чиқар шамсу қамар дийдор деб,  
Шарм этиб сандин яна мағрибға айлар ижтиноб.

Тири ишқинг сийнаи аҳли жаҳонни чок этиб,  
Нолаву афғонларидин чарх айлар изтироб.

Қуввати май муктасаб лаъли лабинг таъсиридин,  
Шул сабабдин аҳли маъни номин айтурлар шароб.

Оҳким, лаълинг шаробидин қулингдур бенасиб,  
Фикр этарда бодаи васлинг вужуди чун сароб.

Раҳм этиб ҳолимға, жоно, гар иёдат айласанг,  
Дарди ҳажринг бирла кўксим пур алам, ҳолим хароб.

Ёди васлингда Ҳариқий доғи ҳижрондур ҳануз,  
Лекин изҳор этгани арзин эрур шарми ҳижоб.

## ИТОБ АЙЛАБ

Мани гулгун нигорим келди олдимға итоб айлаб,  
Муҳаббат оташиға сийна-ю бағрим кабоб айлаб.

Юракни қону зардоб айлади чандон ғазаб бирла,  
Фироқ айлаб сиёсатлар била манга хитоб айлаб.

Ризосини топарға неча арзу илтимос этсам,  
Хусумат айлади тобора баҳсу эҳтисоб айлаб.

Хушим кетти бошимдин ёрими бул ҳол ила кўргач,  
Ани бул кулфату андуҳида кўзни хуноб айлаб.

Дамеким, ўлтуруб кўб муддат ўткондин кейин ул шух,  
Манга изҳор қилди мақсади кашфи ҳижоб айлаб.

Этиб эрдимки, ёро, рўзи якшанба дўконимға,  
Келинг бул қулни ҳам қуллар қаторида ҳисоб айлаб.

Етиб эркан малолат табъиға бул сўздин эттиким,  
Зиёфатға борурман майли арбоби рубоб айлаб.

Тилим лол айлади ҳам кўзларимни айлади гирён,  
Умидим узди ушбу сўз ила манга жавоб айлаб.

Қийин кунларни солди бошима бадхўйлик бирла,  
Жафо-ю жавру кулфатлар била ҳолим хароб айлаб.

Иҳонатлар ила синдурди дил ойнасин охир,  
Фироқу ҳажр ўтида жисму жонимни кабоб айлаб.

Ризо бердим анга ночор ўлуб ҳукми азал шул деб,  
Ўзимни бекасу беқадрликда чун ҳубоб айлаб.

Югурма, эй Ҳариқий, ҳажрида ҳар ёнға сабр этгил,  
Вале топшур қўлиға ҳасратингни бир китоб айлаб.

## КЎРГАЛИ

Маҳв этиб ақлимни ёрим келди бул кун кўргали,  
Дилдаги дарду ғаму ҳасратларимни сўргали.

Лутф этиб бул ҳоли зоримға тараҳҳум айлабон,  
Бодай васлиға меҳмон айлади тўйдургали.

Лаълини дурри билан тишлаб неча хил ноз этиб,  
Шум рақибларни дилин вайрон этиб ўлдургали.

Илтифот айлаб мани дилхастаға шафқат учун,  
Шўхлик бирлан такаллум айлади кулдургали.

Ҳажрида дарду аламларни чекардим то ҳануз,  
Лек тил лол эрди дарду ҳасратим билдургали.

Доғи ишқида жигарлар пора эрди доимо,  
Ҳеч имкон топмайин бир лаҳза мажлис қургали.

Орзу айлар эдим тун-кун Худоға зор этиб,  
Лутф этиб келёйму токим бир даме ўлтургали.

Юз шукрим, дилбарим мундоғ навозишлар қилиб,  
Раъйи бўлмаё хаста дил оинасин синдургали.

Ташналабни бодай васли билан сероб этиб,  
Илтифот этти ғами ҳижронни барҳам ургали.

Қомати шамшодини фикрин этардим орзу,  
Лек иложин топмас эрдим наздима келтурғали.

Истар эдим роҳи кўйида бу мақсадни мудом,  
Хоки пойин тўтиё айлаб кўзимға сургали.



**Раҳм этиб ёрим мани тортқон азобу дардима,  
Ишвалар қилди майи ишқимни жўш урдурғали.**

**Ёд этиб васлин, Ҳариқий, рўзу шаб қилғил дуо,  
То Худо қилғай ижобат васлиға еткурғали.**

## **УКАМ**

**Нори ишқингдин манга юз минг алам пайдо, укам,  
Боғи васлингда рақибларни дили шайдо, укам.**

**Арзи ҳол айтурга ман фурсат тополмасман даме,  
Сухбатингда неча душманлар тили гўё, укам.**

**Минг жафони ман кўруб, агёрлар кўрса вафо,  
Бул аламға тоқат айлаб бўлмағай асло, укам.**

**Илтифот айлаб қулингға сан ўзинг шод айлағил,  
Ҳам рақиб агёрни ҳолини қилиб расво, укам.**

**Ноумид этма висолинг давлатидин хастани,  
Тоқатим тоқ ўлди эмди қилма истиғно, укам.**

**Истасам йўқтур жаҳонда хўбрўлар хайлидин,  
Сен каби ширин забону қомати барно, укам.**

**Нола-ю зорин Ҳариқий хизматингға арз этар,  
Ким тушурди ёди васлинг бошима савдо, укам.**

## **АЙЛАДИНГ**

**Мавжи дарёи муҳаббат ичра ғарқоб айладинг,  
Меҳнату ранжу аламни манга гирдоб айладинг.**

**Юз навозиш бирла аввалда дилимни шод этиб,  
Бодаи лаъли лабингға масти шодоб айладинг.**

Риштаи зулфинг билан мурғи дилимни сайд этиб,  
Кечалар ҳижрон ила то субҳ беҳол айладинг.

Ҳазлу нозу ғамза бирла охири жоним олиб,  
Тири ишқинг бирла жоно танни бетоб айладинг.

Давлати васлингда охир ошиғинг маҳрум этиб,  
Жумъа деб ағёрни базмингға асҳоб айладинг.

Эй нигоро, жумъа кун арвоҳ ҳам озод эди,  
Сен нечук ҳажринг била кўксимни зардоб айладинг.

Ёки табъинг бўлдимун озурда ул оғушдин,  
Не сабаб мундоғ мани ашкимни селоб айладинг.

Тез келиб кетмоқ учун от бирла келдинг растаға,  
Раста аҳлиға мунингдек тарки одоб айладинг.

Қоматинг сарви хиромонинг фироқида мани,  
Дарди ҳижронинг била бағримни хуноб айладинг.

Илтифот айлаб бориб ағёр ила суҳбат қилиб,  
Бодаи васлинг била онларни сероб айладинг.

Раҳм қилмай ошиқингни ҳоли зориға нечук,  
Мажлиси васлингдаги хизматга ноёб айладинг.

Ёди васлинг-ла Ҳариқийни фиғони каммиди,  
Мунча ашким обиға дийдамни мезоб айладинг.

## РАЪНО МИСОЛ

Олам ичра бир пари кўрдум юзи раъно мисол,  
Кўзлари шаҳло, нигоҳи жонситон мисли физол.

Ногаҳон кўрдим жамолин ақлу ҳушим қолмади,  
Арз этиб сўз сурғали ҳам қолмади манда мажол.

Икки абруйи камон, мижгони ёй-у қасди жон,  
Кимга гар қасд айласа андин халос ўлмоқ маҳол.

Ёди васлида мани сабру қарорим қолмади,  
Ихтиёрим кетти қўлдин қоматим ҳам бўлди дол.

Тишлари дурдур, юзи маҳдур, хати райҳондур,  
Ноз ила чиқса бўлур аҳли жаҳонни ақли лол.

Қоматин кўргач чаманда сарвлар рашк айлабон,  
Булбул айтур, во ажаб, бул қандайин нозик ниҳол.

Асрасин Аллоҳ карам бирлан ёмон кўздин мудом,  
Ким ҳама авсофи ҳусни бирла бўлмиш баркамол.

Роҳи васлида гадолиқ бирла умрим ўткарай,  
Токи раҳм айлаб деса, эй толибим, кел, кўр висол.

Ёд васлида Ҳариқий рўзу шаб айлар фиғон,  
Шул сабабдин ушбу мазмун бирла қилди арзи ҳол.

## ХОВАР

Меҳри рухингга муштоқ гардун узра ховар,  
Ҳуснунг висолин истар шабу рўз моҳи анвар.

Лаълингни рашки бирла гулғунча бўлди дилбанд,  
Рухсоринг акси бирлан очилди варди аҳмар.

Лола кўруб чаманда гулдек юзингни, жоно,  
Бошига тушти савдо ҳам жисми бўлди лоғар.

Айлар чаман таманно васли баҳор ҳуснунг,  
Зулфинг иси-ла бўлса сунбуллари муаттар.

Ҳам ҳайдарингни рийҳин гулзор касб айлаб,  
Райҳонлари риёҳи бўлди чу нофаи тар.

Дарди муҳаббатинг-ла булбул фиғон айлар,  
Хоки раҳинг бўлубдур гулшанда уду анбар.

Ошифта ҳол бўлди қумри кўруб жамолинг,  
Қаддингга бўлди ҳайрон шамшод ила санубар.

Ёди висолинг айлаб ишқинг ўтида охир,  
Хоки раҳингга жонин айлар фидо самандар.

Тири муҳаббатинг-ла ишқ аҳли бўлди мажруҳ,  
Кўксини чок этарга мижғони ўлди ханжар.

Қадингни кўрсатибон юрсанг агар хиромон,  
Ишқингда хону султон бўлғай ҳама қаландар.

Офоқи рўйи олам аҳли тамоми одам ,  
Гар истаса топилмас сендек жаҳонда дилбар.

Рухсоринг акси бирлан ёқут ранг бўлди,  
Шавқингда қуввати кайф олди шаробу соғар.

Юз шукрим, Ҳариқий ялдо биларди ҳажринг,  
Васлингни офтоби қилди диллим мунаввар.

### ҲАМДИ ҲАЗРАТИ ИЛОҲИЙ

Ибтидо қилдим баёзим сафҳасин б- сми Худо,  
Сафҳаи дил топса шояд нури лутфидин зиё.

Номи поки ибтидода ансаби арқом эрур,  
Чунки зоти жумла мавжудота бўлмиш мубтадо.

Машйати-ла қудратин изҳор қилмак қасдида,  
“Коф”у “нун” амри билан халқ айлади арзу само.<sup>12</sup>

Арсаи оламни танвири учун халқ айлади,  
То мудом этгай мунаввар олами шаҳру зако.

Саҳни даҳра ўн саккиз минг халқни ижод этиб,  
Қилди парвоз онлари одамни бо иззи Ёло.

Суфраи инъомидин кўб марҳаматлар кўрди омм,  
Омм ризқи лутфи бирлан бўлди базли бебаҳо.

Бегумон топқай ҳидоят сидқи зоти васфи-ла,  
Жаҳлу ғафлат зулматида шуълаи нури ҳудо.

Зоти мустағний ғайру ғайра муҳтожун илайҳ,  
Бўлғуси муҳтож анга ҳар дам ўзидин мосиво.

Бешеригу шубҳа, нидду мисл, монанду ниёз,  
Безану фарзанду аббу умму хешу ақрабо.

Боқи-ю Ҳаййу Қадиму Қодиру Мухтору Ҳақ,  
Бемакону умру ризқу жисму азмону фано.

Зул-атову лутфу раҳму фазлу ғуфрону карам,  
Зул-Жалолу иззату улву камолу кибриё.

Фобили олам, муъини халқу хайр ун-носирин,  
Ҳам маъозу малжо-у ҳомий малозу муттако.

Ким Ҳариқий тамма бисмиҳ деб дуо айлар баёз,  
Чун вужудидур ҳама мавжудларға мунтаҳо.

### НАЪТИ РАСУЛ (С.А.В.)

Шафоат айла, тут илкимни, ё за-ш-шафиъ ва-л-мурсо,  
Ҳидоят бобида сан ҳодий бемислу беҳамто.

Сифотин мафхари олам эрур, эй саййиди лавлок,<sup>13</sup>  
Вужудинг боиси ижоди дунёву ва мо фийҳо.

Буроқинг хоки пойи бўлди Аршу Курси-ю афлок,  
Бўлуб манзил санга охир мақоми Рафраф ул-аъло.

Камоли қурбатинга бурҳони қотиъ сайри Меърожинг,  
Аё, сарлавҳаи мазмуни «Субҳоналлазий асро»,<sup>14</sup>

Муаттар ҳар ду гесуйингни шаъниға бўлиб нозил,  
Баёни айни тавсифингға “Вал-лайли изо йағшо”.<sup>15</sup>

Ҳабиби ҳазрати Субҳону маҳмуди Худодурсан,  
Санга ирсолу даъват ҳужжати Ёсин ила Тоҳо.

Деди Ҳақ раҳматан лил-оламинг васфинг баёнида,  
Мақоминг тахти “фаззално”,<sup>16</sup> бошингға тожи “каррамно”.<sup>17</sup>

Тафови шамъи нахлингға эрур Жибрил парвона,  
Ки қабринг қоба қавсайну камолинг бўлди ав адно.

Эрур эъжозинга шаққ ул қамар кайфияти бурҳон,  
Губори мақдамингдур жаннатони Ясрибу Батҳо.

Ҳариқий хокбӯси даргаҳин уммид этар доим,  
Илоҳий восил этсин Ҳақ умидим айласун эъто.

\*\*\*

Салламуллоҳ ʼала хайр ил-аноми Мустафо,  
Ким туфайлидин бўлубдур сурати ҳар ду саро.

Қавли айни шаръ, феълидур тариқат ҳужжати,  
Амри маъруфи ҳидоят аҳлиға нури ҳудо.

Шориъи шаръи шарифу ҳокими ҳукми латиф,  
Ломиъи нури нубувват, шофиъи рӯзи жазо.

Мазҳари шамси саодат, шамъи нури мўъжизот,  
Мафҳари олам, имоми халқ, маҳбуби Худо.

Манбаъи айни шафоат, махзани асрори Ҳақ,  
Маркази сарҳалқаи даврони кулли анбиё.

Қурбу улви шаъни бирлан бўлди меърож оқшоми,  
Аввалу охир тамоми анбиёга муқтадо.

Жумла пайғамбар мақоми ҳомидийат топтилар,  
Топти маҳмудийат иснодин Расули мужтабо.

Васф ирсолида илло коффатан лин-носдур,  
Ложарам авлоди Одам барчасиға раҳнамо.

Анбиёлар барча рўзи ҳашр во нафсим дер,  
Лекин Аҳмад йиғлаб айтурлар баса во умматто.

Барча умматни шафоат айламак уммидида,  
Ҳазрати Фаффор даргоҳиға айлаб илтижо.

“Қад ғафарту”<sup>18</sup> мағфират дарёси мавж урган замон,  
Суйи жаннат жумла умматларға бўлғай пешво.

Ё Илоҳий, Мустафоға барчани ҳамроҳ қил,  
Ҳам шафоатдин насиб эт хастаға, ё Раббано.

Ишқида маълул беиллат Ҳариқий доимо,  
Айлағил, ё Рабб, манга рўзи тавофи-ла шифо.

## АЙЛАНСУН

Малоҳат бобида мислинг эрур беном айлансун,  
Латофатда санга йўқ гўйиё ажсом айлансун.

Йиқилди доми зулфингға дилу жон бирла ишқ аҳли,  
Аё бодом сандин жумлаи бодом айлансун.

Рухингни ламъаси ушоқингга хуршиди тобондур,  
Ки сандин офтоби субҳ то ахшом айлансун.

Ҳумоюн сунбулинг бўлса паришон гулрухинг узра,  
Жамолингға фидо бўлғай ҳама оном айлансун.

Дилу жоним фидо қилсам, нигоро, васлингга камдур,  
Ки Шошу Чину Чимканду Хито, Сарём айлансун.

Ётарман шомдин то субҳ ёди васл ила йиғлаб,  
Бўлуб саргашта ҳолим эртадин то шом айлансун.

Такаллум айламоқға мақсадимни шарм айларман,  
Ўзинг лутф айлағил бир сиҳҳати ҳаммом айлансун.

Қулингга айлаган лутфу навозишларни пинҳон эт,  
Ки ҳаргиз билмасунлар мардуми наммом айлансун.

Ижобат айла арзим лутфу эҳсонингни тарк этма,  
Кўнгилни шод қилғил бир неча айём айлансун.

Риъоят қил дили маҳзуниму саргашта ҳолимни,  
Агарчи арза номақбулу нопором айлансун.

Ёзиб арзин Ҳариқий сатр қилди номи покингни,  
Умид улким, нигоро, айлама дашном айлансун.

### МУНАВВАР ГУЛРУХИНГ

Мунаввар гулрухингдин ёри гуландом айлансун,  
Сари кўйинг гадоси бўлғали Баҳром айлансун.

Юзинг кўрмоқ учун кўрмонаға лойиқ матоим йўқ,  
Хаёли васлингга Бағдоду Руму Шом айлансун.

Рухинг бўстонида дили андалиби ошиғи шайдо,  
Жамолинг шамъидин парвона дилором айлансун.

Ҳама умрим хаёлу васлингга айлар эдим мусриф,  
Айтолмай муддаони наздингга эълom айлансун.

Давом уммид этардим лаъли майгунинг обидан,  
Вале шакар лабингдин дил ололмай ком айлансун.



**Ўзинг айлаб тараҳҳум хастани бул ҳоли зориға,  
Навозишлар билан қилдинг ўзингни ром айлансун.**

**Етиб васлингға лаълинг бодасидин журъа нўш этдим,  
Кунун бул суҳбату майдин Жам ила жом айлансун.**

**Тилим лол ўлди арз этмакка мундоғ марҳамат узра,  
Ўзинг лутф эт чунин меҳмон этиб икром айлансун.**

**Қачонким, шоҳи даргоҳингға етиб бир гадо илҳақ,  
Муқаррардурки, султон одати инъом айлансун.**

**Агар лутф этмасанг мажнунсифат фош ўлғуси сиррим,  
Ки ман девона аҳволи беанжом айлансун.**

**Рақиблар сирримизни билмасун зинҳор пинҳон эт,  
Вале ҳар иккимизни айлағай бадном айлансун.**

**Ёзарга ўзга асрорим қалам номаҳраму ножинс,  
Ҳариқий шул сабабдин қилди бас пайғом айлансун.**

Институт Востоковедения  
России  
№ 12373  
И.А.Ильминский

# بولوان حرمی سلس

کتابخانه مرکزی  
وزارت فرهنگ و ارشاد اسلامی  
تهران



БОСИТХОННИНГ МУҲРАРИ  
باسم خان  
26. АВГ. 1917  
زائد ۳۰۰۰ ارغلی  
Стар-Ташкентъ Сыръ-Дарёе.

کتابخانه مرکزی  
وزارت فرهنگ و ارشاد اسلامی  
تهران

Боситхоннинг муҳрлари

ملک شاهی شریعتی ملک جامی دور  
بلا اوق شفاغت علی الامم نرود

یارب یحیی خواجه پریم ملاتی  
ملکایرینیا شریعتی بیروقی

ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم  
ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم

ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم  
ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم

ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم  
ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم

ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم  
ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم

ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم  
ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم

ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم  
ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم

ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم  
ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم

ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم  
ملک شاکستیم و دولتگی جامی علم

## ЎРГУЛСУН АКАНГ

Эй юзингдур мазҳари анвор, ўргулсун аканг,  
Сувратингдур махзани асрор, ўргулсун аканг.

Кўзларинг масти майи маънийи асрори Илоҳ,  
Қоматингдур сарви хуш рафтор, ўргулсун аканг.

Булбули кўнгул жамолинг боғиға муштоқ ўлуб,  
Фурқатингда толиби гулзор ургулсун, аканг.

Рухсори раънойи ҳуснинг очилиб ҳар иккиси,  
Оразингға бўлди гулрухсор, ўргулсун аканг.

Ханжари мижгонинг айлаб бу қулинг кўксини чок,  
Ишқ ўти қилди чунон афгор, ўргулсун аканг.

Васлингу майноби лаълинг бирла меҳмон айлаким,  
Ҳокисорингдур баса хуммор, ўргулсун аканг.

Илтифот этсанг на бўлғай толибингға гоҳ-гоҳ,  
Ким қулингдур толиби дийдор, ўргулсун аканг.

Жон фидо бўлсин санга, эй маҳваши хуш илтифот,  
Йўқ жаҳонда сан каби дилдор, ўргулсун аканг.

Ҳазл бирлан номи покинг хастадин тутдинг ниҳон,  
Ҳам Ҳариқий қилди изҳор, ўргулсун аканг.

## БЎЛСА

Ҳақ орзуға Ваҳҳоб бўлса,  
Мақсад қўлумға дарёб бўлса.

Ҳар рўз суҳбат бўлса-ю уммат,  
Аҳли муҳаббат асҳоб бўлса.

Ишратни боби чу кўб каботи,  
Толиб шароби майи ноб бўлса.

Бир ёри пайкар, зулфи суманбар,  
Маҳбуби дилбар дилёб бўлса.

Ҳақдин навола, ёрдин пиёла,  
Ноби дусола сероб бўлса.

Эл иззатидин, май лаззатидин,  
Ёр суҳбатидин шодоб бўлса.

Давлат зиёда, душман пиёда,  
Доим дуода аҳбоб бўлса.

Гар бўлса жавшан, ижлоси гулшан,  
Ёр ила равшан маҳтоб бўлса.

Мажлис балоси ёрнинг либоси,  
Хўқанд тиллоси кимхоб бўлса.

Рўзона маҳрам май тутса ҳар дам,  
Шаб манга ҳамдам ҳамхоб бўлса.

Ағёри рашшок кўксин қилиб чок  
Ҳам қалби ғамнок хуноб бўлса.

Ҳижрон ғамидин, роҳат камидин,  
Кўб мотамидин бетоб бўлса.

Рашшоки давлат аҳли адоват,  
Беруни суҳбат баввоб бўлса.

Онларға иззат май бирла лаззат,  
Ёр ила суҳбат ноёб бўлса.

Шояд Ҳариқий давлат ғариқи,  
Доим рафиқи одоб бўлса.

## МУРАББАЪОТИ ҲАРИҚИЙ

Арзимни айтай қодир Худоға,  
Қилгай тараҳҳум ман бенавоға,  
Еткурса шояд меҳру вафоға,  
Қолмади тоқат жабру жафоға.

Бўлсун муяссар кокил зарафшон,  
Сухбатда бўлса зулфи паришон,  
Мажлис қурилса чун боданўшон,  
Ошифта ҳолим ул маҳлиқоға.

Ҳаргиз тополмай васлиға роҳе,  
Тортиб кечалар то субҳ оҳе,  
Бўлгай ғамимға рангим гувоҳе,  
Элтар бу дардим охир фаноға.

Фикри висоли айлади ҳайрон,  
Икки кўзимни ҳам қилди гирён,  
Кўксимни қилди ўтлари бирён,  
Пинҳон бу ҳолим ул дилрабоға.

Билса нигорим бағрим кабобин,  
Кўрса мабодо ҳолим харобин,  
Лутф этса шояд лаълин шаробин,  
Еткур, Худоё, кайфи сафоға.

Ёр васли бирлан бўлсам чу шайдо,  
Бўлса масаррат кўксимда пайдо,  
Ҳуснини нури бўлса ҳувайдо,  
Гўё етарман ул дам шифоға.

Нори муҳаббат куйдирди жоним,  
Ҳар гўшту пўсту бал устухоним,

Андин Ҳариқий оҳу афғоним,  
Қайга борарман излаб давоға.

## ПОДШОҲИ КИШВАР

Мулки малоҳат ичра, эй подшоҳи кишвар,  
Кўйингни жабҳасоси бўлса сипари Искандар.

Юз ажз ила йўлингда айлаб дуойи хайринг,  
Васлинг кўрарға муштоқ ўлди амиру қайсар.

Рухсоринг узра дурму ё кокил юзида шабнам,  
Ё нори жаннат узра томдиму оби шаккар.

Ҳам юзда нур зоҳир нур ичра лаъли лабму,  
Ёким ўт узра шуъла, ул шуъла ичра ахгар.

Дийдоринг ичра лабму, ул лаб ичида дандон,  
Ё жаннат ичра ҳавзу ул ҳавз ичра гавҳар.

Оё ширин сўзингму ёким ҳаёт оби ,  
Ё салсабили жаннат ёинки оби кавсар.

Ёрла юзингму ёким бўлди магар Қиёмат,  
Чарх узра офтобу ер узра чиқди ховар.

Тири муҳаббатингму гардан узра намоён,  
Ё оҳу ҳасратимдин чиқдиму барқи асфар.

Қадингму суҳбат ичра ё сарв гулшан ичра,  
Ё хур жаннат ичра аксин этилди пайкар.

Эй чашми шўх, васлинг тобқон рақибу ағёр,  
Билмамки мусрифи зар ёким саъид ахтар.

Раҳм айла ошиғингни бу оҳу ноласиға,  
Ҳижрон ниқобин очғил кўб бўлмағил ситамгар.

Ёро, агар жамолинг бир дам ниҳон тутсанг,  
Ул дам тушар Ҳарикӣй бошиға шўри маҳшар.

## ҲИЖОБ

Меҳру рухинг уза тутибон ҳажрдин ҳижоб,  
Дидамдин айладинг бу жаҳон саҳнини пур об.

Ёғдурма кўб бу ашки ҳазиним эл устиға,  
Берма аларға фарқи сиришким била азоб.

Раҳм айла элни доду фиғониға лутф этиб,  
Очғил юзингдин ончаки ҳижрондин ниқоб.

Ҳажринг ила тўкулса чунин ашки ҳайратим,  
Тўфон масал бўлур ҳама фарқобу хароб.

Дарди меҳнати-ла бўлуб сийна чок-чок,  
Жоним қилур чиқарға танимдин чунон шитоб.

Илҳақ хаёлу фикрим бўлуб бастаи висол,  
Қолди таним фироғ муҳитида чун ҳубоб.

Боқсанг чу ўти-ла мани олам ўртанур,  
Хокистар вужудимни куймоқ эмас иқоб.

Тарк айласам кабобу майи даҳр бесазо,  
Хуни сиришки жигарим бодаи кабоб.

Қандоғ шаробу васлингга етмоқ манга насиб,  
Бўлғойки, ҳажр даштида ёдинг эрур сароб.

Оҳу фиғон ҳажрими таъсиридин мудом,  
Олам элини дийдаси муштоқи васл хоб.

Раҳм айла ҳолим зоримға дийдор кўруб,  
Етиб чун хайр васл аҳлиға қилмоқ эрур савоб.



Йиғлар чунон йўлингда Ҳариқий тилаб жамол,  
Кўйингда гарчи ман каби ишқ аҳли беҳисоб.

## ИЗҲОР ЭТАЙ

Масолики силки муҳаббатликни ман изҳор этай,  
Сажда айлаб гул юзингга узру истиғфор этай.

Ёди васлинг-ла ибодатда агар саҳв айласам,  
Тавба-ю тақсир этиб ҳам саждани такрор этай.

Дил билан айлаб таважжуҳ каъбаи рухсорингга,  
Тил билан такбиру таъзимингни ҳам иқрор этай.

Қоиму собит бўлуб зикру хаёлингга мудом,  
Жумлаи васфи жамолинг кечалар иксор этай.

Оҳ уруб ҳасрат билан ҳажрингда тоқат қолмади,  
Арзи ҳолим хизматингга ноилож ахбор этай.

Сирри махфий дилда қат-қат эрди барги гунчадек,  
Фош қилмак ҳар бирини айбдур ночор этай.

Меҳнати ҳажринг ила кўксим чоку жисмим хароб,  
Арзи ҳолим иштиёқи суҳбату дийдор этай.

Хокбўси даргаҳинг бўлса муяссар хастаға,  
Хоки пойингга ўшал дам жоними ийсор этай.

Илтифот айлаб майи васлинг қулингни шод қил,  
Токи шавқинг-ла томоми ағёрни инкор этай.

Неча муддатдур Ҳариқий васлинг айлар орзу,  
Демадинг сан бир йўли меҳмон гулрухсор этай.

## ҚУРБОН ЭТАЙ

Ҳусни рухсорингга, жоно, жоними қурбон этай,  
Оразинг кўрмонасиға молими эҳсон этай.

Ихтиёрим кетди ўздин гул юзинг кўрган замон,  
Ҳоло атворимни эмди наздинга эълон этай.

Жонда роҳат, дилда тоқат, танда қувват қолмади,  
Иштиёқингда кўзимни рўзу шаб гирён этай.

Ёди васлинг-ла ҳаётим таркин эттим орзу,  
Бул ғариб жонимни тоқай жисмима зиндон этай.

Нашъаи васлу тамошойи жамолинг ёдида,  
Ўтти умрим бу аламға оҳ уруб афғон этай.

Оразинг раъносидин ҳижрон ғилофи ғунчасин,  
Кашф қилғил то тамошойи гули бўстон этай.

Маҳ юзинг мулки дилимни моҳи пур анворидур,  
Партави ҳуснинг-ла рафъи зулмати ҳижрон этай.

Ихтиёр этсанг набўлғай хоки соринг бир йўли,  
Кам жамоким васлиға бир кечалик меҳмон этай.

Нақҳати васлинг-ла шоиқ андалиби дил вале,  
Нақҳати ҳажринг-ла ашки ҳасратимни қон этай.

Хотирим маъюс, дил маҳжурлик бирлан хароб,  
Ҳамчунин ишқ ўти бирла жисмими бирён этай.

Оҳу зорим етмаса шоҳаншаҳи давронима,  
Арзу ҳолим арзиҳоҳи ҳазрати Яздон этай.

Нўш баъд аз ниш роҳат, баъди меҳнат рўзи васл,  
Бўъд ҳажр ўлғой Ҳариқий шукри бепоён этай.

## ДАР МАЗАММАТИ ДУНҲҲИ БЕВАФО\*

Дило, гардуни кажрўни қачон бир дам қарори бор,  
Қачон бу даҳрни бир зарра қадру эътибори бор.

Тамоми шеваи дунё ҳама ғадру хиёнатдур,  
Қачонким, жабру зулм этмакка андак нангу ори бор.

Кимики нўш топти даҳрни ёлғон вафосидин,  
Ани сўнггидин анга неча тиши обдори бор.

Етар фасли хазон гулшанға охир фикр қилғилким,  
Агарчи аввалида фасли мавсуми баҳори бор.

Тамоми саҳни оламини чунон андиша қилғилки,  
Ага бир ер чамандур, боз бир ерда мазори бор.

Бу дунё жилвасиға мойил ўлма, эй дили мажруҳ,  
Ки ҳар гул остида мажруҳ этарға неча хори бор.

Ичиб май масту мағрур ўлма дунёни шаробиға,  
Ки ҳар бир мастлиғни сўнггидин охир хумори бор.

Етар ҳар тўй сўнггидин азо ҳар бандаға илҳақ,  
Таваллуд сўнггидин албатта бир кун марғи мори бор.

Эмас хушнуд ҳеч ким бу жаҳонни интизомидин,  
Етар торики шаб гарчанд аввалда наҳори бор.

Қувонма неъматидунёға ким чун дон дом ўлғай,  
Сани банд айламакка донни кўб интизори бор.

Бўлур охир макони бир қоронғу қабр ҳар кимни,  
Агарчи бул жаҳонда бўстону марғзори бор.

---

\* Бевафо дунё маломати ҳақида.

Ҳаёти Хизру умри Нух, жумла давлати Қорун,  
Кима бўлса муяссар охири бир кун ўлори бор.

Етар андуҳу кулфат дарди ҳижрондин муқаррарким,  
Агар ҳар кимни барно, маҳлиқо ширин нигори бор.

Ишонма дўстлик тадбирига бир кун кўрарсанким,  
Ўшал дўстинг дилида неча минг кийну нақори бор.

Умид этма тамоми маҳлиқодин меҳржўлиғда,  
Қачон беғам кўрарсан ишқ элидин кимки бори бор.

Агарчи файзосору масаррат орази маҳрў,  
Вале кўйдиргали ошиқ дилида ишқ нори бор.

Чунонким ибрат олғил офтоби оламородин,  
Ки доим шуъласида беадад гарду ғубори бор.

Хаёл этсанг тамоми ҳақшуносу аҳли дилларни,  
Бу дунё меҳридин кўб нафрату чандин қарори бор.

Етар ҳар роҳат дунёға юз минг меҳнату андуҳ,  
Бу меҳнатдин халос ўлмакка кимни иқтидори бор.

Ҳариқий, сан ҳам эмди қазо ҳукмиға рози бўл,  
Вагарна кимни мундоғ ранжу ғамга иқтидори бор.

### АЙЗАН ФИЙ ЗАММИ ФАЛАК УЛ-ФАДДОР\*

Чарх одатики бухлу ҳасад бирла ҳаммисол,  
Лозим эмас демак не шаъниға қилу қол

Ҳеч шай тараққий этмади гардунни жабридин,  
Қилма магарки бухл ила андишани вабол

---

\* Яна хиёнаткор фалакнинг ёмонлиги ҳақида.

Етмас киши тамом муродиға бегумон,  
Гар баъзисиға етса сўнггидин етар завол

Кўрғилки, офтоб қиёмға етса гар,  
Лошак етар заволи анга ўтмайин хаёл

Ҳамчун Қамарки, тўлса қаю соате яна,  
Топқай завол бир даме боқий эмас камол

Гулшанда гул очилса ўшал дам бўлур хазон,  
Боди муҳолиф ила бўлур жисми бемажол

Ҳар шайни чун фаносиға боис камолидур,  
Гулни очилмаги сабаби қатъи банду бол

Қайси дарахт етса камолиға ложарам,  
Бўлғай камоли боис қатъ ила истийсол

Ҳар меванки, пишса-ю етса камолиға,  
Доим етар бошиға ани тош ила сафол

Дарё суви етушса булут устиға агар,  
Нозил бўлуб ер устиға бўлғуси поймол

Чун фасли сайф етса камолиға бевуқуф,  
Фасли шитоб сариға чунон айлар интиқол

Ошиқ агар етушса нигорини васлиға,  
Ул дамда нозу ғами бўлур ҳоили висол

Ҳар мақсадики бўлса муяссар било хилоф,  
Бўлғай анга шикаст неча чанд ихтилол

Бешубҳа бил камол бедуни завол эмас,  
Мақсад било хала бўлуви тутмас эҳтимол

Гўё камол жавҳару анга завол араз,  
Алҳақ қивоми ҳар бири танҳо эрур муҳол

Гардун хавоссидурки, камолингда минг шикаст,  
Бўлғай магар ба хориқи одоти зи-л-Жалол

Беҳад хавосси торами ғаддори кажравон,  
Лозим валек мухтасар этмак кунун мақол

Ҳаргиз Ҳариқий айламас фиғон чархдин,  
Лекин этар баён моқолоти ҳасби ҳол

### **АЙЗАН ФИЙ ЗАММИ ФАЛАК УЛ-ЖАВВОР\***

Эй дил, халоси жаври фалак қилма ихтиёр,  
Ким айламакдур жавру ситам йўқтур анга ор.

Доим иши ғаму аламу меҳнату фироқ,  
Андух етқарувдин анга йўқтур ўзга кор.

«Фо»и фасоду «лом» лўту «коф»у каср ила,<sup>19</sup>  
Бўлмиш бу ҳарфлар била бу нажас номдор.

«Фак» айламакка жумлаи мақсуддин сани,  
«Лом»и далилдурки, эрур «фак»да пойдор.

Ҳар дам солур фалак санга лак шўр ила фасод,  
Чунки фасод «фо»си эрур «лак»да барқарор.

Каср ила фалла этгали ҳар матлабинг далил,  
Билғилки, «коф» касри эрур «фал»ға фалладор.

Агар келса мақсадинг қулинга ғофил ўлмакким,  
Сўнгидаги жафосиға бўлғайсан интизор.

---

\* Яна жавр қилувчи фалакнинг ёмонлиги ҳақида.

Қўйни семиртирарда ғараз қасди жонидур,  
Дом ичра дон қўярда ғараз банди ул шикор.

Бир роҳату фараҳни сўнггидин ўшал замон,  
Юз кулфату ғаму аламу меҳнат ошкор.

Ҳар кимки, кўрди роҳати дунёни бевуқуф,  
Минг ғуссаю азобу жафоға бўлур дучор.

Ҳар кимки келди олама чаши пур об,  
Жисми харобу сийнаси пур хуну дилфигор.

Баъзида ғуссаи валаду хешу ақрабо,  
Баъзида ғуссаи ватану мулку марғзор.

Баъзида ғуссаи зару симу матоу мол,  
Баъзида иззу жоҳу ғаммию висоли ёр.

Баъзи агар етушса нигорини васлиға,  
Лекин тамарруд ила қилур ёр сад фирор.

Ким етти бу жаҳонда тамоми муродиға,  
Ким тонти бу харобада иқболу зътибор.

Ҳосил бу аҳли олама йўқ лаҳза шодлиғ,  
Гар айласа фараҳ йўлиға жонини нисор.

Кори фалак будурки, мазаллат солур мудом,  
Кимки фалак тагида эрур хору бемадор.

Охир фано етар санга, эй дил, бу ҳол ила,  
Бўлғай санга макони фараҳ қабри тангу тор.

Дод этма бу аламға, Ҳариқийки, даҳр аро,  
Сендек ғарибу хастаю маъюс бешумор.

## ҚОШИНГ МЕҲРОБ

Ишқ элин масжиди рухсорингу қошинг меҳроб,  
Вирду тасбиҳи учун шарҳи висолинг бир боб.

Нури васлингни фуруғи етибон оламға,  
Аҳли оламға ани номи бўлубдур моҳтоб.

Жавҳари дурри такаллум агар афшон этсанг,  
Лаззати нутқинг эрур ишқ аҳлиға бодаи ноб.

Асари нури жамолинг кима гар етса бўлур,  
Дарди ишқинг-ла ғаму меҳнату ранжу асҳоб.

Доғи ишқ-ла бўлуб ғунчани кўкси пур хун,  
Лола ҳижрон ғамиға дил сияҳу тан бетоб.

Оразинг шавқи-ла булбул қилади оҳу фиғон,  
Шўриши ҳажринг илаву кеча-кундуз беҳоб.

Ложарам кўрса агар кимки маҳи рухсоринг,  
Кўкси пур доғу дили пур ғаму чашми пур об.

Бир кўриб ҳусни жамолингни маҳу хури фалак,  
Печиши ишқи жамолинг ила бетоқату тоб.

Гар замин сафҳаи мулки роқиму дунё муҳлат,  
Бўлса ҳам албатта шаънингда туганмас алқоб.

Қайси кун кўрди қизил гул сани гулгун ҳуснинг,  
Рашк этиб ул дам ани бўлди дилу жони хароб.

Гар жаҳон аҳли ҳама изласа рўйи олам,  
Сан каби дилбари маҳвашни вужуди ноёб.

Қил қабул арзимни, эй мулки дилим султони,  
Бодаи васлинг ила хастани қилғил сероб.



Ошиқи меҳри рухинг ташналабу атшондур,  
Толиби жоми вафо аз яди дийдори шароб.

Арзаи бандалигим улки нигоро этсанг,  
Бир даме восили дийдор этиб кашфи ниқоб.

Хасрати арзини изҳор қилиб наздинга ,  
Берди мазмунни Ҳариқий бўлубон беодоб.

## ОҲУ ЗОРИМДИН

Масаррат ғам кўруб шод ўлди андуҳ оҳу зоримдин,  
Ки маҳшар шуъласи тушди ҳажр ўлуб ширин нигоримдин.

Латофат ранг олиб тобти касофат нури байзони,  
Мани бахти наҳсу толиъ бум эътиборимдин.

Лабимдин чиқса оҳе гар муҳити баҳри акбарда,  
Тамом ўлғай суви қайнаб дилимда ишқи норимдин.

Ўқиб ашки ҳазиним аҳли оламни қилиб ғарқоб,  
Чу харротин ҳама бежон ашки хунборимдин.

Мунингдек ажаб бўлғаймуки об ашк аросинда,  
Тамоми аҳли дунё ўртанодурлар шароримдин.

Ҳаёт бўлди ўлум тобти ҳаёти бениҳоятни,  
Нигорим ҳажрида чекмиш бу дарди захмдоримдин.

Камоли тангдиллиғдин замон ҳам бўлди бетоқат,  
Висоли ёрим уммидида бўлмиш интизоримдин.

Муҳити меҳнатимга курраи олам чу арзандур,  
Баён эттим вале бир шамма ҳоли беқароримдин.

Хазон ўлди гули иқболиму ҳолим хароб ўлди,  
Таним фажмурда бўлди ҳажр ўлуб ул гул узоримдин.

**Илоҳи наздинга мушкулму фазлинг-ла ато қилсанг,  
Манга гар баҳраи ул мавсими фасли баҳоримдин.**

**На хуш кундур Ҳариқийни нигорим ёд этиб бир йўл,  
Деса ҳолин сўрай эмди ғариби хокисоримдин.**

## **ИКТИСОБ**

**Мулки маномим айлади равшанлиғ иктисоб,  
Меҳри рухингдин, эй фалак ҳусна офтоб.**

**Лаълинг бўлуб чу чашмаи мин хамрин лаззатин,  
Каъси карамда манга тутуб нобаи шароб.**

**Лаҳви фаноға нақш этиб ақлими жўйини,  
Шаккарфишонинг этти ширинлик билан хитоб.**

**Олдинг жасад хазинасидин жонни нақдини,  
Ишқ оташида қилиб оқибат каббоб.**

**Маънийи ояти «халақал мавта вал-ҳаёт»,<sup>20</sup>  
Лаълинг табассумию кўзинг ғамзиға китоб.**

**Ҳошоки, икки наргиси шаҳлойинг, эй ҳабиб,  
Бўлмиш бири хумору бири айни масти хоб.**

**Гўйи дилим тушуб хуми чавгони ишқингга,  
Жон мурғи қилди тани қафас ичра изтироб.**

**Мавж урди ашки ҳасратим оламға пур бўлуб,  
Чарху кавокиб ашкима чун гавҳару ҳубоб.**

**Чун зулфи ҳолим ўлди паришон висол деб,  
Ҳам жисм эрур фироқ ила шабу рўз печутоб.**

**Оҳим чу ҳайдарингча фалакни қаро қилиб,  
Хунобим ила ер юзини айладим хузоб.**

Найлар фироқинг ила Ҳариқийки йўқ илож,  
Бўлди кунун миёнаға бедорлик ҳижоб.

## ЎРГУЛСУН ҚУЛУНГ

Меҳри шавқинг-ла фалак жавлон, ўргулсун қулинг,  
Ҳайрати ишқинг-ла ер пайқон, ўргулсун қулинг.

Ламъан ҳуснинг билан бу даҳр пур анвор ўлуб,  
Хуру маҳ дийдоринга ҳайрон, ўргулсун қулинг.

Лаъл рашк айлаб лабингға жисми хунолуд эзур,  
Лола кўксида ғами ҳижрон, ўргулсун қулинг.

Оҳ уруб ҳар дам гули рухсоринга шайдо бўлуб,  
Андалиби дил қилур афғон, ўргулсун қулинг.

Нори ишқинг саҳни гулшан ичра афшон айладинг,  
Фунча кўкси шул сабабдин қон, ўргулсун қулинг.

Оразингни аксидин тобмиш чаман ободлиғ,  
Лек қумри ҳажр ила нолон, ўргулсун қулинг.

Маҳви зулфингу паришон ҳол сунбул боғ аро,  
Мақдамингдин бўй олур райҳон, ўргулсун қулинг.

Аҳли дилларким, ғуломи мазҳаби покинг эзур,  
Сан Имоми Аъзами даврон, ўлгулсун қулинг.

Нури васлинг бирла шом ҳажрими субҳ айлатуб,  
Хастани қил васлинга меҳмон, ўргулсун қулинг.

Жон лабимға етти ҳажринг бирла тоқат тоқ ўлуб,  
Бўлди ашки ҳасратим тўфон, ўргулсун қулинг.

Оч ниқоби ҳажру васлинг бирла меҳмон эт мани,  
Ҳажринга йўқ тоқатим чандон, ўргулсун қулинг.

Нори ишқингда кўйиб бўлди Ҳариқий хастаҳол,  
Қил давое лутф ила дармон, ўргулсун қулинг.

## НАЪТИ ҲАРИҚИЙ БА ТАҚОЗОЙИ ТАВОФИ РАВЗАИ ПОК\*

Аё эй, хоки пойинг анбиёга чун мукалал тож,  
Неча аҳли валоят анга ҳам етмай эрур муҳтож.

Эрусан шоҳи иззат чокарингдур Жабраил ал-ҳақ,  
Сифотинг раҳматан лил-оламин,<sup>21</sup> жавлонгаҳинг Меърож.

Каломинг ҳужжат ул-ислому васфинг носих ул-адён,  
Тариқ ул-мустақим ичра вужудинг гавҳари ваҳҳож.

Мақоми улвинга танзил этиб Ҳақ коффатан лин-нос,  
Тамоми умматинг эҳдосиға шаръинг эрур минҳож.

Муҳити раҳмати Ҳақ жўш уруб доим туфайлингдин,  
Шафоат баҳри умматларға бўлди лўжжаи маввож.

Чу фаҳринг фақра, лекин тождори даҳр келтурди,  
Бошиға тож қўйгандек қўйуб наздинга чандон бож.

Зухури мўъжизотинг тахтаи арзу само узра,  
Мунаққаш мисли хатти шабгуни шоҳон балавҳи ож.

Нуқуши хоки пойинг жабҳасоси Аршу Курсию Лавҳ,  
Малоик барча истиқболу истидборингға афвож.

Таажжубким, десун зотингни бесоя кўруб, эй шоҳ,  
Сазо бесоялик зотингфаким Ҳақ нуридин иблож.

Зиҳи қурбинг туфайлингдин бўлубдур мақдаминг Қибла,  
Ки Тоиф анга фулки Нух, афроди малоик хож.

---

\* Пайғамбар қабрининг тавофини сўраб Ҳариқий айтган наът.

Зиҳи покиза зот қудсинг ағёринг сифотидин,  
Ки маддоҳи хирад идроки васфингга эрур лажлож.

Ҳаюлои араздек қалбима ишқинг ҳулул айлаб,  
Ҳама андишаи ғайр аз тавофинг айладим ихрож.

Муҳаббат лашкари аҳқоби саф анвои даф бирлан,  
Кўнгил мулкидин этти сабру тоқат рахтини торож.

Дилим фикрим тавофингда кўзумдур интизори васл,  
Дилим ғарқоби ишқу кўздин ашким бўлди пур маввож.

Тавофинг бирла татҳир айласунлар журму исёнин,  
Сиришким обиға айлаб таҳорат жумлаи ҳужжож.

Шарори нори шавқи равзаи покинг билан жисмим,  
Фанолик бобида андоғки чун хокистари ҳаллож.

Ҳариқи(й) мубталойи ишқ сўзонингни меҳмон этти,  
Ки исён дардиға айлай тавофинг бирла истиълож.

## АШЪОРИ МИЛЛИЙИ ҲАРИҚИЙ БА ФАСОДИ АҲВОЛИ ОЛАМ ВА ОДАМ\*

Ё Рабб, нечук замонаки гардуни бевафо,  
Ёғдурди миллат узра чунон жолаи жафо.

Миллат бўлуб ғарибу фужур ўлди сарфароз,  
Чиқти зуҳура маъсияту фисқи беибо.

Миллат маъорифи-ла улуми шароъий,  
Аҳли жаҳолат айлади жаҳл ила ихтифо.

Пинҳон ўлуб маъориф эли кунжи ғурбата,  
Аҳли жаҳонға фосиқу фужжор раҳнамо.

\* Олам ва одамнинг фасоди ҳақида Ҳариқийнинг миллий шеърлари.

Ҳукми шариату амалу илмдур хафий,  
Фош ўлди фисқу журму хато, сарқату зино.

Бўлди ғариб аъламу муфтийи шарълар,  
Миллат раиси аҳли шарру шўру ҳар хато.

Миллат салоҳу хизмати-чун қўйса ким қадам,  
Кўргай замона аҳлидин ул неча минг изо.

Аҳли замона олима бермас салом валек,  
Жоҳилға кўб тамаллуку таклифу марҳабо.

Миллат демакдин ўлди иборат зар ила сим,  
Ҳам бандаликдин ўлди иборат кунун бағо.

Фисқу фужура аҳли жаҳон айлар инқиёд,  
Амри Худоға аксар мардумда йўқ ризо.

Беркилди ҳақ жаҳонда, зуҳур этти ботилот,  
Бутлонни иртиқобиға йўқ шарм ила хаё.

Савму салоту ҳажжу закот айбдур валек,  
Бўлди мубоҳ ғасфу қимору зино-ю рибо.

Қуръонни қадри байъу талош ила паст валек,  
Майхоналарда хамру арақ бўлди бебаҳо.

Айлаб бу тавр миллат эли феълени қабиҳ,  
Қилди заиф миллат ила шаръи Мустафо.

Ё Рабб, баҳаққи хожаи Ёсину Ҳал ато,  
Миллатга бер зиёву шариатга бер қуво.

Афсус миллат иззати барбод бўлди, вой,  
Фисқу фасод олами бунёд бўлди, вой.

Ҳамду санову тоату тасбиҳ тарк ўлуб,  
Макру фирибу шайтанат мўътод бўлди, вой.

Илму фану санойиъу ҳикмат ғариб ўлуб,  
Жаҳлу залолат арсаси обод бўлди, вой.

Қилмас ривож миллата кўшиш бани башар,  
Олам ҳама шарората мунқод бўлди, вой.

Ҳеч кими йўқ макотиба майлону рағбати,  
Ҳар бир хатоға бир неча афрод бўлди, вой.

Гўё замона мардуми таклифдин чиқиб,  
Доми низоми шаръдин озод бўлди, вой.

Аксар кишини феълида ислом нишони йўқ,  
Ислома шул қадардаки иснод бўлди, вой.

Дашному шатму қазфу ҳақороту лафзи куфр,  
Қуръон тиловат ўрниға аврод бўлди, вой.

Аҳли замон шанойиъи гар бўлса инчунин,  
Бешак шаниъа шаръан авлод бўлди, вой.

Гумроҳ ўлуб ажабки тамоми фақиҳлар,  
Жоҳил жаҳонға соҳиб иршод бўлди, вой.

Бу ҳақда ким ваъз айтадур олам аҳлиға,  
Албатта ваъзи боиси ифсод бўлди, вой.

Миллат учун ғарибу хароб ўлмагин кўруб,  
Ағёрлар бу маъниға дилшод бўлди, вой.

Миллат ғамида бир неча мўъмин вазифаси,  
Оҳу фиғон, нолаву фарёд бўлди, вой.

Ё Рабб, баҳаққи хожаи Ёсину Ҳал ато,  
Миллатга бер зиёву шариятга бер қуво.

Аксарда номи дину диёнатдин ўзга йўқ,  
Афзолида хатову залолатдин ўзга йўқ.

Таълиму илму маърифату фазл ўрнига,  
Фикру хаёли онча шақоватдин ўзга йўқ.

Одобу илму ҳилму тавозуъ бўлуб адам,  
Зулму итобу жавру жаҳолатдин ўзга йўқ.

Фисқу фижуру маъсията кўб шитоб валеж,  
Амри Худоға маҳзи қаҳолатдин ўзга йўқ.

Меҳру вафою авну тараҳҳумни ўрнига,  
Макру фирибу ғадру хиёнатдин ўзга йўқ.

Фикр айлағилки маҳкамаи шаръ не тариқ,  
Жавру жафою зулму сиёсатдин ўзга йўқ.

Бир неча аҳли илмлара дафъи шаръ учун,  
Бўҳтон жавобу кизби шаҳодатдин ўзга йўқ.

Бир-бирига рифқу қадру муҳаббат кўрулмади,  
Лекин ҳамиша бўғзу адоватдин ўзга йўқ.

Миллат ривожу илму маъориф-ла бўлса гар,  
Илм ўрнига бу дамда жамодатдин ўзга йўқ.

Олим агар мавъиз учун очса оғзини,  
Халқи жаҳондин анга иҳонатдин ўзга йўқ.

Жоҳил агар жаҳонни фасод этса халқидин,  
Доим анга ривожу ҳимоятдин ўзга йўқ.



Ҳар ким айтар тил ила, ки ислом динимиз,  
Ал-ҳақ дилида қасди шароратдин ўзга йўқ.

Гар бўлса бул тариқада аҳволи халқлар,  
Андак замонда миллата фораатдин ўзга йўқ.

Ё Рабб, баҳаққи хожаи Ёсину Ҳал ато,  
Миллатга бер зиёву шариятга бер қуво.

Миллат ғамида ашки ҳазиним ҳубобдур,  
Ҳасрат ўтида қалбу жигар ҳам каобдур.

Ҳар амру наҳйи шаръийдин олам ибодат,  
Бул вазҳдин ҳамиша бу миллат харобдур.

Мардумни фикри манфаати шахсийсиға банд,  
Миллатни хизматиға вале садди бобдур.

Илм аҳлида кўрулмади ҳеч қадр у эътибор,  
Миршаб-полиса фирқаси олийжанобдур.

Гўёки бул замонада андоғ хилофким,  
Қоим мақоми булбул ўланлар харобдур.

Ҳар фасоду фисқу фужур ошкор ўлуб,  
Ҳар бир ибодат узра нечанд эҳтисобдур.

Ҳар маслаҳатни садришини авом, валеж  
Олимға на саволу на жойи жавобдур.

Байъу шарои аҳли тижорат бўлуб фасод,  
Молю дирам скитка билан бенисобдур.

Мактабға илм ўқурға кўрунмас бани башар,  
Ёш бачаларни шуғли чўт ила ҳисобдур.

Ҳар кимки илму маърифат ўрганса номии ҳез,  
Марду баҳодир улки жаҳолат маобдур.

Миллат гарчи бўлса адам ғам емас касе,  
Ҳар ким асири кайфи сафои шаробдур.

Бал дин учун тараддуду ҳиммат хато бўлуб,  
Дунё топарга ҳийла тариқи савобдур.

Ё Рабб, баҳаққи хожаи Ёсину Ҳал ато,  
Миллатга бер зиёву шариятга бер қуво.

Миллатда ҳеч зиёву таровватни кўрмадим,  
Халқ ичра илму фазлу ибодатни кўрмадим.

Ҳар фирқада улуму фунун ўлди баркамол,  
Ислом элидин аҳли саноатни кўрмадим.

Мардумни миллати зарру симу матои мол,  
Лекин алардин аҳли саховатни кўрмадим.

Во ҳасратоки, аҳли жаҳон банди қайди нафс,  
Дунёда ғайр аз аҳли залолатни кўрмадим.

Оламда неча шайхи замон чиқтилар ваъ,  
Ҳаргиз алардин аҳли кароматни кўрмадим.

Тилла узанги бирла банорас чопонлик,  
Дунёпарастдин аҳли ҳидоятни кўрмадим.

Ҳақжўйлик камоли эса тарки мосиво,  
Ҳеч орифики аҳли риёзатни кўрмадим.

Топилса гар зиёфат ибодатни тарк этар,  
Бир зокирики, аҳли қаноатни кўрмадим.

Назру ниёз жамъи агар шайхлик эса,  
Аҳли дирамдин аҳли валоятни кўрмадим.

Ҳодийи даҳр ушбулар ўлди дариф деб,  
Фикр этгучи бир аҳли надоматни кўрмадим.

Ҳар кимки синса касбидин эшонға қўл беруб,  
Ҳеч бир муриди холис инобатни кўрмадим.

Миллатға хизмат этгучилар маҳзи муддаий,  
Миллатға ҳаргиз аҳли ҳимоятни кўрмадим.

Ё Рабб, баҳаққи хожаи Ёсину Ҳал ато,  
Миллатга бер зиёву шариятга бер қуво.

Миллат жилоси кеттию анвори бўлди занг,  
Миллат элида қолмади номусу ору нанг.

Мардум ҳама шикояи ғийбатға мустамий,  
Оят билан ҳадиса вале кўру ҳам гаранг.

Зикру санову тиловату тасбиҳ ўрниға,  
Машқи рубобу танбуру найу дутору чанг.

Тақвою зуҳду тавбаю узлатни тарк этиб,  
Машғули базму шоҳиду хамру банг.

Қоим мақоми олим ўланлар раиси базм,  
Хотинсифат жувон ила эркаксифат сатанг.

Одобу ваъзу панду насиҳат маҳалида,  
Таҳқиру кизбу тухмату алфози куфру жанг.

Меҳру видоду авну ҳимоятни ўрниға,  
Фисқу фасоду фитнаю иғвойи ранг-баранг.

Ҳар бир хатоға жаҳлу жадал айлашур ҳама,  
Амри Худоға боргали лекин чу мури ланг.

Гар олиме насихат айтар бўлса онлара,  
Етгай бошиға халқи жаҳондин саполу санг.

Шул важҳдин бу миллат эли беҳунар қолуб,  
Ағёрлар сиёсатида бўлдилар саранг.

Илму фану санойиъу ҳикматни соҳиби,  
Бўлди бу дам итолиёиу русу ангилу фаранг.

Миллат эли ҳанузгача ғофил бу ҳолиға,  
Илма қилур дарангу хатоларға қисталанг.

Ушбу тариқа жаҳл ила ғафлатни касридин,  
Миллатни нури кеттию аҳволи бўлди танг.

Ё Рабб, баҳаққи хожаи Ёсину Ҳал ато,  
Миллатга бер зиёву шариятга бер қуво.

Ислом нишони эрди бу миллатға ифтихор,  
Алҳақ бу дамда қолмади миллатға эътибор.

Жорий бўлуб зақуну низому фироткалар,  
Миллат юзини олди чунон гард ила ғубор.

Илму ҳунар ер остиға чўкти яшил мисол,  
Бўлди чу чашма жаҳл ила ғафлатлар ошкор.

Миллат учун касе на нишоту ва на ғам кўрар,  
Кўрсам қачон бу миллат эли маст ё хумор.

Шаръи шариф қуввати симу тилло бўлуб,  
Қул ғаний мувофиқи шаръу нуфуздор.

Гар бўлмаса кафингда зар, эй муддаий ҳақ,  
Жазм этки, санга таҳқиру таъзир бешумор.

Мундоғ сиёсату ситаму зулмдин қочиб,  
Халқ айлади низому зақунларни ихтиёр.

Гар бўлса бул тариқа хиёнат билан жафо,  
Шаръи шарифа эмди на қуввату на ҳукм бор.

Баъзи хоин қуззот илқида қолмиш бу тиғи шаръ,  
Фадру хиёнат ичра чу сайфи ғилофдор.

Қилди Расул миллат учун жонини фидо,  
Қилғай булар ҳаробиға иймонини нисор.

Шаръи Муҳаммадийни қилиб бул қадар заиф,  
Иймону динидин ажради бадбахт ришвахор.

Маълум баназди халқи жаҳону баназди Ҳақ,  
Чун гарданида ҳалқаи лаънат эрур тумор.

Малъунлигига ушбу нишона бўлур далил,  
Ким бўйнида нишонаси зуннори тавқдор.

То гарданиға ҳалқаи лаънат осилмаса,  
Йўқ анга бул жаҳондаву маҳшарда ҳеч қарор.

Токи гарданида бўлмаса тавқ ила жазмким,  
Ҳукмига на нуфузу ва на қатъу ва на қарор.

Ё Рабб, баҳаққи жумла китоби муназзиллинг,  
Ё Рабб, баҳаққи жумлаи асҳобу чорёр.

Ё Рабб, баҳаққи хожаи Ёсину Ҳал ато,  
Миллатга бер зиёву шариятга бер қуво.

**Миллати ривож илму фазилат-ла ошкөр,  
Ким жаҳл ила бу миллат эли бўлди мунча хор.**

**Миллат элиға лозим акун жидду жаҳд ила,  
Миллат тариққийсиға қилур бўлса жон нисор.**

**Илму ҳикамки, хизмати миллатға дастгир,  
Мактаб билан ҳусула келур санга бешумор.**

**Мактабда илму фанну ҳикам гар ўқур эсанг,  
Икки жаҳон саодатидур сенга барқарор.**

**Мактаб икки жаҳонда эрур ҳодийю далил,  
Мактабни олими икки оламда номдор.**

**Мактаб эрур иморати миллатни умдаск,  
Мактаб эрур сиёсату дунёға даррадор.**

**Мактаб эрур давоири миллатни ҳофизи,  
Мактаб эрур жавоҳири миллатға риштадор.**

**Мактаб далилу ҳужжати миллатни конидур,  
Мактаб хазинаи дирами айши рўзгор.**

**Мактабки дин чироғини фонуси эрур, вале,  
Мактаб фанни ҳидояти чун шамъи нурдор.**

**Мактаб элида тиру ҳукм сад мақсада,  
Ағёри жаҳлу гафлат ила онлари шикор.**

**Мактаб биҳишт оламу мактабни аҳли ҳур,  
Чун ўзга жой дўзаху ҳам аҳли хору зор.**

**Мактаб эрур жавоҳири ҳикматни маъдани,  
Мактаб эрур фавоиди миллатга чун ҳисор.**

Мактабки илму маърифату фанни жомии,  
Мактаб фазоиلى ғами миллатга ғамгусор.

Мактабда кимки илм ўқур, динидур қавий,  
Иймонидур салиму бўлур анга бахт ёр.

Ё Рабб, баҳаққи хожаи Ёсину Ҳал ато,  
Миллатга бер зиёву шариатга бер қуво.

Мактаб чу равзаи шаҳи мулки ҳикам турур,  
Ҳам партаси чу сандали зебои жам турур.

Ҳар илму фану мағфирату фазл анда бор,  
Шогирдларга ҳар бири нозу ниъам турур.

Гар мактаб ила мадрасани фикр айласанг,  
Гўёки илм аҳлиға икки Ҳарам турур.

Ҳар кимки мактаб ичра топар илм мақсадин,  
Андин тамоми давлати Қорун кам турур.

Қоруна бўлди давлати бир душмани қавий,  
Олим ваъ чу подшаҳи бокарам турур.

Кон ўлса гар тамом бўлур давлати ғаний,  
Олим кишининг илми туганмас дирам турур.

Олимнинг айши иззату жоҳу фараҳ ваъ,  
Жоҳилни ҳоли кулфату жавру ситам турур.

Олимни шавқу завқ иладур ҳоли шодлиғ,  
Жоҳилни жойи меҳнату хуроки ғам турур.

Олим тили дарозу маъорифла сарфароз,  
Жоҳилни дасти кўксидаву боши хам турур.

Олим сипеҳри маърифату офтоб валёк,  
Жоҳил чу зарра кўзга кўринмас адам турур.

Олим чу ҳури жаннати ирфонда айш этар,  
Жоҳилни айши талху маоши алам турур.

Олим ҳамиша илму амал бирла ҳукмрон,  
Халқ ичра иззу давлат ила муҳтарам турур.

Олим Худони наздида қадри баланд ўлуб,  
Ворис ба Саййид ул-Араб ва-л-Ажам турур.

Олим киши шариату миллатга ҳомийдур,  
Ҳам лойиқи шафоати хайр ул-умам турур.

Ё Раб, баҳаққи Хожан Ёсин ва Ҳал Ато,  
Миллатга бер зиё, шариатга бер қуво.

Миллат мисоли жисму бу миллатни жони илм,  
Миллат чу бир жазираю обиравони илм.

Миллат чу бир Мадинаю илм анга қалъадур,  
Миллат чу баҳру лаъли бадахшони илм.

Миллат эрур чу арсаи майдони бўстон,  
Райҳону сунбулу гулу райҳон нишони илм.

Миллат чу бир хазинаи макнунни пур гуҳар,  
Душмандин асрамоққа ани посбони илм.

Миллат мисоли водий пур роҳу пур хатар,  
Лекин бу миллат аҳлинидур роҳбони илм.

Миллат чу бир мақолаи хушлафзу хушмақом,  
Тақрир этарга лекин анингдур забони илм.



Миллат эрур саодатк кавнайн маъдани,  
Ёқуту лаъли дурру рахшони илм.

Миллат чу зарки хоки жаҳолат-ла чиркнок,  
Ҳар дам анинг маҳак каби сайқалқунони илм.

Миллат чу кема баҳри фано тўлқунидаким,  
Оташ масал мудом анга қувватрасони илм.

Миллат мисоли балдаи хуш обу хуш ҳаво,  
Лекин тасарруф этгали соҳибқирони илм.

Миллат чу бир чаманки гулранг баранги ила,  
Зийнат бериб турарга ани боғбони илм.

Миллат бошиға жолаи ғафлатни жавридин,  
Пушту паноҳ этарға ани соябони илм.

Миллат чу шоҳу мактаб анга чун хазинадур,  
Ушбу хазинани зару сими ниҳони илм.

Миллат чу рози Холиқу махлуқ байниға,  
Сиррини билдирарға ани таржимони илм.

Ё Рабб, баҳаққи хожаи Ёсину Ҳал ато,  
Миллатга бер зиёву шариатга бер қуво.

Эй дилбари таъаламму-л-аълум ъомили,  
Эй кишвари фаъаллами одамни шомили.

Эй дафтари маъорифу ҳикматни омили,  
Эй сафдари ғавофилу жуҳҳол комили.

Эй ҳикмату фунуну маъорифни омили,  
Эй зубдаи таломизу ақрон оқили.

Эй жаннат саодати нав очилон гули,  
Миллат гулиға толибу ошифта булбули.

Ўғлонларим, бу миллата жонлар қилинг фидо,  
Берсун ривожингизға дамодам мадад Худо.

Айланг қўнгилни чирканат жаҳлдин сафо,  
Миллатни ходимилигингизға қилиб вафо.

Миллатни гарданидин олинг риштаи жафо,  
Шод айлангиз бу хизмат ила руҳи Мустафо.

Бизлар қилиб ҳамиша Худойимға илтижо,  
Сиздин тутармиз эмди бу миллат учун ражо.

Мардум ҳама шарората машғул бўлди, оҳ,  
Мағрури ҳар касофату масрури ҳар гуноҳ.

Бўлди ҳама залолату жаҳл ила рўсиёҳ,  
Фисқу фужур бирла қилур халқ завқи воҳ.

Йўқ бир кишики бўлса бу миллатға хайрихоҳ,  
Токим анга очилса ҳидоят сариға роҳ.

Ўғлонларим, бу миллата сизлар бўлинг паноҳ,  
Бўлсун муъинингиз ҳама дам Ҳазрати Илоҳ.

Паямбар этти миллати куфр аҳли-ла талош,  
Дурдек тишиға ушбу сабаб бирла тегди тош.

Ҳам бир юча саҳоба фидо қилди динга бош,  
Миллат анинг-чун эрди бу оламға чун қуёш,

Миллатдек эмди куфру залолатлар ўлди фош,  
Фош этгучи бу аҳли залолат қирулса кош.

Миллат кўзидин оқти надоматлар ила ёш,  
Ўғлонларим, бу миллат учун айлангиз кенгош.

Миллат ғамида кўнгил этар нолаву хуруш,  
Ҳасратни оташида дил айлаб давоми жўш.

Бошин солиб диёнат эли бўлдилар хамуш,  
Соҳиб милал бўлуб ҳама майхўру майфуруш.

Майхоналарда доим эрур жамъи бодануш,  
Кўрсам макотиб ила мадорис давоми бўш.

Ўғлонларим, қилинг бу сўза сидқ бирла гўш,  
Миллатни ҳолини кўрингиз сизда бўлса ҳуш.

Баъзи этиб ўзини бу миллатдин инфикок,  
Ҳукми қазо қилди закон бирла иштирок.

Миллат нишони қолмади баъзида кетти пок,  
Баъзи айтарки, кетса агар дин биза чи бок.

Баъзини қасди қилса бу миллатни зери хок,  
Мундоқ фужур тўлди самак бирла то самок.

Ўғлонларим, бу ғамла кўнгил бўлди чок-чок,  
Сизлардин эмди биз эрурмиз умиднок.

Ўғлонларим, кимики борар мактаб сари,  
Бўлғай Худой ҳар ду жаҳон они раҳбари.

Андин бўлур ризо икки оламни сарвари,  
Бўлғай муъини ҳам ҳама асҳоб ахтари.

Илму бўлур бу бандаға чу тожи афсари,  
Ҳукми қилур тасарруфи офоқ кишвари.

Андоғ киши билоди маъорифни қайсари,  
Кори ани мудом бўлур динпарвари.

Миллат чу жисму маъорифдур анга жон,  
Руҳи ақойид ўлса, масойил эрур равон.

Миллат чу шоҳи одилу илм анга роздон,  
Беилмларға жилваи миллат эрур ниҳон.

Олам ҳамиша миллат учун шоҳу ҳукмрон,  
Ҳам ноиби Расули Худодур икки жаҳон.

Эй булбули биҳишт, саодатга жавидон,  
Бўлғай ҳамиша сизлара Халлоқ мустаъон.

Ўғлонларим, мулоъабадин сиз фароғ ўлунг,  
Беҳуда лаъабу лаҳудин эмди йироғ ўлунг.

Мактабда мисли булбули хушхони боғ ўлунг,  
Милларни ҳасрати била сиз бедимоғ ўлунг.

Миллат ғамида нола билан сийнадоғ ўлунг,  
Миллат учун маъориф ила чун чироғ ўлунг.

Миллат элини дийдасиға сиз қароғ ўлунг,  
Миллатни хизматиға баҳодир бу чоғ ўлунг.

Ўғлонларим, бу сўзда нечук иштибоҳдур,  
Ҳар бир сўзимға ҳоли замона гувоҳдур.

Миллат чунон харобу жилоси табоҳдур,  
Халқи жаҳонни наздидаким мисли коҳдур.

Ғофил кишининг кўзи кўру бенигоҳдур,  
Миллат учун ҳанузғача беинтибоҳдур.

Олим киши бу миллата пушту паноҳдур,  
Миллат ҳидоятига ани илми роҳдур.

Миллат чунон хароб, чунон ҳоли пур хатар,  
Ким қўрқарам бўлурму магар сўнгра ҳам батар.

Дод айласам агарчи эшитмас бани башар,  
Бўлди магар тамоми халойиқ қулоғи қар.

Тўлди жаҳонға журму хато, фисқу шўру шарр,  
Ўчти чироғи ҳикмату илму фану ҳунар.

Ўғлонларим, билинг бу насиҳатни чун гуҳар,  
Илму маъориф ила топинг даҳр аро зафар.

Миллат элида миллат учун кўбдур эҳтиёж,  
Тобмас салоҳ миллата, лекин касе илож.

Во ҳасратоки, миллат эди соф чун зижож,  
Энди бу миллат ичра шаророт чун хурож.

Илм ўрнига жаҳолат ила ҳулқу ҳам мизож,  
Ҳулқу макорим ўрнига шарр топти имтизож.

Ўғлонларим, улум ила сизлар бўлунг сирож,  
Миллатга хизмат этгали Худо берсун ривож.

## АЗАЛ УНВОҢ

На тарз чекти қалами котиби азал унвоң,  
Ки нақши холу хатинг шарҳини этарда баён.

Зухуру тоқи ҳилолинг жамолинг оламиға,  
Чунин басмалаи хатти сураи Фурқон.

Ишорат ўлди кўзинг суратиға сураи Нуң,  
Малоҳат олди юзинг аксидин маҳи тобон.

Мубин ўлди камоли сифотингға алҳақ,  
Каломи Ҳақда бу оятки «аллама-л-Қурьон».<sup>22</sup>

Агар жин аҳли топар бўлса суҳбатинг, жон,  
Сани қадинг бирла жин аҳли ҳам бўлурлар жон.

Лабингни рашки билан ғунчалар ютар хуноб,  
Жамолинг ишқи билан андалиб эрур нолон.

Даҳонинг обиҳаёту сўзинг чу тири мамот,  
Исинг чун анбару зулфинг чу сунбули райҳон.

Деди ҳақингда «юҳибб ул-жамол»<sup>23</sup> Холиқи тоқ,  
Кунун нечук санга бўлмас фидо бу аҳли жон.

Юзингни Каъбасиға рўзу шаб азимат этиб,  
Йўлингни Мавфиқида айлагум навою афғон.

Насибим ўлса агар равзаи висол ул дам,  
Худойи васлинг учун жоним айлайин қурбон.

Қўйуб жисмими хок даринға зор айлай,  
Сиришким обини айлай чу ғарқан тўфон.

Этарман орзуйи оби замзами лаълинг,  
Ки ташналаб қулингга шояд айласанг эҳсон.

Ридои ишқ ила ғайрингни айладим эҳром,  
Кўтар миёнадин, эй ёр, пардаи ҳижрон.

Юрақда ишқ ўтини сақламоқ маҳол ўлди,  
Анинг чун этти Ҳариқий мувашшаҳ ила баён.

## МОҲИ ТОБОНИ

Мунаввар оразинг мулки ҳаётим моҳи тобони,  
Қадинг сарву юзинг жаннат гули, зулфинг чу райҳони.

Лабинг лаълу тишинг дурру даҳонинг чашмай замзам,  
Забонинг хуш такаллумликда чун тўти хуш алҳони.

Лиқо вақтида лозим аҳли ишқингни ҳалокиким.  
Ики қошинг камон, мижгонларингдур ишқ пайкони.

Ўзинг барно, кўзинг шаҳло, сўзинг шакар, исинг анбар,  
Рухинг раъно, даминг Исо, жамолингдур чу нурони.

Эрусан жон сифат оламда жон ичра, эй жоно,  
Ҳама жонон чу бир суратға сансан онлари жони.

Ҳаёву шарму рифқу ноз одоби назокатда,  
Латофат ҳам малоҳатда эрусан барчасин кони.

Муборак гулрухинг узра паришон айласанг зулфинг,  
Жаҳон сайдиға зулфинг дом, висолингдур ани дони.

Десам дунёда танҳо шоҳи оламсан эмас мадҳинг,  
Ки ўттилар гуломи мажлисинг олами султони.

Жамолингдин агар халқи жаҳонға етмаса нури,  
Бўлур олам ҳама зиндон сифат бир қабри зулмони.

Умид улким, нигоро, ошиқингни сарфароз этгил,  
Зақоти давлати васлингдин айлаб зарра эҳсони.

На хуш давлат Ҳариқийга муяссар борҳо васлинг,  
Кимики кўрса васлинг кўнглида қолғайму армони.

## ШАРМ ИЛА ҲАЁ

Меҳри сипеҳра лоҳиқ эрур шарм ила ҳаё,  
Ҳуснингни рашки бирла, аё соҳиби зако.

Лаълингни рашки бирла бўлуб лола қўкси доғ,  
Рухсоринг акси бирла чунон бўлди қон хино.

Лавҳи чаманда акси рухинг бирла завқ этиб,  
Булбул қилур фиғон ила юз навҳаю наво.

Ошифта бўлди ғунча лабинг суратин кўруб,  
Ушбу сабабдин ишқ ўтиға сийнаси тўло.

Оҳу кўзингни ҳайрати ҳайратфизо бўлуб,  
Наргис чаманда ҳайрат ила бўлғуси фано.

Ҳуснингни таълати била зебо бўлуб чаман,  
Тўти дуои хайринга доим қилур садо.

Маюс эрур бинафшаи гулшан солиб бошин,  
Ҳаргиз бўлолмайин санга бир лаҳза зери по.

Дандонларинг сафосиға дурлар бўлуб хижл,  
Батни садаф ичида сани айлашур дуо.

Жон танда қолди ғами ҳажрингда, во дариг,  
Гар бўлса санга айлар эдим неча жон фидо.

Айлаб Карим давлату ҳуснингни безавол,  
Берсун жаҳон қароринча умринга бақо.

Танг айлама Ҳариқий мискин ғулومинга,  
Айларға лутфу марҳамату меҳр ила вафо.



## САҲНИ ЖАҲОН

Мунаввар ўлди юзинг нури бирла саҳни жаҳон,  
Топиб шараф сани бирлан саодатин даврон.

Латофатингдин этиб касб нур шамсу қамар,  
Тамоми олама бўлмиш мунири нурафшон.

Лабингни рашкидин ўлуб хижл ақиқи Яман,  
Чунонки суратидин бўлди гунча хандон.

Ибо этар хатти лаълинг муаттариятидин,  
Ҳаёт чашмаси даврида сунбулу райҳон.

Эгиб бошини хижолат билан бинафшаи боғ,  
Кўзингга наргиси шаҳло чамандадур ҳайрон.

Ҳарорат шарари шарм бирла лолаи дашт,  
Рухингни рашки билан сийнаси эрур тўлақон.

Муборак оразинг ошифтаси бўлуб булбул,  
Қилур чаманда мудом оҳу нолаву афғон.

Дамодам оҳ уруб тўтгийи шаккар гуфтор,  
Умиди васл ила қумри ҳамишадур нолон.

Жаҳон эли санга қандоғ асир бўлмаским,  
Асири акси рухинг бўлди ҳур ила ғилмон.

Эрур хатинг уза холинг чу нуқтаи оёт,  
Ки анда Юсуфи Канъонни ҳусни бўлди баён.

Ниҳон тутмакка сиррин Ҳариқий ожиздур,  
Ки ишқ ўти бирлан кўкси давом эрур жўшон.

## ТАБЪИ МУСАММАНИ ҲАРИҚИЙ БАРОЙИ ТАРҒИБИ ТАЛОМИЗ БА ТАҲСИЛИ МАКОТИБ ИН АСТ\*

Бу дунёни муборак жаннат ул-маъвосидур мактаб,  
Жаҳон саҳнини бешак аҳсан ул-ҳусносидур мактаб,  
Жаҳон аҳлини алҳақ мақсади ақсосидур мактаб,  
Маъориф толибини Каъбаи барпосидур мактаб,  
Жаҳолат аҳлини ҳам қуввати бийносидур мактаб.  
Фатонат моҳрўйинг хилвати зебосидур мактаб,  
Билинг миллат элини рутбаи волосидур мактаб,  
Шаҳи мулки ҳикамни маснади аълосидур мактаб,  
Уружи маърифатни Масжиди Ақсосидур мактаб,  
Буружи макрамати рутбаи байзосидур мактаб.

\*

Билинг, ўғлонларим, илм аҳлиға мактаб эрур жаннат,  
Ани ҳар бир улуми онлара Ҳақдин эрур неъмат,  
Риёзатларга мактаб ичра бордур ҳар бири роҳат,  
Хати чун холи хубон аҳли ирфона эрур зийнат,  
Маъонийлар мисоли чун зумуррад гавҳари қиммат,  
Маъорифлар савоб ила хатоға пардаи исмат,  
Китоб ҳам мудом илм аҳлигадур боиси нусрат,  
Нусратлар билан, ўғлонларим, қувват топар миллат,  
Ҳама дин ходимини ханжари бурросидур мактаб,  
Жамийи аҳли ислом давлати узмосидур мактаб.

\*

Агар ҳар кимда бўлса заррача тавфиқи Субҳоний,  
Ўқур мактабда токим қувват олғай нури иймони,  
Қилур раҳмат маъориф ўрганурга ҳадд ал-имкони,  
Этар таҳсил илму ҳикмат ул то тандадур жони,  
Сабабким, мактаб эрмуш илму ҳикмат гавҳарин кони,  
Бу гавҳарларға ким соҳиб бўлур оламини султони,  
Илоҳий, барча ўғлонларға бергил илми Раббоний,  
Ки шояд бўлсалар бу миллати исломи филмони,  
Билинг, ўғлонларим, миллатни сариншосидур миллат,  
Бу миллат толибини дури беҳамтосидур мактаб.

\* Шогирдларни мактабларда илм ўқишга тарғиб этиш учун Ҳариқий ёзган му-самман.

Билинг мактаб мисоли арсаи мулки Сикандардур,  
Мисоли партаси тахти Жамшид ила Қайсардур,  
Қалам мисдоқи миллат хизматиға мисли ханжардур,  
Китобатлар ҳуруфи мисли тир нусратовардур,  
Улуми мактаб ила олами миллат мунаввардур,  
Сипехри рутбаи аълоға илму шамси анвардур,  
Чун мактаб эгаси илм аҳлиға миръоти мазҳардур,  
Анга моҳир киши чархи саодат узра (ахтардур),  
Мақоми улвиятни роҳи истиълосидур мактаб,  
Мақоми салтанатни сандали болосидур мактаб.

\*

Маъориф ҳодийи аҳли замону ҳомийи ислом,  
Маъориф аҳли тобқай ҳар ду олам иззату икром,  
Маъорифдин бўлур ҳосил ҳама фархундаву фаржом,  
Маъориф кимда бўлса доим айлар рутбаси иқдом,  
Маъориф умдаи таъмири миллат мувсили ҳар ком,  
Маъориф ганжи бепоёни айшу ишрати оном,  
Маъорифсиз киши бадҳолу доим кори беанжом,  
Маъориф қасдиға, ўғлонларим, боғланг бугун эҳром,  
Маъориф аҳлини ҳам Ясрибу Батҳосидур мактаб,  
Маъориф булбулин ҳам гулшани оросидур мактаб.

\*

Деманг мактабни нафъи илм элиға маҳзи мирзолик,  
Оё дастори гардиш бирла доим жома оролик,  
Маъорифдин иборат ё деманг ким кори уқболик,  
Айшимизни талх этар ҳожоти дунёлик,  
Деманг лозим биза илму ўрниға бир кори савдолик,  
Тижорат қилмасак, пул топмасак бизга на расволик,  
Билинг, ўғлонларим, икки жаҳон ичра шаҳаншоҳлик,  
Маъорифлар бўлур сизларга ҳосил ҳукмфармонлик,  
Ибодат лаззатини бодаи саҳбосидур мактаб,  
Маишат оламини гунбази хузросидур мактаб.

\*

Куринг ағёрларни ҳолин онларда на ҳолатдур,  
Ки ўтти маротиб касби онларни табобатдур,

Билур баъзи муҳандисликнию кори масоҳатдур,  
Низома баъзи бўлмиш моҳиру касби ваколатдур,  
Ҳама ағёрларда маърифат ўрганмак одатдур,  
Вале бизларда ҳар бир иш учун онларга ҳожатдур,  
Бу ҳожатларни ҳал қилмоқ учун чандон хароҷатдур.  
Чунин ҳоли бадимиз боиси маҳзи жаҳолатдур,  
Халойиқни ҳамиша давлати дунёсидур мактаб,  
Бани одамни бешак иззати уқбосидур мактаб.

\*

Авоми бемаъорифлар кўринг қандоғ залолатда,  
Ки гумраҳлик билан боши ҳаму доим хиҷолатда,  
Бўлур ҳар иш учун илми аҳлиға бечора ҳожатда,  
Ўзин омилиғиға доим афсусу надоматда,  
Анинг учун барча олам олима доим итоатда,  
Маъориф аҳли оламға чу султондур ҳимоятда,  
Кўринг, ўғлонларим, илм аҳлидур роҳи ҳидоятда,  
Анга илми ибодат айши мамнундур ниҳоятда,  
Ҳама аҳли жаҳонни мояи кубросидур мактаб,  
Ҳама олам ривожин муншои туғросидур мактаб.

\*

Кўрингким, олиму омийни фарқи ҳеч эмас ниҳон,  
Баён этмак ани ҳожат эмаским чун маҳи тобон,  
Ки олимлар ҳама хушҳол эрур чун пистаи хандон,  
Вале омий ҳамиша музтару доим эрур хайрон,  
Ҳамиша олима иқболу бахту иззати даврон,  
Давомат омийларда ҳасрату андуҳ ила армон,  
Кўринг, ўғлонларим олим жаҳон аҳлиға чун султон,  
Валекин омийларни қадри гўё мурдаи бежон,  
Жаҳолат мурдасини чун даме Исосидур мактаб,  
Чу авну тарбиятни Хизр ила Йлёсидур мактаб.

\*

Маъорифни Ҳариқий мундин ортиқ айлама таъриф,  
Макотибни жаҳон аҳлиға минбаъд айлама тавсиф,  
На ҳожат санга девони мутаввал айламоқ тасниф,  
Ки аҳволи замон оламни мактабға қилур таклиф,  
Қаю ўғлонки, оқил бўлса мактабға қилур ташриф,

Магар жоҳил мунингдек асл мақсадга қилур таҳриф,  
Билинг, ўғлонларим, олим киши айшин қилур тазъиф,  
Вале айши учун меҳнатларин илми қилур тансиф,  
Билинг, ҳар кимни меръожига Рафрафжосидур мактаб,  
Таъллум қоба қавсайн ва ав адносидур мактаб.

## ТАРЖИЪБАНДИ МУСАММАНИ ҲАРИҚИЙ БАРОЙИ ҒУРБАТИ МИЛЛАТ ВА НИЗ АЗ АҲВОЛИ ЗАМОН ВА ҒАФЛАТИ АҲЛИ ТУРКИСТОН ИНАСТ\*

Илоҳий, ранги гардун ҳасрат ила заъфарон ўлсун,  
Бизинг миллат каби ғурбат билан сабзи хазон ўлсун,  
Тўкулсун анжуми, нуру зиёси бенишон ўлсун,  
Бу миллат аҳлидек кори мудом оҳу фиғон ўлсун,  
Букулсун қомати ғам бирла миллатдек камон ўлсун,  
Ки миллатга солон жаврин қасоси ҳамчунон ўлсун,  
Тилар гардунки миллат ҳоли мундин ҳам ёмон ўлсун,  
Демас бир лаҳза миллат жавру зулмимдин омон ўлсун,  
Ҳама дин ходимининг авниға Ҳақ мустаъон ўлсун,  
Чучуқлар хизмати миллат учун соҳибқирон ўлсун.

\*

Таажжубким, ҳама оламға гардундин ёғар раҳмат,  
Вале миллат бошиға ёғдулар гардун ҳамон заҳмат,  
Худовандо, надин бўлди бу миллат лойиқи меҳнат,  
Магар миллатга гардун жавридинму бу қадар кулфат,  
Ваёким тутти миллат равнақини пардаи ғафлат,  
Ваёким аҳли миллат жаҳлини касриму бу ғурбат,  
Илоҳо, тоабад Ҳақ лутфи-ла топсун жило миллат,  
Тараққий ҳам ривожу ҳам мадад ҳам авну ҳам нусрат,  
Ҳама дин ходимининг авниға Ҳақ мустаъон ўлсун,  
Чучуқлар хизмати миллат учун соҳибқирон ўлсун.

\*

Таассуф аксари аҳли жаҳон беинтибоҳ ўлди,  
Ва миллатни ҳолини кўрарга бенигоҳ ўлди,

---

\* Ҳариқийнинг миллат ғурбати, замона аҳволи ва Туркистон аҳлининг ғафлати ҳақидаги мусамман таржиъбанди.

Ҳама фирқа ўзини миллатига хайрихоҳ ўлди,  
Вале биз фирқага миллат учун хизмат гуноҳ ўлди,  
Ҳама ислом элин мақсуди шахси иззу жоҳ ўлди,  
Вужуди миллат аксарларда балким иштибоҳ ўлди,  
Кунун миллат учун уммид мардумдин табоҳ ўлди,  
Фақат уммидимиз миллат учун лутфи Илоҳ ўлди,  
Ҳама дин ходимининг авнига Ҳақ мустаъон ўлсун,  
Чучуқлар хизмати миллат учун соҳибқирон ўлсун.

\*

На боисдин чунон иқболи манҳус ўлдинг, эй миллат,  
Мунигдек чоҳи ғурбат ичра маҳбус ўлдинг, эй миллат,  
Ўз элингга нечук бегона маҳсус ўлдинг, эй миллат,  
Нечук ағёрларга мунча побус ўлдинг, эй миллат,  
Нечук аввалда нурий шаръа фонус ўлдинг, эй миллат,  
Кунун мундоғ ғариблик бирла манкус ўлдинг, эй миллат,  
Бизинг ғафлатга ёким ғарқу номус ўлдинг, эй миллат,  
Анинг-чун ўз элингдин мунча маъюс ўлдинг, эй миллат,  
Ҳама дин ходимининг авнига Ҳақ мустаъон ўлсун,  
Чучуқлар хизмати миллат учун соҳибқирон ўлсун.

\*

Бу қандоғ хоби ғафлатдурки бедор айламас ҳаргиз,  
Нечук миллат бошига тепкулар кор айламас ҳаргиз,  
Лаёпай жавру кулфат бирла ҳушёр айламас ҳаргиз,  
Нечук ғафлат ситамдин бизни безор айламас ҳаргиз,  
Нечук миллат бу кулфатлар билан зор айламас ҳаргиз.  
Тараққийнинг бу миллат ўзига ёр айламас ҳаргиз,  
Нечук миллат эли бу ҳолидин ор айламас ҳаргиз,  
Нечук миллат учун бир ҳиммат изҳор айламас ҳаргиз,  
Ҳама дин ходимининг авнига Ҳақ мустаъон ўлсун,  
Чучуқлар хизмати миллат учун соҳибқирон ўлсун.

\*

Таралмиш ҳукми шаръа рахнанинг оҳиста эълони,  
Ки аксар моддаларда заъф топмиш шаръ аҳкоми,  
Кўринглар ғайрилар дастига кирмиш зиж анжоми,  
Замоннинг инқирозидин магарким етти пайғоми,  
Замон аҳли ҳануз ўз кайфига мағруру пур жоми,

Ҳама майнўшу заноғуш чу айш базм эрур коми,  
Неча миллат Ҳариқий ҳарқати ғам-ла йўқ ороми,  
Дуо айларки, бу миллат учун бўлсун Худо оми,  
Ҳама дин ходимининг авниға Ҳақ мустаён ўлсун,  
Чучуқлар хизмати миллат учун соҳибқирон ўлсун.

## **АФСУСНОМАИ ТУРКИСТОН ВА ТОБИЪОТИНИНГ АҲВОЛИ ТАНАЗЗУЛАСИ ВА АҲОЛИСИНИНГ АТВОРИ ТАДАННИЙСИ\***

Ватанлик аҳли миллатларға бир гуфтор Туркистон,  
Ватанлик номидин ўзга тополмас ёр Туркистон,  
Ватан бўлмоқ учун бизларға айлар ёр Туркистон,  
Бизингдек паст ҳиммат-ла фирқадин безор Туркистон,  
Сабабким, жаҳлимизни касридиндур хор Туркистон,  
Бизинг ғофиллиғимиздин эрур афкор Туркистон,  
Мазаллат дарди бирла доимо бемор Туркистон,  
Ҳаёти айшу ирфонда баса ночор Туркистон,  
Маъориф пешаларға равзаи гулзор Туркистон,  
Бизинг миллат элиға буқъаи пур хор Туркистон.

\*

Ватан дермиз ватанға йўқтур аммо зарра парвомиз,  
Ватан ислоҳиға кўнгилда йўқ асло таманномиз,  
Сафий одобдин аҳлоқимизда барча бежомиз,  
Фужуру зулму кизбу ғадру сарқат узра барпомиз,  
Либоси исмату илму маъорифдин муъарромиз,  
Хисоли ҳикмату фан зойиъидин мубарромиз,  
Бажои маърифат ғафлат билан оламда расвомиз,  
На савдоликки ўздин беҳабар ҳар ерда гўёмиз,  
Ажабким ғайриларға бул беҳишт осор Туркистон,  
Нечук биз фирқаға чун қабр тангу тор Туркистон.

\*

Бу Туркистон жилову равнақин тутманг ражо издин,  
Ки осори тамаддун тобқуси доим фано биздин,

---

\* Туркистон ва унга тобе шаҳарларнинг таназзули ва аҳолининг ривожланиш-дан қолганлиги ҳақида афсуснома.

Хароб ўлса тамома ҳолимиз чиқмас садо биздин,  
Ватаннинг ҳолидин ҳеч ким эшитмас бир нидо биздин,  
Ки Туркистон ҳақиға бу на бешарму ҳаё биздин,  
Вужудимиз туғилди батни Туркистон аномиздин,  
Қаю фарзанди ноқобилки дарди бедаво биздин,  
Ҳақи бор бўлса Туркистонки эмди норизо биздин,  
Ўғай ўғлонлариға марҳамат кирдор Туркистон,  
Биза ўз айбимиздин бўлди бад атвор Туркистон.

\*

На фарқ ислом элию ўруслар жўз эътиқод, эй дил,  
Итолиёву фарангу ёпуну амрикаву ангил,  
Ки зотан барчамиз авлоди Одам фарқимиз мушкул,  
Нечук онлар камолоту улума бўлдилар қобил,  
Бизу ирфонни мобайнида қандоғ пардадур ҳоил,  
Фақат фарқи ул онлар ҳиммат ила бўлдилар комил,  
Вале бизларда ғайрат бўлмағондин қолдимиз жоҳил,  
Вагарна бизга ҳам онлар каби ҳикмат бўлур ҳосил,  
Бизинг ҳам илмимиздин бўлғуси саршор Туркистон,  
Ҳама офоқа санъат қилуғуси изҳор Туркистон.

\*

Биза бўлмиш мураббийлар муқаддам қирғизу қипчоқ,  
Аларни фазли бўлмиш жаҳлу асбоби ёғоч тўқмоқ,  
Муаллимлар бўлуб майдони жаҳла ҳомили байроқ,  
Мақосиддин ўқ ўтмай ҳошия таҳсили чанд авроқ,  
Дедилар таҳсили ҳикмат ҳарому таркидур беҳроқ,  
Анинг-чун бўлдимиз ғафлат била шармандаи офоқ,  
Ҳариқий, шукр қилким, халқ бўлди илм учун муштоқ,  
Илоҳи баҳра берсун бизга Халлоқи ғала-л-итлоқ,  
Агарчи бўлса ул мафхари ағёр Туркистон,  
Биза ҳам бўлса шояд маскани мухтор Туркистон.

## НАТИЖАИ ИТТИФОҚИЙ ВА КАСРИ ИХТИЛОФИЙ\*

Боиси авжу ривожу улву унвон иттифоқ,  
Маркази иқболу бахту фатҳи аъвон иттифоқ,

---

\* Иттифоқликнинг натижаси ихтилофнинг зарари.



Манбаъи иззу улову жоҳи даврон иттифоқ,  
Мажмаъи амну амону ҳифзи инсон иттифоқ,  
Маншай айшу ҳузуру роҳати жон иттифоқ,  
Мабдаи завқу суруру шавқу шодон иттифоқ,  
Мазҳари жуду атову лутфи Раҳмон иттифоқ,  
Масдари айни ризову фазли Субҳон иттифоқ,  
Маъражи улву камолу рифъату шон иттифоқ,  
Махражи файзу футуҳи аҳли виждон иттифоқ.

\*

Ихтилоф ила фаторат топса дарё, бас тамом,  
Бод ила гард ўлса хок куҳу саҳро, бас тамом,  
Риштаи маҳкам агар тор ўлса танҳо, бас тамом,  
Хишт агар бўлса жудо таъмир барно, бас тамом,  
Тораи танбур узилса базми барно, бас тамом,  
Тахтаи кўпрук бузулса роҳи кубро, бас тамом,  
Дасти гар синса беғил тиғи бурро, бас тамом,  
Нуқтаи гавҳар чу келса чашми бийно, бас тамом,  
Жаҳлу ғафлат дардиға доруйи дармон иттифоқ,  
Айшу ишрат оламиға онча султон иттифоқ.

\*

Неча минг хишт иттифоқ ўлса агар пештоқ ўлур,  
Хиштнинг тош айлағучи тўдаи ямтоқ ўлур,  
Гар даво келса мувофиқ қуввати чақмоқ ўлур,  
Кун шуъои жам бўлса таъсири ихроқ ўлур,  
Муйи нозик неча қад бўлса агар мийсоқ ўлур,  
Жома бўлғай нозик ип анга агар арқоқ ўлур,  
Кўб кишини иттифоқи нусрати Халлоқ ўлур,  
Ихтилоф эгучилар бу маснада муштоқ ўлур,  
Иллати афтодаларға мисли Луқмон иттифоқ,  
Тирборони жафоға мисли қалқон иттифоқ.

\*

Кўб сомонлар иттифоқ ўлса тутар деворни,  
Кўб йиғилса мурлар элтар бутун анборни,  
Кўб туман пинҳон этар хуршиди пур анворни,  
Кўб сухан такзиб айлар ҳужжати ҳақдорни,  
Кўб малах нобуд айлар кешти бемиқдорни,

Кўб хашак жам бўлса банд айлар бутун анҳорни,  
Кўб киши айлар муравваж илм ила афкорни,  
Кўб улум айлар муқаддам миллати мухторни,  
Миллат ақдомиға қувват, жисмиға жон иттифоқ,  
Баҳри зиллат мавжиға маллоҳи туфон иттифоқ.

\*

Айшимизни қалъасини қилди вайрон ихтилоф,  
Аҳлимизни барчасини қилди хайрон ихтилоф,  
Миллатимиз равнақини қилди пинҳон ихтилоф,  
Миллат аҳлин ҳолини қилди паришон ихтилоф,  
Фурбати давлатни бизга қилди эълон ихтилоф,  
Илму ирфону ҳунардин қилди ҳирмон ихтилоф,  
Миллат аҳлини қилиб кўксин тўла қон ихтилоф,  
Жисми бирён, чашми гирён, кори афгон ихтилоф,  
Марҳами ҳаржи дили маъюси нолон иттифоқ,  
Хизри миллатга муқаррар оби ҳайвон иттифоқ.

\*

Касбу санъатда чунон биз нодири давронбиз,  
Айшимизни муфт этарға сойили эҳсонбиз,  
Баъзи эҳсон ҳам тополмай кўб маҳал бенонбиз,  
Баъзи соиллар сафоси назрхўр эшонбиз,  
Баъзимиз тожиру лекин косиби хусронбиз,  
Баъзи повир, баъзи кучер, баъзимиз зиҳбонбиз,  
Ушбу зиллат боиси бешак ҳама нодонбиз,  
Илму фандин беҳабар бир жоҳили урёнбиз,  
Илму фанни ноширу устози альфон иттифоқ,  
Ғарви давлат фатҳиға чун марди майдон иттифоқ.

\*

Айшимиз заҳри ҳалоҳал, умримиз банди азоб,  
Илмимиз жаҳл маркаб хилмимиз шатму итоб,  
Қавлимиз кизбу хатову феълимиз зулму иқоб,  
Қалбимиз ғофилдуру аъмолимизда йўқ савоб,  
Затимиз одам валекин таъбимиз ҳайвон ҳисоб,  
Дин учун йўқ ҳиммату фиқу фужуран кўб шитоб,  
Шуғлимиз базму жувону кокилу хамру шароб,  
Ҳоли Туркистон, Ҳариқий, шул сабаб бўлди хароб,

Муслиҳи ахлоқу аҳволи паришон иттифоқ,  
Мувжиби тарвижи илму сунъу ирфон иттифоқ.

## РУХСОРИ РАЪНОДИН

Муаттар бўлди олам саҳни ул рухсори раънодин,  
Мукаммал бўлди дунё зебиши ул қадди барнодин.

Лисони шаҳди гуфтори билан булбул бўлуб шайдо,  
Чаман бўлди музайян ул нигори чашми шаҳлодин.

Лаби лаъли табассум бирла ишқ аҳлин қилиб бисмил,  
Дами Исо етар ҳам анга ул соний Масиҳодин.

Ибо айлаб жамолин партавидин сурати Юсуф,  
Етар оламға сўзиш оташи ишқи Зулайходин.

Ақиқ ўлди хижолат дарди бирла ранги хун олуд,  
Куйиб ишқ оташида ул лаби ёқут осодин.

Бўлуб пайваста абрўйи камон, мижғони тири жон,  
Етар ишқ аҳлиға пайваста заҳм ул қоши ёдин.

Даҳони рашкидин гулғунчалар кўксин қилиб хуноб,  
Хижолатдин садаф қабз ўлди дандони дурарсодин.

Эрур даври лабида оби ҳайвон сунбули зоҳир,  
Бу сунбул узра рухсори намуна вирди хумродин.

Латофатда жамолин васфидин бул замон ожиз,  
Баён... йўқ хислат ул ҳури симодин.

Фатонат ҳам заковат нузҳату зеҳну малоҳатда,  
Вужуди мазҳар ўлди санъати Халлоқи дородин.

Тамошан жамоли халқ учундур неъматни беҳад,  
Валекин неъматни беҳад манга «наҳну қасамно»дин.<sup>24</sup>

Тўқарман ашки ҳасрат восил ўлғондин бери доим,  
Бўлуб вирди забонимдур шаб «инно заламно»дин.<sup>25</sup>

Ичиб майи васлидин бир журъа ўздин беҳабар бўлдим,  
Адашдим маслаки аъмолу зуҳду тақводин.

Ҳулул айлаб кўнгилға ишқидин мажнун ўлуб кечтим,  
Тамоми роҳати дунёдину ҳам иззи дунёдин.

Жунун ишқида ғайр аз жамоли ҳеч эмас мақсуд,  
На ҳожат ўзга оمولу ражову ҳам тамошодин.

Ишора бўлди ҳусниға каломи «аҳсан ул-ҳусно»,<sup>26</sup>  
Будур фаҳвойи Қуръон ояти «инно халақно»дин.<sup>27</sup>

Ниҳон этти Ҳариқий исми покин назм аро токим,  
Рақиблар билмасун шахсиятин имлову иншодин.

### ФАЛАК УЗА МОҲ

Мунаввар ўлди юзинг аксидин фалак уза моҳ,  
Ки бу шараф-ла ҳилоли эрур шикаста кулоҳ.

Латофатингдин этиб касб нур шамси мунир,  
Муҳаббатинг-ла фалак беқаноату гумроҳ.

Лабингни даврида хатинг каманди жону жаҳон,  
Жаҳон элини шикориға бўлди меҳригиёҳ.

Асири зулфи рухинг бўстонда сунбулу гул,  
Чаманда наргиси шаҳло умидвори нигоҳ.

Ажабки ғамзау чашминг агарчи мувжиби марг,  
Табассуми лабинг айлар ҳаётдин огоҳ.

Бинойи риштаи ҳуббинг сипари фариштаға дом,  
Бу дом ҳалқасидин топти Ҳақ ҳузурида жоҳ.

Дабири абжад ўлур илму ҳол аҳли ҳама,  
Хаёл этарда кўнгил сафҳаи рухинг паргоҳ.

Азалда котиби қудрат ёзарда хатти жамол,  
Ҳилоли абрўйинг ўлди чу нақши бисмиллоҳ.

Лисони шаҳдинг ажаб йўқки руҳбахши Масиҳ,  
Кўзингға сураи Нун нозил этти лутфи Илоҳ.

Фусули шарҳи жамолинг муроди Холиқ эди,  
Вагарна ақли кулл эрди бу шарҳ учун кутоҳ.

Тилар кўнгил шарафи васлингга этмак уруж,  
Вале на чора мувфиқ эмас бу бахти сиёҳ.

Тўқарман ашки ҳазиним фироқ мотамида,  
Жунуни ишқ ила ҳолим тамом бўлди табоҳ.

Агар висолингга етсам муҳаббат оташидин,  
Кўзимға парда бўлур ҳар нафасда дуди оҳ.

Ҳижоб бирла кирар кўнглума хаёли рухинг,  
Қачон кўзумға муяссар бўлур жамолингга роҳ.

Жаноби Ҳақдин эрур бу наҳусати иқбол,  
Ки дуди оҳи сиёҳим вужудида на гуноҳ.

Агар лиқои жамолинг насибим ўлмаса вой,  
Биҳишти Адн ила маъво манга чу маҳшаргоҳ.

Начора борки Ҳариқий ҳарими васлингга,  
Рақиблар каби бўлғой муқарраби даргоҳ.

## ШАҲДИ ЗАҲРОМИЗ

Муҳаққақ олами арвоҳдин бу шаҳди заҳромиз,  
Ки таҳрири «бало»<sup>28</sup> санга, вале манга бало ангиз.

Лаб айлар орзуйи лаъли шаҳд афшонинг вой,  
Нигори нозинг айлар толеъимни заҳридин парҳиз.

Лисони нафсим айлар орзуйи завқи ҳуснунг лек,  
Лисонинг қатлима гўёки бир жаллоди пай овиз.

Тамошойи рухингдин обу оташ ошкородур,  
Ўзингу ҳам тишинг нусхаи шамшод ила андиз.

Тажаввузда нигоҳинг дилрабодур ҳамчу мақнотис,  
Такаллумда каломингдур саропо нафрату истиз.

Агар зикр айласам ман мо сафову мо кадар васфин,  
Туганмаслик мобайнида зоҳир тафриқу тамиз.

Ҳузурингда кимики лаҳза топса давлати васлинг,  
На ҳожат давлати Жамшиду анга давлати Чингиз.

Жамолиннга фидо қилсам бу жоним арзимас аммо,  
Фидо кўрмонаға Бағдоду Шому Хайбару Табриз.

Ижобат айла арзим, лутф қилғил ҳолима, жоно,  
Ўзим наздингда гарчи бекасу беқадру ҳам ночиз.

Навозиш қил Ҳариқий хастани ноби висол айла,  
Сиришкимға кўзимни қилма дарди ҳажр ила кориз.

## МАНГА РЎЗИ АЗАЛДА

Манга рўзи азалда солди савдо Холиқи бечун,  
Амалға келтирар рўзи абадда бошима гардун.

Лабим рўзи «аласту»<sup>29</sup> да жавобидин хато айлаб,  
«Бала»ни ўрнига деди «бало» бўлдум бугун мажнун.

Ливон фирқа бардорида бўлмай мўмину муслим,  
Ҳазор афеус бўлдум бир санамға кофиру мафтун.

Азалда бул эдими ҳукми қазо таҳририда, эй дил,  
Ки ёзди Лавҳи Маҳфуз узра заррин хома бу мазмун.

Инону ихтиёринг бўлди барбод, эй дили нолон,  
Санга йўқ суд агарчи ашки ҳасрат айласанг Жайҳун.

Бўлур рўйи шафақгунингга дуди оҳи афғонинг,  
Бу савдо аксидин ҳосил бўлур гардунда мийногун.

Дамеким котиби қудрат ёзибдур машйати арвоҳ,  
Муқаррардурки мўмин шодмон, кофир эрур маҳзун.

Анингчунким қадарда эл кўзи дийдор ила пур нур,  
Манга бахти сияҳдин дийда дарди ҳажр ила пур хун.

Лисоним изтироби ширк этар шукр ўрнида, ё Рабб,  
На бўлғай корим анжоми бу эрса манга бахти дун.

Фуруғи дийда ашки ҳасрат ила маҳв ўлди алҳақ,  
Фараҳ ўрнида кўнгил заҳмати андуҳ ила мамнун.

Тамошойи рухи жонон ила ағёр эрур хандон,  
Вале ман васлидин маҳруму доим кулфата мақрун.

Тушуб бошимға савдои муҳаббат доғи ҳижрондин,  
Дилимға тўлди дарду ғуссалар андозадин берун.

Илоҳо, файзи ʼомингдин манга рўзи насиб этгил,  
Ки шояд бўлса дилжў манга ҳам ул пайкари мавзун.

Ҳижоби ҳоили ҳижрон ўртадин рафъ айлагил, ё Рабб,  
Қилиб бу хаста дилни жумла кулфатдин ўзинг маъмун.

Жамоли манга бепоён иноятдур бу боисдин,  
Баню кўрмак эди Одам Сафийдин манга бир маснун.

Ўзинг раҳм айла ҳолимға, ато қил шоду хуррамлик,  
Агарчи мангадур Одам Атони суннати ...

Нигорим ҳажрида жоним лабимға етти вовайло,  
Ҳариқий бўлди расвои жаҳону халқ аро матъун.

### МУНАВВАР ҚИЛДИ

Мунаввар қилди олам саҳнини Халлоқи зоти пок,  
Жамолинг нуридиң, эй офтоби маркази афлок.

Латофатда жамолинг рашкидин шамси фалак максуф,  
Хижолатдин фалак узра қамар айлар нурин юз чок.

Лиқои шамси афлоку замин офтобини кўргач,  
Қилур зарроти ашёлар Қиёмат ҳашрини идрок.

Агар ушоқ васлинг бўлмаса тарки ҳаёт айлар,  
Забони ҳол ила доим аларни зикридур «лавлок».

Ибодатхонадур ишқ аҳлиға қошингни меҳроби,  
Эрур вирди забони илтижои «наъбуду иййок».<sup>30</sup>

Бўлуб ошифта ақли кулл чекарда нақши рухсоринг,  
Ҳам ақли ёшир ўлди ожиз ақлинг қилғали имсоқ.

Дуойи хайринга кўк узра лаб очса малоиклар,  
Сазодур аввало юз бора қилса оғзини мисвок.

Эгиб бошини жаннат ичра ризвонлар саломингга,  
Этур, ё саййидо удхул сариъан ҳаҳуно масвок.<sup>31</sup>



**Лижоминг хизматида турмака ушшоқа навбат йўқ,  
Ки пеши роҳингга иқболу иззу бахт эрур чолок.**

**Фароғат вақтида нозик танингни молиш этмакка,  
Камоли эҳтироминг бирла ҳури айн эрур даллок.**

**Таманнойи висолинг-ла тополмай васлингга роҳни,  
Тўкуб ашки ҳазинин инсу жин аҳли эрур ғамнок.**

**Тавозуъда самакдин то самок аҳли ғуломингдур,  
Мусаххар қилди ҳуснунгга жаҳонни молик ул-амлок.**

**Агар изҳор қилсанг холи Ҳиндию рўйи Румийнинг,  
Асиринг бўлғуси ҳинду ҳабаш, аъроб ила атрок.**

**Ҳижоби ҳажрдин чиқсанг намуди нор илан, жоно,  
Бўлур мажнун ҳама фавқи Сурайё то ба таҳти хок.**

**Жамолинг нуридин ишқ аҳлини қилсанг агар мамнун,  
Камоли безаволингга карамдин ўзга йўқ ҳеч бок.**

**Ўтар андоғ шаби ҳижрон билан рўзи фироқимким,  
Фирошим нори ишқу қутима заққум эрур хурок.**

**На бўлғай бир йўли сўрсанг нечук ҳолинг Ҳариқий деб,  
Ки мандек хастаҳол ўлса насиби ҳосиди рашшок.**

## **НИШИ ХОЛИНГДИН**

**Манга йўқ хобу роҳат кечалар ниши холингдин,  
Чунин кундузда тоқат шеваи сулҳи мажолингдин.**

**Лабимга етти жоним ҳасратингда тоқ ўлуб тоқат,  
Қиёми сиркаи шаккар каби ширин мақолингдин.**

Лиқо гар бўлмаса мумкин ҳаётимдин умидим йўқ,  
На ҳожат бул жаҳон холий ул қадди ниҳолингдин.

Ўлур нақши вафотим ҳосил алҳақ лавҳи дунёда,  
Ҳаётим нахлига қут олмаса оби зулолингдин.

Ажаб шўри Қиёмат ҳашрдин ақдам зуҳур этти,  
Ки бу тақрир ширин ҳарф ила очиг маолингдин.

Муружи талъати шамс ҳаётимға эди маҳсус,  
Муъини матлаъим ул машриқи олам висолингдин.

Дегум «коф»и кун кунтим амолим омоли бесардур,  
Мунга зоҳир далил исботи ҳусни бокамолингдин.

Эрур ойинаи ҳуснунг тилисми ҳақнамо, жоно,  
Жамоли санъати Ҳақ жилвагардур жамолингдин.

Лабинг замзам, юзинг Каъба, қошинг меҳроби қибламдур,  
Тавофи мосиводин ҳарам вожибдур ҳилолингди.

Фасоҳатда забонинг жонфизо, чашминг фасод ангиз,  
Кўнгилға кулфату жонға етар роҳат хисолингдин.

Тажаллида жамолинг халқи оламға эрур жонбахш,  
На дин бир жилва бўлмас манга ҳусни лоязолингдин.

Тўкарға рози бўлдинг ашки хуним на боисдур,  
Магар нуқсон бўлурму бул жамоли безаволингдин.

Имо бирлан ишорат айладинг заҳрин табассум-ла,  
Тамаллуқ ўрнида абрўйи чин лаъли малолингдин.

Ҳаётимни ҳаром эттим ўзимға боғладим эҳром,  
Фазои дашти ҳижронда нигори бемисолингдин.

Жаҳаннам қаъри маъво бўлса сенсиз мангадур беҳроқ,  
Биҳишти жовидон холий ... наволингдур.

Ибо қилғил дили маҳзуна хор этмакда, эй мағрур,  
Дили мағрур билан нозир Худойи зи-л-жалолингдин.

Насими илтифотингни Ҳариқийдин дариф этма,  
Сўриб ҳолин иёдат қил бугун ошифта ҳолингдин.

## МУХАММАСИ ҲАРИҚИЙ

Эй жамолинг ишқ элиға моҳи пур анвор, укам,  
Қоматингдур гулшан ичра сарви хуш рафтор, укам,  
Булбули гўё дили шавқинг била афгор, укам,  
Шул сабабдин рўзу шаб бетоқату бедор, укам,  
Муддао улдурки кўрса бир йўли дийдор, укам.

Орзу қилдимки гулшанда жамолинг бир кўрай,  
Бодаи васлинг ичиб лаъли лабингдин бир сўрай,  
Шавқу васлинг бирла бир дам кайфи дийдоринг сўрай,  
Гулрухинг айлаб тамошо лаҳза хизматда турай,  
Лек ололмай бу чамандин берди кулфат хор, укам.

Кеча йиғларман сани дийдоринга муштоқ ўлуб,  
Кундузида дарди ҳижрон бирла тоқат тоқ ўлуб,  
Гар жамолинг кўрмасам саргаштаи офоқ ўлуб,  
Васлингга етсам рақибға хору афгорроқ ўлуб,  
Йўлдаги ағёрлар бергай манга озор, укам.

Илтимос улким, нигоро, айласанг гоҳи нигоҳ,  
Бўсаи лаълинг карам қилсанг қулингға гоҳ-гоҳ,  
Гаҳ қучоқ бирлан агар лутф этмасанг ҳолим тобоҳ,  
Дарди ҳажрингда юраклар пораю диллар сиёҳ,  
Тири фурқат захмидинг тан жонидин безор, укам.

Раҳм қил зори дилимға, кел, кўнгилни шод этиб,  
Кулбами ташрифи ақдоминг ила обод этиб,

Бир йўли ҳолинг нечук, эй ошиқим, деб ёд этиб,  
Дарди ҳижрондин қулингни бир кеча озод этиб,  
Келғонингни билмасунлар зинҳор ағёр, укам.

Дилдаги ҳасратларимни эмди ман изҳор этай,  
Доғи фурқат нишидин заҳматларим ахбор этай,  
Мақсадимни этса бўлмас айбдур, ночор этай,  
Ким Ҳариқий толиби дийдор деб иқрор этай,  
Кўб қийиндур дарди ишқу меҳнати хуштор, укам.

### МУҲАММАСИ ҲАРИҚИЙ БАР ҒАЗАЛИ МАЖҲУЛ

Ишқ тугёнила тоқат тоқ ўлуб зор айларам,  
Ҳаста дилни кулфату ғамга гирифтор айларам,  
Кечалар ҳижрон ила бул сўзни такрор айларам,  
Арзи дилни қайси кун ёримға изҳор айларам,  
Ҳажрида тоқайгача бағримни афгор айларам.

Аввали юз ғамзаю ноз ила кўйиға солиб,  
Илтифот ила дилимни доми зулфиға чолиб,  
Ишва бирлан қўл кўториб гарданимға чирмолиб,  
Ноз ила ширин такаллум айлабон дилни олиб,  
Эмди айтур жавр ила жисминг бемор айларам.

Ҳасратим санжида бўлмайдур ҳама япроғ аро,  
Кулфатим сиғмас тамоми дашту саҳро, тоғ аро,  
Бир куни кетгум магар бу ҳол ила тупроғ аро,  
Оҳким, мумкинмудур чиқсак икавлон боғ аро,  
Қай куни, ё Рабб, анинг-ла сайри гулзор айларам.

Айлади жавру аламларни ҳақимға беқиёс,  
Қилмайин ҳажрон ғамида кўрган озоримни пос,  
Раҳм қилмас чашми гирёнимға ошиқ ношинос,  
Ер ўпуб юз минг тамаллуқ бирла қилдим илтимос,  
Илтифоте қил манга десам деюр зор айларам.

Қайси кун кўрдум жамолин бўлди ҳолим бесабот,  
Дарди ишқ ила ҳаром ўлди манга ул дам ҳаёт,  
Кулфату андуҳу ғамдин топмадим бирлам нажот,  
Тундур бизға, вале ағёрадур хуш илтифот,  
Раҳм қил, десам деюр, яхши, вале ор айларам.

Бормукин мандек жаҳонда дардлиғ бечоралар,  
Кеча кундуз ёр кўйида чунон овворалар,  
Ҳам мани ёрим каби жавр этгувчи жавворалар,  
Қошларин тигеқилиб кўксимни юз минг поралар,  
Кўксим очиб қайси кун ман арзи дийдор айларам.

Хусниға таҳсин этиб хуснунг сулук десам деюр,  
Банда бўлғай васлингга барча (мулук) десам деюр,  
Кимни кўрсам, оҳ урар, бағри куйук десам деюр,  
Эй укам, ошиқларинг кўбдур нечук десам деюр,  
Бир қараш бирла нечук бўлса гирифтор айларам.

Эй нигорим, дурри қалбим марҳамат ганжида эт,  
Ошиқингни қадрини меҳрингни оранжида эт,  
Бул паришон хотирим лутфинг билан санжида эт,  
Лутф этиб кулбам сари бир дам қадам ранжида эт,  
Йўқса бориб ҳужранга ҳар дамда безор айларам.

Дод этиб наздингда қадрини камидин бу қулинг,  
Оҳ урар ҳар лаҳзада жавринг мотамидин бу қулинг,  
Қўймайин бир заррача кўзни намидин бу қулинг,  
Йиғлаюр шому саҳар ҳижрон ғамидин бу қулинг,  
Кўзларимни қай қачон сероби дийдор айларам.

Эй баҳори оразинг фазлин зиёд этсун Худо,  
Гунчаи раъноий руҳсоринга жон бўлсун фидо,  
Жони васлинг шавқи-ла қасд айлаюр тандин жудо,  
Хублар санга адо, олдингда бошқа чун гадо,  
Ҳар қарошингда фидо жонимни сад бор айларам.

Ишқ элини тоқати бўлмас, дили нозик бўлур,  
Жавр қилсанг дарди ҳижрон ила гар бешак ўлур,  
Хўблар ошиқларин таъбиға пайравлик қилур,  
Ойу кун ҳар кун чиқар кўрмоқ учун десам, деюр,  
Гул юзимни кўрсатиб онларни бекор айларам.

Ёр ҳажрида кўнгил ташвишу ғам қилмоқдадур,  
Сийналар мажруҳ ўлуб, доим алам қилмоқдадур,  
Доимо дардин Ҳариқий ҳам рақам қилмоқдадур,  
Неча муддатиди бери ёрим ситам қилмоқдадур,  
Кечалар ушбу аламдин дийда хунбор айларам.

### МУҲАММАСИ ҲАРИҚИЙ

Шукрим, ҳолима раҳм айлади Халлоқи Яздоним,  
Фараҳвор айлади лутфи билан бу қалби сўзоним,  
Чунонким, меҳрибон этти манга ул моҳи тобоним,  
Навозиш айламишлар лутф этиб ҳолимға жононим,  
Сўриб саргашта ҳолу ишқ ўтида сийна бирёним.

Масаррат мулкиға шоҳ айлади ёрим мани гўё,  
Фироқим дардида ўлғон жасадни боз этиб ихё,  
Назар бирлан мужаррад суратимни айламиш кимё,  
Ажабким, суратимға ўхшамиш бир неча хил ашё,  
Ажабдур дарҳақиқат суратим тандин жудо жоним.

Кабоб ўлди кўнгил ҳажрини оҳи сардида охир,  
Дилим банд ўлди ул маҳбубларни фардида охир,  
Жамолин кўрмайин қолдим фироқин гардида охир,  
Мабодо қўрқаманким, бул жудолиғ дардида охир,  
Ҳалок ўлсам тўло келгай дилимда дарду армоним.

Хароб этти нигорим ҳолима раҳм этмайин доим,  
Кўз олдимда рақиблар суҳбатин тарк этмайин доим,  
Анинг-чун дилда дардим сақларам арз этмайин доим,

Оқар кўздин ёшим ҳижрон ғамида тинмайин доим,  
Қачон мақбул этар ёрим мани бул чашми гирёним.

Жамолин гулшанин ёд айлабон шўрида йиғларман,  
Даме суҳбат қилиб ўлтурмоқ умидида йиғларман,  
Вале фурсат тополмай ҳажрини дардида йиғларман,  
Наво айлаб тонг отқунча фироқ ўтида йиғларман,  
Дилимда қолмади тоқат, танимдин кетти дармоним.

Давомат варзиш этгим ёрими фикру хаёлотин,  
Умид айлаб йўлида кўргали дийдори миръотин,  
Вале топмай жамолин сафҳасида хатти оётин,  
Хароб этти муҳаббат оташи жисмим иморотин,  
Магар айши жаҳондин тўлдиму бу лаҳза паймоним.

Манга етган жафолар ёрдин ағёр ҳама етмас,  
Кўнгил сирри ажабким маҳрами асрор ҳама етмас,  
Кўзим нур олғали ул матлаи анвор ҳама етмас,  
Аё дўстлар, нечукким арзу додим ёр ҳама етмас,  
Вале етти қабат гардундин ўтти оҳу афғоним.

Ҳариқий, қатъи умид айлама зинҳор васлидин,  
Нечукким, баҳри топти ажнабий ағёр васлидин,  
Санга ҳам шояд етгай шаммаи ийсор васлидин,  
Нечук навмид ўлурсан, эй Ҳариқий, ёр васлидин,  
Мувашшаҳ бирлан арз эт токи мақбул этса султоним.

### МУХАММАСИ ҲАРИҚИЙ

Мунча мани жононим хор айлади,  
Ҳажр ўтида мундоғ афғор айлади,  
Дарди ҳижрон бирлан бемор айлади,  
Раҳм айламай ҳолимға зор айлади,  
Магар мандин ўзга бир ёр айлади.

Фироқида куйди жисм ила жоним,  
Дарди ишқи бирла қолмай дармоним,  
Кўксим ичра тўлди дарду армоним,  
Магар умрим етиб тўлди паймоним,  
Хаста жоним тандин безор айлади.

Нигорим ишқида бўлуб саргардон,  
Оҳу ҳасрат бирлан кўзларим гирён,  
Ҳажр ўтида жигар бағрим ҳам бирён,  
Шул сабабдин бўлди ҳолим паришон,  
Ёрим мани ашки хунбор айлади.

Арз айласам ул ёри бевафоға,  
Кўйди мани мундоғ жавру жафоға,  
Киши билмас дарду ғам хафоға,  
Доғи ҳижрон солиб қалби сафоға,  
Фироқ айлаб арзим бекор айлади.

Солиб жавру кулфат бошимға гардун,  
Қилди ғаму меҳнатларимни афзун,  
Фироқи ёр ила кўксим бўлуб хун,  
Ашки ҳасратларим ҳам бўлди Жайхун,  
Чунки ёрим тарки дийдор айлади.

Мажнунсифат корим фикру хаёли,  
Бир кўргали мақсудимдур жамоли,  
Умидимдур тамошойи висоли,  
Топилмай васлиға бир вақти холи,  
Гул юзиға кўб интизор айлади.

Йўқтур манга ҳажрида бир дам ором,  
Фироқида доим айлаб фикри хом,  
Ёр васлидин ололмадим ҳаргиз ком,  
Шароби лаълидин ичолмай бир жом,  
Майи васли қаттиғ хумор айлади.



Рақибларға эрур ҳусни намоён,  
Санубар қомати ҳар дам хиромон,  
Бу давлат-ла рақиблар кўнгли шодон,  
Шароби васли-ла масту нигорон,  
Ағёримни ёр эътибор айлади.

Ҳаддинг фузун ўлди дилим ранжури,  
Тўкулди кўйида кўзимни нури,  
Ҳажрида топмадим бир дам сурури,  
Ёрим тарк айламай масти ғурури,  
Мастлик ила сатри рухсор айлади.

Ёримасдин ҳаргиз кўнгил чироғи,  
Хароб ўлди умидим сабза боғи,  
Тополмайин ғамдин бир дам фароғи,  
Ғами ҳажр ила қат-қат дилни доғи,  
Ҳариқий ҳасратин изхор айлади.

### МУҲАММАСИ ҲАРИҚИЙ

Фанолиғни адам катмида чун бир нор деб келдим,  
Чу булбул арсаи оламини бир гулзор деб келдим,  
Зунубим афв этарга ҳазрати Ғаффор деб келдим,  
Шафоат қилғали ҳам Саййиди мухтор деб келдим,  
Қабули эътирофи узра истиғфор деб келдим,

Тут илгимни шафоат вақтидур, эй Саййиди лавлок,  
Гуноҳим ҳамлиға тоқат этолмас арз ила афлок,  
Ва лекин тири ишқинг чун қафас кўксимни айлар чок,  
Сиришким обиға айлаб таҳорат, юзни айлаб пок,  
Қаро кўнглим ёрут, эй матлаи анвор, деб келдим.

Муҳити раҳмати Ҳақ ҳурматингдин бўлди пур амвож,  
Ҳам аднойи маротиб шаънинга жавлонгаҳинг меърож,  
Губори мақдаминг бўлди малоик бошларина тож,  
Шафоат маҳрамиға умматингдур доимо муҳтож,  
Ки исён дарди бирла хаста дил бемор деб келдим.

Ҳавои нафсу шайтонга итоат айладим доим,  
Хатову фисқу исён узра бўлдум росуху қойим,  
Агар лутф этмаса ҳолимга рўзи ҳашр мавлоим,  
Гуноҳимга қиёс этса жаҳаннам қаъридин жойим,  
Туфайлинг-ла магар уммиди раҳмат бор деб келдим.

Кўнгил мулкига келди хизматингдин юр деб ишқ пайк,  
Ки роҳу дашту саҳроларда фарёд айлаюб чун дайк,  
Этарман доимо лаббайк, ё маҳбуби Ҳақ, лаббайк,  
Фидо айлаб ғариб жоним зиёрат қилғали ҳарамайк,  
Дилимда арзи ҳолим айламак изҳор деб келдим.

Агар машҳар куни саққойи Кавсар чорёр ўлса,  
Ҳама аҳли саодатларга ғилмон косадор ўлса,  
Шақоват аҳли ул дам ноумиду шармисор ўлса,  
Бу мискинга ўшал дам меҳрибону ғамгусор ўлса,  
На хуш Бу Бакри Сиддиқ аниси ғор деб келдим.

Қиёмат кун қурилса халқни аъмолига мезон,  
Очилса неklarға жаннату бадлар учун нийрон,  
Агар аъмолимиз халқ ичра сўрса ҳазрати Султон,  
Адолат ҳиммати бирла ҳимоят қилғали ул он,  
Умар манга раъуфу мунису ғамҳор деб келдим.

Тамоми умрими мулкига сочдим донаи исён,  
Бўлуб фармон бар нафсу ҳавову пайрави шайтон,  
Ҳамиша корим ўлди журму айбу фисқ ила нуқсон,  
Вале ишқингда кўксим бўлди қон, ё жомий ал-Қуръон,  
Этарға арзи ҳолим маҳрами асрор деб келдим.

Аё маснад нишини Аҳмаду домоди Пайғамбар,  
Аё шери Ҳудову қотили куффору ҳам сафдар,  
Мадори дини ислом, қуввати ҳукком ила лашкар,  
Губори мақдамингни бошим узра айлайн афсар,  
Ҳариқийға мадад қил Ҳайдари каррор деб келдим.

## МУҲАММАСИ ҲАРИҚИЙ

Кўнгилни булбули шавқинг-ла шайдо, ё Расулаллоҳ,  
Ҳамиша наъту авсофинга гўё, ё Расулаллоҳ,  
Фироқингдин дилимда ғусса пайдо, ё Расулаллоҳ,  
Ҳам ишқингдин бошида неча савдо, ё Расулаллоҳ,  
Висоли марқадинг айлаб таманно, ё Расулаллоҳ.

Ғубори равзаи покинг кўзимға тўтиё қилсам,  
Бу чашми безиёимни анинг бирла зиё қилсам,  
Бош урсам дарғаҳингға, назрға жоним видо қилсам,  
Таважжуҳ қабрингға айлаб шафоат деб дуо қилсам,  
Насиб ўлғойми манга равзаи маъво, ё Расулаллоҳ.

Борурға зод йўқтур ҳам турурға тоқату тобим,  
Тавофингни насиб этгаймуким султони Ваҳҳобим,  
Муяссар бўлса манга тушаи рихлатдин асбобим,  
Очилса орзу майдониға мақсуддин бобим,  
Эмас ғайр аз тавфинг мақсади аъло, ё Расулаллоҳ.

Шарори оташи ишқ-ла бўл жисмим кабоб ўлди,  
Фироқингдин етиб фурқат бугун ҳолим хароб ўлди,  
Давомат йиғлаб ишқингда сиришким ҳам хуноб ўлди,  
Дилимда дарду оҳу ҳасратим ҳам беҳисоб ўлди,  
Бу савдо бирла бошда неча ғавғо, ё Расулаллоҳ.

Бу осий умматингни равзаи покингға меҳмон эт,  
Ҳарамда шавқи васлинг-ла ҳазин кўнглимни шодон эт,  
Муҳаббат оташиға сийнаи бағримни бирён эт,  
Таважжуҳ вақтида қабрингға бул чашмимни гирён эт,  
Бу қалби мурдани боз айла эҳё, ё Расулаллоҳ.

Умид улким, жаҳонда восил этгай Ҳақ зиёратга,  
Вуқуфу Ясрибу Бадҳо тавофи-ла халоватга,  
Зунубим номасин маҳв этгали шояд таҳоратга,  
Ҳариқий илтижо айлар сани ушлаб ҳимоятга,  
Шафоат айлағайсан рўзи фардо, ё Расулаллоҳ.

## МУХАММАСИ ҲАРИҚИЙ

бар ғазали Фурбатий Туркистоний салламахуллоҳки ба  
наъти жаноби Саййиди коинот алайҳи афзал ус-саловот ба  
мақоми шаҳноз иншод кардаанд ба тахмиси нусхаи  
мутабаррикаи мазкур ба ин ҳақир фармоннома  
фурустодаанд бар вифқи фармоннома тартиби тахмиси  
густохонаи ҳақир ин аст\*

Қурбингга, эй тожидори сайфи Субҳон, офарин,  
Бўлди Субҳон аллазий исро<sup>32</sup> чу бурҳон, офарин,  
Хоки жавлонгоҳингга Рафраф чу майдон, офарин,  
Офарин, эй навбаҳори боғи ирфон, офарин,  
Ва-з-Зуҳо юзинг чироғи нури иймон, офарин.

Матлаи нури нубувват, ҳодийи аҳли нушур,  
Топдилар Ваш-Шамси ҳуснунг нуридин олам сурур,  
Наздингга чун соя ҳам эрмас ҳама анвоъи нур,  
Сунбули Вал-Лайли мўйингни саводидин зуҳур,  
Оразинг меҳриму ё моҳи тобон, офарин.

Неча таъризи муъжизлар башарға айладинг,  
Андин илзоми неча аҳли куфрға айладинг,  
Ибрату ихдони кўб аҳли басарға айладинг,  
Бир ишорат бирлаким, қўрси Қамарға айладинг,  
Хони иймона жаҳон аҳлини меҳмон, офарин.

Пардаи лавлоқдин қандоғ гумона келғуси,  
Ким бу мавжудотлардин бир нишона келғуси,  
Ҳам саодатгоҳ ўлон мундоғ замона келғуси,  
Ўлмаса файзи вужудинг ким жаҳона келғуси,  
Сандин ўлмуш коинота мунча эҳсон, офарин.

---

\* Ҳариқийнинг Фурбатий Туркистоний ғазалига мухаммасиким, Саййиди коинот (с.а.в.)ни наъти борасида ғазал иншо қилган эканлар, бу табаррук насхани мухаммас қилиш учун бу фақирга фармойиш билан юборган эканлар, бу фақир фармойишга мувофиқ густохлик билан мухаммас боғлаган эди, мана будир.

Хукм шаръан халқ аро то рўзи маҳшар топти расх,  
То низоми аввалин арз айлади бутлону фасх,  
Мотақаддам динлардин маҳв этиб ифсоду масх,  
Тутмайин ҳаргиз қаламни, лек чекдинг хатти насх,  
Носих ўлди жумлаи адёна Қуръон офарин.

Суннатингга кимки пайравдур раҳи минҳожда,  
Бўлдилар аҳли итоат ламъаи ваҳҳожда,  
Нақши наълинг Арш уза чун лаъл бўлмиш тожда,  
Анбиёларга имом ўлдинг шаби Меръожда,  
Ҳамбашар, жину малак мунқоди фармон офарин.

Эй шаҳий мулки рисолат ҳам шафиъу раҳнамун,  
Ким муъориз бўлди санга ҳар ду олам сарнигун,  
Арзи ислом айлаганлар сарфароз аз ҳад фузун,  
Уммати марҳума масх офотидин бўлди масун,  
Раҳматан лил-оламин, эй мавжи ғуфрон, офарин.

Уммато деб йиғладинг доим шафоат қилғали,  
Файрнинг таклифи ислома башорат қилғали,  
Азм қилдинг фавжи куффора сиёсат қилғали,  
Қилмадинг ҳаргиз дуойи бад ҳидоят қилғали,  
Гарчи синдурди ғазода дурри дандон, офарин.

Хайру шарънинг фак этарда ҳукми шаръинг чун маҳак,  
Авжи рубтангга эмас раҳёб райбу занну шак,  
Таҳсин айлар қурбингга инсу жинс, мулки малак,  
Фаршдин Арш узра чиқдинг айлабон сайри фалак,  
Хусну ҳулқингга малаклар деди чандон, офарин.

На чиқарга нардбону на тутарға шохни,  
На ўтарға даржаи афлоку на сурохни,  
Истамай ҳам тарк этиб бул даҳри пур авсохни,  
Сайр қилдинг ул замоне ким мусамман кохни,  
Хур ила филмон дедилар боз ризвон, офарин.

Гарчидур тавфиқ Ҳақдин сан иноят маъдани,  
Матлаи исёну уммат сан шафоат маъдани,  
Хизр дастгири синоат, сан ҳидоят маъдани,  
Юсуф ул-кони саёҳат сан малоҳат маъдани,  
Ҳар қачон кўрса демасму пири Канъон, офарин.

Бу жаҳони бевафодур чун қафас шаънинггаким,  
Айламоқ дийдор кўрмоқни ҳавас шаънинггаким,  
Ҳақ билан ҳамсуҳбат ўлмоқ бир нафас шаънинггаким,  
Ҳақ рўзи қилди ситойиш ушбу бас шаънинггаким,  
Етмагай ҳарчанд этса аҳли даврон, офарин.

Кошки бўлса Ҳариқийға муяссар сарвати,  
Азм қилса токи тобса ул ҳарамға қурбати,  
Тўтиё бўлса кўзимға анда хоки турбати,  
Тавфи кўйингга ду бора кошки етса Ғурбати(й),  
Дегай эрдим ҳам этиб жонимни қурбон, офарин.

## ТАЪРИХИ ВАФОТИ ҚОБИЛЖОН МАРҲУМ ИБН БОҚИЖОНБОЙ МАРҲУМ АЗ ТАБЪИ ҲАРИҚИЙ ИН АСТ

Шамси иқболам ниҳон дар маъраби офот шуд,  
К-он мадори куҳи омоли дилам заррот шуд.

Медавондам асп дар майдони шатранжи умид,  
Шоҳи дил аз фарзини тири қазоям мот шуд.

Чун наронам донаҳойи ашк бар рух оқибат,  
Бинки дар такбири айшам инчунин нукот шуд.

Онча фили, ки намонд зери чанголи қазо,  
К-ин чунин фарзин дар дасти ажал мо фот шуд.

Рух ба ҳайрат мункасир аз гашти изойи ғам аст,  
Жон ба ҳасрат, тан ба ҳирқат бу-л-ажаб ҳолот шуд.

Чунки аз фили фалак аз ҳар жиҳат омад ҳужум,  
Шоҳи дилро оқибат ин дафъа кӯшту мот шуд.

Яъни Қобилжон марҳум аз жаҳон рӯ тофта,  
Рафту меҳмони лиқои қозий ул-ҳожот шуд.

Соли фавташро зи пири ақл нурсидам бигӯфт,  
Бекавом ӯн-нос» Қобил вориси жаннот шуд.

1 5 9 8 - 2 5 9 = 1 3 3 9 ҳ. (1920 м.)

## ТАЪРИХИ ВАФОТИ БОҶИЖОНБОЙ АЗ ТАБЪИ НАЗМИ ҲАРИҶИЙ ИН АСТ

Суханро дар шикоят жаври гардун ибтидо омад,  
Забонро дар талоқат ин гараннум мубтадо омад.

Фалак мусталзами факкаст аз номаш ҳувайдо бин,  
Ки ломи лат миёни фак мисоли ин жудо омад.

Чу дунё ном шуд ин даҳр таъсираш тазаллул дон,  
Халифа буду одам дар жаҳон мисли гадо омад.

Чунин авлоди одам дар жаҳон ҳар чанд сарбар шуд,  
Ба чанголи қазо охир асиру жон фидо омад.

Қазо чун ҳокими мухтор бешак ҳукм фармоист,  
Ҳама халқи жаҳон бо ҳукми ӯ дар иқтидо омад.

Зи жумла Боқижонбой буд дар давлат фариди аср,  
Дар охир, бинки, дар гардун кафан ҳамчун ридо омад.

Зи фарзандон Қобил аввалаш мамнун шуда охир,  
Шуда маҳрум аз фарзанду давлат мо ёдо омад.

Давомат буд он марҳум чун Хотам сахо пеша,  
Ба эҳсону мурувват, балки ўро муқтадо омад.

Барои халқ шуд фикри салими ў тариқ ул-амн,  
Зи рўйи маслаҳат бо халқ чун пири ҳудо омад.

Жаҳон жому фалак соқий, ажал май гашта дар ҳаққаш,  
Ба мазмуни «фа-зуқув» бишнава аз жомаш садо омад.

Малоик дар фалак «инно илайҳи рожиъун» хонда,  
Ба ҳукми «иржиъи» бин бандагӣ аз вай адо омад.

Ҳариқий кардам истифсор аз ҳотиф зи таърихаш,  
Ба гӯшам баҳри таърихаш ҳамон дам ин нидо омад.

Аз ин дор ул-фано беруна рафта «жаннатӣ» донӣ,

4 6 3

«Ба жаннат жилва карда турфа меҳмони Худо омад».

1 8 0 8 - 4 6 3 = 1 3 4 5 ҳ. (1926 м.)

## АЙЗАН ТАЪРИХИ ВАФОТИ БОҶИЖОНБОЙ АЗ ТАБЪИ ҲАРИҚИЙ ИН АСТ

Эй фалак, лак дод зулмингдин сани, эй бад ниҳод,  
Даҳри манҳусингда бўлмиш лак уза фои фасод.<sup>33</sup>

Ким келур бу даҳр аро гар бўлса султони жаҳон,  
Оқибат ҳолида жаврингдин этар юз доду дод.

Иzzi дунё беҳалал бўлмас муяссар ҳеч кима,  
Рутбада гар Юсуфу давлатда бўлса Кайқубод.

Боқижонбой эрди бир мисдоқи улу-л-фазли дин,  
Хайру эҳсону иъонатдин табиий кўнгли шод.

Ходим эрди аҳли илму фазла ул олий ҳимам,  
Доимо меҳмон учун эрди дару хони кушод.



Ақлда фикри салими эрди андоғ софким,  
Раъйиға барча халойиқ айлар эрди инқиёд.

Аввалан фарзанду дунёдин эди мамнун, валек,  
Оқибат ҳолида бўлдилар алар ҳам пеши бод.

Ул анодин қайси ҳолат туғди кетти шул сифат,  
Туғди танҳо, кетти танҳо гўйиё модар назод.

Айласам пири хираддин соли таърихин савол,  
Бу нидо келди, Ҳариқий, айла бу оятни ёд.

Ояти «Сумма илайно туржаъун айни савоб»,<sup>34</sup>

1 5 9 0

Кимки дунёға келур албатта кетгай бе«мурод».

1 5 9 0 - 2 4 5 = 1 3 4 5 ҳ. (1926 м.)

## ТАЪРИХИ ВАФОТИ ЭШОНХОН ҲОЖИ МУЛАҚҚАБ БА ҲОЖИБЕМАЛОЛ АЗ ТАБЪИ ҲАРИҚИЙ

Аз асос афтод Илоҳий даври чархи бад хисол,  
Чун сиришким бод бунёдаш ба ҳасрат поймол

Жавржўйу зулмхўйу захрбўйу туршрўй,  
Макросузу узрбозу ҳамдамтозу ғам навол

Кас наёсуда ба зире чарх торам лаҳзаи,  
Комрони бегумон дар лавҳи ў маҳзи хаёл

Комёби хушдили дар саҳни ин муклик кӣ дид,  
Гар намуда ком дидӣ аз паяш бинӣ завол

Аз сари лак жо гирифта дар фалак фон фасод,  
Лак фасоду фитна мебинӣ халос аз вай маҳол

Ҳар кӣ омад дар жаҳон бо сад ғаму ғурбат бирафт,  
Чун эшонхон ҳожи марҳум шуд бояк мисол

Тоифу Байт ул-Ҳаром окифи равз ун-Набий,  
Гарди хоки ду ҳарам дар чашм карда иктиҳол

Ходими халқи жаҳону озими ажру савоб,  
Обиди лайли наҳор он дар ризои зи-л-Жалол

Торики дунёи дуну оиди уқбо мудом,  
Қоими лайлу наҳораш жомӣи фазлу камол

Ҳар чи бишниди зи қолу қил аз аҳли китоб,  
Аз самими қалб мекардӣ ба амраш имтисол

Рахт баст аз даҳр он ошуби Ҳақ суйи жинон,  
Бас дар ин олам кӣро бошад ба осудан мажол

Чун Ҳариқий ашки худ аз чашм чандон рихта,  
Кардам аз пири хирад аз баҳри таърихаш савол

Дар жавобам гӯфт он донойи асрори дақиқ,  
Лойиқи ҳур омада Ҳожи Эшонхон Бемалол  
1 1 4 0 - 1 0 1 = 1 3 3 9 ҳ. (1920 м.)

## ДАР ТАЪРИХИ МАСЖИДИ НАВБУНЁДИ КОИН ДАР МАҲАЛЛАИ СУМИНХӮЖА КӮЧА ТАБӢИ НАЗМИ БОСИТХОН ЗОӢИДИЙ ИН АСТ

Дило, хуш бош дар дастат чунин мақсудҳо омад,  
Ки дар саҳни вужуд ин хонақоҳи бебаҳо омад.

Агарчи пеши мо кам қудратию саддҳо ... ҳам,  
Нифоқи дохилийю манъи ҳоким ҳам чиҳо омад.

Ва лекин ғайратимо аз самими қалб ноший буд,  
Азон дар қалби халқи мо ҳақиқий иштаҳо омад.

Ба сарфи ҳиммати онҳо мадад аз ҳар кужо дидам,  
Баройи эҳтиёж аз ҳар кужояш ҳадяҳо омад.

Тамоми кори гил аз дасти Мирзо шуд ҳар анжомаш,  
Ҳам аз дасти Низомиддин кори чубҳо омад.

Биҳамдиллоҳ ба ҳар кайф омада анжом кори мо,  
Ба имдоди Худо таъмири ў дар имтиҳо омад.

Лиҳозо аз дили мо жумла торикий шуда зоил,  
Ба жойи тирагий ин шуълаи нуру баҳо омад.

Савол аз ҳотифи кардам зи ажри бонийу таърих,  
Ба гўшам дар жавоб аз ғайби «ғуфрон биҳо» омад.

Ҳариқий, мубталойи қайди ташвиши бино будӣ,  
Ба Босит авни Босит шукр к-аз қайдаш раҳо омад.

### ВА ЛАҲУ АЙЗАН

Зиҳи ин тарҳи масжиди аъло,  
Шуда нусха зи Масжиди Ақсо.

Қасри ў бин чу қасри хулди барин,  
Рифъати сақфи ў фалакосо.

Тоқҳояш чу тоқи нуҳ афлок,  
Бинки меҳроби ўст қиблано.

Ҳавзи ў як асар зи Кавсар дон,  
Саҳни ў аз Ҳарам намуна ба мо.

Коффат ул қавм карда сарфи ҳиман,  
Бино холисан ли-важҳиллоҳ.

Кори чўб аз йади Низомиддин,  
Кори гил омад аз йади Мирзо.

Шукр лиллоҳ баҳар тариқаики шуд,  
Гашт бунёди ин ба лутфи Худо.

Кардам аз ҳотиф ин истифсор,  
Ки чи таърихи соли ин абно.

Бишнидам нидо ки ба Илоҳи ва ҳува,  
Фазкуруллоҳа қоиман фиҳо.

Босити Зоҳидий Ҳариқий дон,  
Кард иншод назму зад имло.

**ТАЪРИҲИ ВАФОТИ МУЛЛА АҲМАДЖОНИ МАРҲУМ  
ИБН МУЛЛА МУҲАММАДЖОН ҚОРИИ ШОШИЙ АЗ  
ТАЪБИ БОСИТХОН ЗОҲИДИЙ ИН АСТ**

Илоҳо, эй фалак, бод афруғ дидаат бенур,  
Ҳам аз анвоъи зебу зийнату ороят афғи дур.

Мисоли мо аз он меҳру маҳат чандон жудо афғи,  
Ки кардӣ додарӣ жони маро дар хоки нам мастур.

Мубаддал кардаи торики фурқатро ба он нурам,  
Ҳамиша бад ҳолат аз фироқи нури худ ранжур.

Тамоми арсеот бодо куним майдони ҳирсу хӯ,  
Ки бошад Мулла Аҳмадҷон маҳбус андаруни гӯр.

Ба ҳилму ақлу ахлоқи жамилу ҳусни одобаш,  
Ба назди омм буд он дилрабо мақбулу ҳам манзур.

Ниҳоли қоматаш наврастаи боқи жаҳон будӣ,  
Ҳануз нашгӯфта гашт аз беҳ он мақтуъ шуд мақшур.

Ба шавқи васли Ҳақ бар рафт суйи охират биштофт,  
Чу гашта зи аҳли ихвону падар фарзандҳо маҳжур.

Ато фозад Худо сабран жамила бо дили моро,  
Вале беон кйро ёбӣ, ки бошад дар жаҳон масрур.

Бадида роҳати дунё чу баст он тушаи рихлат,  
Ба васлат бод дар уқбо Илоҳий маст ҳам мағфур.

Муайян соз дар жаннат барояш қасри олийро,  
Дар онжо кун зи лутфат маснади он сандали кофур.

Давомат дарди мо дар ҳаққи ў ғуфрони Ғаффор аст,  
Худо меҳмон кунад бо васли дийдору жинону ҳур.

Шудам дар фикри таърихаш ба хобам гўфт ғилмонҳо,  
Баон дилдори мо бейаъс «биё эй бандаи мағфур».

1 3 4 0 ҳ. (1921 м.)

Ҳариқий дон вафоташ аз ҳаёташ сад ҳазорон беҳ,  
Ки бошад дар сафи аброр он мағфур ҳам мабрур.

### ВА ЛАҲУ АЙЗАН\*

Дариғоким, масаррат ғам кўруб ғам шодмон ўлди,  
Ки кўнгил мулкиға андуҳ шоҳи ҳукмрон ўлди.

Сурурим оламинин шамси мақсудим ғуруб айлаб,  
Шаби фурқатда иқболиминни дари бенишон ўлди.

Кечиб дунёи фонийдин тутуб уқбо йўлин яъни,  
Азизим мулла Аҳмаджон хок ичра ниҳон ўлди.

Ажаб одобу ахлоқи макоримда эди нодир,  
Этиб нодир ўзини даҳри фонийдин равон ўлди.

Юмуб кўз бу жаҳонни жумлаи нашъу намосидин,  
Бориб лутфи Ҳақ ила сокини дор ул-жинон ўлди.

Келиб бўстони оламға зиҳи бир ғунчаи хандон,  
Ҳазор афсус очилмай ғунча ҳолида хазон ўлди.

---

\* Яна ундан.

Ухувват гулшанини андалиби доғи фурқатда,  
Фигон айлаб саҳар-ла ҳажр ўтида бағри қон ўлди.

Ягима нур чашми бирла ул маҳбубаси алҳақ,  
Атосини хусусан ғам била қадди камон ўлди.

Нигори симпайкар ҳажри бирлан тоқ ўлуб тоқат,  
Ҳариқийни давомат варзиши оҳу фиғон ўлди.

Сўраб соли вафотин ҳотифи ғайби самовийдин,  
Дедим бу додарим ҳоли нечук азми қаён ўлди.

Деди ҳотиф, аё соилки, билғил бегумон беноз,  
«Аруси ҳур меҳмони биҳишти жовидон ўлди».  
13 4 0 ҳ. (1921 м.)

Марҳумнинг вафоти 1921 мелодийда 16-чиға тобиъ 15  
ноябр кечасиға мувофиқ 1340 ҳижрийда рабиъ ул-аввалнинг  
15-куни сешанба кун кечаси вафот, 16-куни рўзи чоршанба  
чоштрўзда мадфун ўлди. Илоҳо, Аллоҳ таъоло ғариқи раҳ-  
мат қилсун. Омин.

## ИЗОҲЛАР

1. Адам (йўқлик) сўзи “айн” билан ёзилади, йўқликка дам урган эдинг, борлиқ пайдо бўлди, демоқчи.
2. Бу ерда “к” ва “н” бирга қўшилса “кун” (бўл) сўзи чиқади.
3. “Қ” ва “л” қўшилса “қул” (айт) сўзи пайдо бўлади.
4. Эй Парвардигоримиз, мағфират қил гуноҳларимизни ва маҳв қил ёмонликларимизни. Қуръон, 3/193\*.
5. Иноят сўзи “айн” билан бошланишига ишора.
6. 2 – изоҳга қаранг.
7. Араб тилидаги “сод” (Х) ҳарфи кўзга ўхшаганига ишора.
8. Эй Парвардигоримиз, бизларнинг гуноҳларимизни ва ишларимиздаги ҳаддан ошишларимизни мағфират қил ва урушда қадамларимизни собит қил ва ғолиб қил бизларни кофирларга. Қуръон, 3/147.
9. Вақтики Иброҳим деди: “Эй Парвардигор, ўликларни қандай тиргизишингни менга кўрсат”. Қуръон, 2/260.
10. Қуръондаги 41- сурага ишора.
11. Албатта, Биз яратдик инсонни яхши бир суратда (хушбичим қилиб). Қуръон, 95/4.
12. “Кун” сўздан еру осмонни яратганига ишора.
13. Лавлока – Сен бўлмасанг, оламини яратмас эдим, сўзига ишора.
14. Покдир ул Зотки, олиб кетди (Ўз) бандаси (Муҳаммад)ни кечқурун Ҳурматли Масжиддан Масжиди Ақсога қадар. Қуръон, 17/1.
15. Қасамдур кечасига, вақтики ул ёпур ва кундузга, вақтики ул равшан бўлур. Қуръон, 92/1.
16. Ортиқ қилдик баъзи пайғамбарларни баъзиларига. Қуръон, 17/55.
17. Биз иззат бердик одам авлодларига. Қуръон, 17/70.
18. Қад ғафарту – батаҳқиқ мағфират қилдим.
19. “Ф”, “Л” ва “К” қўшилса “фалак” сўзи чиқади.
20. Ул Худоки, пайдо қилди ўлимни ва тирикликни сизларни синаш учун. Қуръон, 67/2
21. Раҳматан ли-л-оламин –оламлар учун раҳмат.

---

\* Биринчи рақам сурани, иккинчи рақам оятни билдиради.

22. Ар-Раҳмон таълим берди Қуръонни. Қуръон, 55/1-2
23. Йўҳибб ул-жамол – гўзалликни яхши кўради.
24. Оё, улар Парвардигорингизнинг раҳматини тақсим қилмоқчиларми? Қуръон, 43/32.
25. Ул иккилари дедилар: “Эй бизнинг Раббимиз, ўз жонимизга зулм қилдик”. Қуръон, 7/23.
26. Аҳсан ул-ҳусна – ҳусннинг чиройлироғи.
27. Албатта, Биз инсонни аралашган бир маний қатрасидан яратдикки, уни синармиз. Қуръон, 26/2.
28. Улар дерлар: “Ҳа”. Қуръон, 34/46.
29. Деди: “Оё, Ман сизларнинг Раббиларингиз эмасманми?” Дедилар: “Орий, Раббимиздурсан, бизлар шоҳид бўлдик”. Қуръон, 7/172.
30. Биз Сенгагина ибодат қилурмиз. Қуръон, 1/4
31. Ё Саййидо, удухул ҳааҳуно масвок – эй хоҷам, киргил, жойинг бу ердадир.
32. Субҳоналлазий исро 14- изоҳга қаранг.
33. Лак уза фон фасод – яъни “лак” сўзи устига “ф” ҳарфи қўйилса “фалак” сўзи ҳосил бўлишига ишора.
34. Кейин биз томонга қайтарилурсизлар. Қуръон, 29/57.



## ЛУФАТ

### А

Абб - ота  
Абвоб - эшиклар  
Авн – ёрдам  
Авроқ – варақлар  
Авсоҳ - чиркинликлар  
Авсоф – васфлар, мақтовлар  
Адн – жаннат номи  
Ажз - ожизлик  
Азимат – йўлга отланиш  
Азмон- замонлар  
Азм – бир ишга киришиш  
Альон - ҳозир  
Алқоб - лақаблар  
Алҳон – оҳанглар  
Амвож - мавжлар  
Амну амон – эмин-омонлик  
Амри наҳй – нойўриқ ишдан қайтариш  
Анвар – нури  
Ангиз - қўзғотувчи  
Андалиб - бубул  
Андиз – ўсимлик номи  
Ансаби арқом – рақамларнинг муносиби роғи  
Арзу само – ер ва осмон  
Арши ъуло - улуг Арш  
Арса- майдон  
Асрор - сир  
Асҳоб- дўстлар  
Атвор – тарз, урф-одат  
Атрок - турклар  
Атшон - ташналик  
Афвож – тўдлар  
Афгон – фиғон, фарёд  
Афгор – эзилган, чарчаган, хафа  
Афкор - фикрлар  
Афлок - фалаклар  
Афрод - одамлар  
Афсар – тож  
Афшон - сочилган

Афьол - феъллар  
Афгон - нола, фарёд  
Ахбор – хабар  
Ашк – кўз ёши  
Аъроб – саҳройи араблар  
Ақдом – қадамлар, оёқлар  
Ақиқи Яман – Яман ақиқи  
Ақли кулл-  
Ақойид – илм номи  
Ақрабo - яқинлар  
Ақрон- тенгдошлар  
Ақсо – узоқ, энг чег  
Аҳком - ҳукмлар  
Аҳсан ул-ҳусно – гўзалликнинг яхши роғи  
Аҳсоб – дўстлар  
Аҳқоб – арқон, белбоғ

### Б

Бад - ёмон  
Бад ниҳод – асли бузуқ  
Бадхўй – ёқимсиз феълли  
Байзо – оқ  
Байнас само – осмон ўртасида  
Байъу шаро – олди - сотди  
Баройи - учун  
Басе - кўп  
Батн - қорин  
Батни садаф – садаф қорни  
Баъд - кейин  
Бағо – зўрлик, душманлик  
Бевуқуф - тўхташсиз  
Берун - ташқари  
Бесар – бошсиз  
Бешумор - саноқсиз  
Бечун - ўхшашсиз  
Беҳ - ёмон  
Беҳамто- тенгсиз  
Бийно – кўрувчи  
Бирён - қовурилган  
Бод - шамол  
Бодаи саҳбо – тоза май

Боданўш – май ичиш  
Боз - яна  
Бок - кўрқув  
Борон - ёмғир  
Ботилот – ботилликлар, бузуқ-  
ликлар  
Б-смиҳи – (Аллоҳ) исми билан  
Буко - йиғи  
Буроқ- от номи  
Бурҳон - далил  
Бурҳони қотиғ - қатғий далиллар  
Бутлон - бузилиш  
Бухл -бахиллик  
Буқъа – жой, мамлакат  
Бўғз - адоват

### В

Вабол - гуноҳ  
Ва-з-Зуҳо – Қуръондаги сура номи  
Варди аҳмар-қизил гул  
Варзиш-машқ  
Ваҳҳож –нур сочувчи  
Вирд - вазифа  
Во бўлмоқ -очилмоқ

### Г

Ганж - хазина  
Гардун - фалак  
Гардуни кажрў – эгри фалак  
Гирён - йиғловчи  
Гунбози хузро -кўк осмон  
Гўш – қулоқ

### Д

Дабири абжад – абжад ҳарфла-  
рини ёзувчи  
Даллок - уқаловчи  
Дандон - тиш  
Дар-эшик  
Дариф - ҳайф  
Дастор –салла  
Даҳон - оғиз  
Даҳр -замон  
Даҳри фоний – ўткинчи дунё  
Дилжў – кўнгилни олувчи

Доман - этак  
Домод - куёв  
Доро – эга бўлиш; пошо номи  
Доҳил- кирувчи  
Ду гесу- икки кокил  
Дуд - тутун  
Дун – паст, пасткаш  
Дурарсо -

### Ж

Жаввора – жавр қилувчи  
Жовидон - боқий, абадий  
Жоҳ - улуғлик  
Жуз- қисм  
Жунун - жиннилик, телбалик  
Журм -гуноҳ  
Журъа - қултум  
Жуҳҳол –нодонлар  
Жўй -ариқ

### З

Зако – заковат, закийлик  
Залолат - адашиш  
Заноғуш – хотиннинг бағридан  
чиқмайдиган киши  
За-ш-шафий ва-л-мурсо – шафо-  
ат ва қўллаш соҳиби  
Заҳри ҳалоҳдал – ўткир заҳар  
Зер - ости  
Зерин - пастки  
Зери по - оёқ ости  
Зижож - шиша  
Зиҳи – қандай соз, қандай яхши  
Зону - тизза  
Зул-ато – ҳадялар эгаси  
Зулфи муанбар - анбар исли ко-  
кил  
Зуҳд - зоҳидлик  
Зуҳо - тонг  
Зуҳҳод - зоҳидлар

### И

Иблож –нур; шод; тиниқ  
Иёдат - касал кўриш  
Ижтиноб - қочиш

**Иззи ʒуло** – улуг иззат  
**Изо** - азият  
**Изуу жоҳ** – иззат ва обрў  
**Ийсор** - бериш  
**Иктифо** - кифоя бўлиш  
**Имсок** - ушлаш, тутиш  
**Имтизож** - қўшилиш  
**Инизиво** - четда бўлиш  
**Интибоҳ** - огоҳлантириш  
**Инқиёд** - бўйсуниш  
**Ирсол** - жўнатиш  
**Иртижо** – умид қилиш  
**Иртикоб** - миниш  
**Исм** - гуноҳ  
**Исмат** – поклик  
**Истийсол** - йўқотиш  
**Истиз** – баҳс, жанжал тортишув  
**Истиғло** – кўтарилиш  
**Истиғлож** – даво талаб қилиш  
**Ихрож** – чиқариш  
**Ихтилол** – нуқсон топиш  
**Ихтилот** - арлашиш  
**Ихтилоф** – қарама-қаршилиқ  
**Ификок** – ечилиш, бузилиш  
**Ифсод** - бузиш  
**Иштибоҳ** – шубҳа  
**Иъонат** - ёрдам  
**Иқоб** - азоб  
**Иҳдо** - ҳадялар  
**Иҳд** - тирилтириш  
**Иҳонат** - хорлаш  
**Иҳроқ** - куйдириш  
**К**  
**Кавокиб** – юлдузлар  
**Кавнайн** – икки олам  
**Кавсар** - жанатдаги ҳовуз  
**Каррор** – чарчамай ҳужум қилувчи  
**Кашфи ҳижоб** - парданинг очилиши  
**Каъс** - коса  
**Кизб** - ёлғон

**Кишвар** - мамлакат  
**Кор** - иш  
**Кориз** – ер ости сув йўли  
**Коффатан лин-нос** - барчага етувчи  
**Коҳ** - сомон  
**Кнун** - ҳозирги  
**Кулл** - барча  
**Кулли шай** – ҳар бир нарса  
**Кулоҳ** – бош кийими  
**Кутоҳ** - қисқа  
**Кушод** - очик

## Л

**Лавҳи акбар** - улуг Лавҳ  
**Лайла ул –Меърож** - Меърож кечаси  
**Лажлож**  
**Лак** – юз минг  
**Ламаъот** - шуълалар  
**Ламъа** - шуъла  
**Ламъан ваҳдож** – олов, нур шуъласи  
**Лаъбу лаҳв** - беҳуда ўйин-кулги  
**Ливо** - байроқ  
**Лижом** - юган  
**Лисони хийрағў** - беҳуда сўзловчи тил  
**Лисон** - тил  
**Лиқо** - юз  
**Ложарам** – иложсиз  
**Ломий** – шуъла урувчи  
**Лошак** - шаксиз  
**Лоғар** - озғин  
**Лоҳиқ** – етувчи  
**Лоязол** – йўқ бўлмайдиган  
**Лужжа** – тубсиз жой  
**М**  
**Мабдаъ** - бошланиш жойи  
**Маввож** – мавж урувчи  
**Мавъиз** - ваъзлар  
**Мадорис** – мадрасалар  
**Мазаллат** - хорлик

Мазаррат - зарарли  
Мазҳар – зоҳир бўладиган жой  
Мазҳари жуд – саховат жойи  
Макнун – яширилган  
Максуф - тутилган (мас.Ой)  
Малжозь – яширинадиган жой  
Малоз – паноҳгоҳ  
Маллоҳ - кема ходимлари  
Малолат - малоллик  
Мамзуж - ўзаро қўшилган  
Мамот - ўлим  
Манкус - гўнтарилган  
Манҳус – наҳс бўлган  
Маркаб - улов  
Масаррат - шодлик  
Масвок(а) – сенинг жойинг  
Масдар – манба, чиқиш жойи  
Масойил - масалалар  
Маснун - одат бўлган  
Масрур – шод  
Марг - ўлим  
Маркаб - улов  
Марғзор - ўтлоқ  
Масоҳат – майдоң саҳн  
Масх – бошқа шаклга кириш  
Матлаб – қидирилган нарса  
Матлаъ - чиқувчи жой  
Матьун – таъна қилинган  
Маҳзан - хазина  
Мафхар – фахрланадиган нарса  
Машйат – эрк, ихтиёр  
Маъво - жой, макон  
Мақосид - мақсадлар  
Мақнотис – магнит тоши  
Мақрун - яқин  
Маъбад - ибодат жойи  
Маъзун - изн берилган  
Маъоз – паноҳ жойи  
Маҳак – олтинни текширувчи тош  
Маҳмудийят - яхшилик  
Маҳв – йўқ бўлиш

Меҳтар – улур  
Мизоб - сув ўтадиган қувур  
Мийногун - кўкиш, кўк рангли  
Мийсоқ – шартнома, аҳд  
Мийқот - тайинланган вақт ва жой  
Мижгон - киприк  
Миръот - ойна  
Мисвок – тиш тозалагич  
Мисдоқ – маъно; ...бўйича  
Мо - биз  
Мо - суз  
Модар назод - онаси туғмаган  
Моид(а) - дастурхон  
Молик ул-амлок - мулкларнинг эгаси  
Молиш – силаш, ишқаш  
Мор - илон  
Мосиво – ташқари, бошқа  
Мотақаддам - олдин ўтганлар  
Моян кубро – улурлик мояси  
Моҳ - ой  
Моҳрўй - ой юзли  
Мубарро – озод, шубҳадан холий  
Мубоҳ – руҳсат этилган нарса  
Мувашшаҳ – киши исми ҳарфларга яширилган шеър  
Мувжиб - сабабчи  
Мувсил ул-мақсуд - мақсадга етказувчи  
Мувфиқ - мувофиқ  
Мудданий - даъвогар  
Мужаррад – ёлғиз, тоза  
Мужтабо - танланган  
Музайян - зийнатланган  
Музтар - изтиробга тушувчи  
Муктасаб - касб этилган  
Мулоъаба – ўзаро ўйнашиш  
Мумтаниъ - манъ қилинган  
Мунир – нур сочувчи  
Мунтаҳо - охири

**Муншо** – манба, келиб чиқиш жойи  
**Мунқод** - бўйсунган  
**Муъжиз** - ожизликлар  
**Мур** - чумоли  
**Муравиж** - ривожлантирувчи  
**Мури ланг** – чўлоқ чумоли  
**Муруж** - ривожлантирувчи  
**Мурғи дил** - дил қуши  
**Муссаххар**- эгалланган  
**Муслиҳ** – тузатувчи, созловчи  
**Мустамий** - эшитувчи  
**Мутаввал** – чўзилган  
**Мутгако** - суянчиқ  
**Мустаъон** – кўмак берувчи  
**Мухталит** - аралашган  
**Муфхир** - фахрланувчи  
**Муъарро** - яланғочланган  
**Муъин** - кўмакчи  
**Муъориз** – қршилик кўрсатувчи  
**Муқарраб** - яқин  
**Муҳаққақ** – аниқ ҳолда, ҳқиқатан  
**Муҳтожун илайҳ** – унга муҳтож бўлиш  
**Мўй** – соч-соқол  
**Мўътод** - одат қилиган

## Н

**Навмид** - умидсиз  
**Навозиш** - эркалаш  
**Навҳа** – йиғи  
**Нажас** – ифлос  
**Нақдат** – ёқимли ҳид  
**Нанг** - ор-номус  
**Нахл** - дарахт  
**Наът** - пайғамбар мадҳи  
**Наҳй** - қайтариш  
**Наҳусат** - наҳслик  
**Нидд** - тенгсиз  
**Ниъмат** - неъматлар  
**Нозил** - тушувчи  
**Нойи қалам** - қамишқалам

**Нолон** - нола чеккан ҳолда  
**Нор** - олов  
**Нору ахгар** - олов ва чўғ  
**Носих** - йўқ қилиш, бекор қилиш  
**Нәсих ул-адён** – динларни бекор қилувчи  
**Ношинос** - нотаниш  
**Нофай тар** – ҳўл мушк  
**Нузҳат** – лаззатланиш, кўнгил очиш  
**Нукот** - сермаъно сўзлар  
**Нур ул-ҳудо** - ҳидоят нури  
**Нуқуш** - нақшлар

## О

**Об** - сув  
**Ож** – фил суяги  
**Омм** - умум  
**Омол** - умид, орзу  
**Оном** - одамлар  
**Оранж** - билак  
**Офоқ** - уфқлар

## П

**Пажмурда** – эзилган  
**Пайкари мавзун** – келишган қомат  
**Пайовиз** – из қувувчи  
**Партав** - нур  
**Пеш** - олди  
**Побус** – оёғини ўпиш  
**Пуроб** - серсув

## Р

**Равза** - боғ  
**Равзаи жаннат** – жаннат боғи  
**Ражо** - умид  
**Расх** – мустаҳкам, қаттиқ бўлиш  
**Рафраф** - кушнинг кўниш учун қано қоқиши; Исрофил (а.с.)нинг мақоми  
**Рафрафосо** – Рафрафга ўхшаган  
**Рафтор** - юриш  
**Рафъ** - кўтариллиш  
**Рашшок** - рашкли

Рашш - сепиш, суғориш  
Раҳматан лил-олабийн – олам-  
ларнинг раҳмат бўлувчи  
Раҳо - бўшатиш  
Риёҳ - ел  
Риёз - боғлар  
Ризвон - розилик ; фаригта  
Рийҳ - ел  
Рифқ - мулойимлик  
Рифъат - кўтарилиш  
Ришвахор - дораҳўр  
Ришта - ип  
Росух – тўғри, мустаҳкам  
Роҳ – йўл  
Роҳбон - раҳбар  
Рутба – мартаба  
Рўзи абад – абадий кун  
Рўзи жазо - қиёмат куни  
Рўзи фардо - эртанги кун  
Рўзу шаб - кеча ва кундуз  
Рўсиёҳ – юзи қора, бадбахт

С

Сабот – чидам  
Сабъа само - етти осмон  
Сад – юз  
Садд – тўсиқ, девор  
Садрнишин – юқорида ўтирувчи  
Сайф – қилич  
Самак - балиқ  
Самок - юлдуз номи (Арктур)  
Сангдил - тошюрак  
Санг - тош  
Сарват - бойлик  
Сард - совуқ  
Сарнигун - қулаш  
Саршор - қирғоғига тўлиш  
Сарфароз – хурсанд  
Сатгор - айбларни ёпувчи  
Сафдар – ботир, кўрқмас  
Саяид ахтар - бахтли юлдуз эга-  
си  
Сим – кумуш

Сипар - қалқон  
Сипеҳр – осмон  
Сирож – чироқ  
Сиришк – ички олам  
Собит - мустаҳкам  
Соил - сўровчи  
Соли таърих – бирор нарсанинг  
йили  
Сониъ ул-олам - оламни яратув-  
чи  
Сужуд - саждалар  
Суйи само - осмон томон  
Сулуқ - йўл  
Суроҳ - тешиқ  
Суфра - дастурхон  
Сўзон - куйдирувчи

Т

Табоҳ – бузилиш  
Табъ - табиат, хоҳиш  
Таважжуҳ – диққат қилиш  
Тавозуъ - камтарлик  
Тавр - тарз  
Тавф - тавоф қилиш  
Тавқ – ҳалқа, бўйинбоғ  
Тазъиф - заифлантириш  
Такаллум – сузлаш  
Такзиб - ёлгонга чиқариш  
Талх – аччиқ  
Тамаддун - маданият  
Тамаллуқ – илтижо  
Тамарруд – буйсунмаслик, қай-  
сарлик  
Тамиз - фарқлаш  
Тамма б-смиҳ – (Аллоҳ) исми  
билан тугади  
Танвир - ёритиш  
Танвиж – ривож бериш, тарқатиш  
Татҳир - тозалаш  
Ташриҳ – шарҳлаш  
Таъзир - таъзирини бериш  
Таъриз – кенгайтириш, қаршилиқ  
қилиш

**Таҳриф** - бузиш, ўзгартириш  
**Тахт** - ост  
**Тийн** - лой, кесак  
**Тирборон** - ўққа тутиш  
**Тобон** - нур сочувчи  
**Толиби ғуфрон** - кечирилишни қидирувчи  
**Турбат** - қабр  
**Туғро** - байроқ  
У  
**Уйуб** - айблар  
**Узмо** – улуғлик  
**Улв** - олийлик  
**Улу-л-фазл** – фазилат эгалари  
**Улум** - илмлар  
**Умда** - асосий  
**Умм** - она  
**Урён** - яланғоч  
**Уруж** – чиқиш, кўтарилиш  
**Уқбо** – охират  
**Ухувват** - биродарлик  
Ф  
**Фавж** – тўп, гуруҳ  
**Фавонд** - фойдалар  
**Фавқ** – уст, юқорит  
**Фажр** - тонг  
**Фазоил** - ортиқчалик  
**Фано** - йўқлик  
**Фард** – якка, ёлғиз  
**Фараҳ** - шодлик  
**Фасх** – бекор қилиш  
**Фатонат** – донолик  
**Фатҳ** - очиш, эгаллаш  
**Фақиҳ** – ҳуқуқшунос олим  
**Фийҳо** - унда  
**Фирор** - қочиш  
**Фирош** - ўрин, жой  
**Фирқа** - партия  
**Фобил** – амалга оширувчи  
**Фуужор** – бузуқ одамлар  
**Фунун** – фанлар  
**Фуруғ** – фориғ бўлиш

**Фусул** - фасллар  
**Фурқат** - айрилиқ  
**Футуҳ** - очилиш

## Х

**Хавосс** - улуғлар  
**Хайрот** - яхшиликлар  
**Хайр ул-умам** – умматларнинг яхшиси  
**Хайр ун-носирин** – ёрдамчиларнинг яхшироғи  
**Хамр** – ичкилик  
**Харротин** - чувалчанг  
**Хатти насх** - насх хати  
**Хафий** - махфий  
**Хеш** - ўз  
**Хижл** - хижолатлик  
**Хисол** - хислатлар  
**Хишт** - ғишт  
**Ховар** - шарқ  
**Хок** - тупроқ  
**Хома** - қалам  
**Хотим-тугатувчи**  
**Хубон** – гўзаллар  
**Хузоб** - бўёқ  
**Хунбор** - қонли  
**Хунолуд** – қонга бўялган  
**Хун** – қассос, ўч  
**Хур** - қуёш  
**Хурож** – яра номи  
**Хурок** - емиш  
**Хуруж** - чиқиш  
**Хуршиди анвар** - нурли қуёш  
**Хуруш** – ҳаяжон  
**Хусрон** - зиён  
**Хушлафз** – ширин сўз  
**Хўб** – яхши, соз, чиройли  
Ч  
**Чашм** - кўз  
**Чолок** - чаққон  
**Чор ёр** – тўртта дўст: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али  
Ш

Шаб – тун  
Шамма - озгина, бироз  
Шамс - қуёш  
Шаръ – шариат  
Шатм - сўкиш  
Шафий - шафоат қилувчи  
Шақоват - бадбахтлик  
Шаққ ул –қамар – ойнинг иккига  
бўлиниши

Шорниъ - шариатчи

Шувоз- олов

Шуъо - шуъла

Э

Эҳдос – пайдо қилиш

Эҳтисоб - ҳисоб-китоб қилиш

Эъжоз - мўъжиза

Эъто – ато қилиш

Ю

Юҳибб ул-жамол – гўзалликни  
севади

Я

Ялдо – тим қора

Ясрибу Батхо - Макка ва Мадина

Ятима – етим қиз ёки аёл

Қ

Қабз – ушлаш, тутиш

Қавий - кучли

Қавл - сўз

Қазф – ҳақорат, тухмат

Қамар - ой

Қатъ - кесиш

Қоба қавсайн - эгик

Қодир ул-ашё – ашёларга қодир

Қойил - сўзловчи

Қойим - турувчи

Қуво - кучлар

Қурбат - яқинлик

Қуртос - қоғоз

Ғ

Ғаддор - хиёнатчи

Ғадр - хиёнат

Ғамнок - ғамли

Ғарқоб - чўкувчи

Ғилмон – ёш хизматкор бола-  
лар

Ғофир - кечирувчи

Ғумом - ғамли

Ғуруб - ботиш

Ғуфрон - кечириш

Ҳ

Ҳадд ал-имкон – имкони бо-  
рича

Ҳажр – ҳижрон, айрилиқ

Ҳазор - минг

Ҳарим – номахрамлар киомай-  
диган жой

Ҳафт - етти

Ҳашр - тирлтириш

Ҳақжўй – ҳақни қидирувчи

Ҳилм - юмшоқлик

Ҳилол - янги чиққан ой

Ҳимам - ҳиммат

Ҳисор – қалъа, қўрғон

Ҳодий – йўлга солувчи

Ҳоил - тўсувчи

Ҳомидийят - мақтовга лойиқ-  
лик

Ҳомил - ташувчи

Ҳубоб – пуфак

Ҳубб - севги

Ҳужжож – ҳожилар

Ҳукком - ҳақимлар

Ҳулул – ўтиш, ҳозир бўлиш

Ҳумро - қизил

Ҳуруф –ҳарфлар



## МУНДАРИЖА

УЛУҒ МЕРОСНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА .....	3
БОСТИХОН ИБН ЗОҲИДХОННИНГ АДАБИЙ ФАОЛИЯТИ .....	6
ҒАЗАЛЛАР .....	10
ПАЙДО .....	10
Ё РАББ .....	11
НАЪТИ РАСУЛ (С.А.В.) .....	13
ИШҚИНГНИ АҲБОБИ .....	14
МАҲ ЮЗИНГ .....	15
ФИҒОН ҚИЛДИ .....	17
ЖОНОНИМ .....	17
НОЛОН УКАМ .....	18
ТОБОН ЭТ .....	19
ХАБАР БЕРДИ .....	20
МАҲ ЮЗИНГ .....	21
ХИТОБ .....	22
КЎРГАЛИ .....	24
АЙЛАДИНГ .....	25
РАЪНО МИСОЛ .....	26
ХОВАР .....	27
ҲАМДИ ҲАЗРАТИ ИЛОҲИЙ .....	28
НАЪТИ РАСУЛ (С.А.В.) .....	29
АЙЛАНСУН .....	31
МУНАВВАР ГУЛРУХИНГ .....	32
ЎРГУЛСУН АКАНГ .....	36
БЎЛСА .....	36
МУРАББАЪОТИ ҲАРИҚИЙ .....	38
ПОДШОҲИ КИШВАР .....	39
ҲИЖОБ .....	40
ИЗҲОР ЭТАЙ .....	41
ҚУРБОН ЭТАЙ .....	42
ДАР МАЗАММАТИ ДУНЁИ БЕВАФО* .....	43
АЙЗАН ФИЙ ЗАММИ ФАЛАК УЛ-ҒАДДОР* .....	44
АЙЗАН ФИЙ ЗАММИ ФАЛАК УЛ-ЖАВВОР* .....	46
ҚОШИНГ МЕҲРОБ .....	48
ОҲУ ЗОРИМДИН .....	49
ИКТИСОБ .....	50
ЎРГУЛСУН ҚУЛУНГ .....	51
НАЪТИ ҲАРИҚИЙ БА ТАҚОЗОЙИ ТАВОФИ РАВЗАИ ПОК .....	52

АШЎОРИ МИЛЛИЙИ ҲАРИҚИЙ БА ФАСОДИ АҲВОЛИ ОЛАМ ВА ОДАМ*	53
АЗАЛ УНВОН	69
МОҲИ ТОБОНИ	71
ШАРМ ИЛА ҲАЁ	72
САҲНИ ЖАҲОН	73
ТАБЪИ МУСАММАНИ ҲАРИҚИЙ БАРОЙИ ТАРҒИБИ ТАЛОМИЗ БА ТАҲСИЛИ МАКОТИБ ИН АСТ*	74
ТАРЖИЪБАНДИ МУСАММАНИ ҲАРИҚИЙ БАРОЙИ ФУРБАТИ МИЛЛАТ ВА НИЗ АЗ АҲВОЛИ ЗАМОН ВА ҒАФЛАТИ АҲЛИ ТУРКИСТОН ИНАСТ*	77
АФСУСНОМАИ ТУРКИСТОН ВА ТОБИЪОТИНИНГ АҲВОЛИ ТАНАЗЗУЛАСИ ВА АҲОЛИСИНИНГ АТВОРИ ТАДАННИЙСИ*	79
НАТИЖАИ ИТТИФОҚИЙ ВА КАСРИ ИХТИЛОФИЙ*	80
РУХСОРИ РАЪНОДИН	83
ФАЛАК УЗА МОҲ	84
ШАҲДИ ЗАҲРОМИЗ	86
МАНГА РЎЗИ АЗАЛДА	86
МУНАВВАР ҚИЛДИ	88
НИШИ ХОЛИНГДИН	89
МУҲАММАСИ ҲАРИҚИЙ	91
МУҲАММАСИ ҲАРИҚИЙ БАР ҒАЗАЛИ МАЖҲУЛ	92
МУҲАММАСИ ҲАРИҚИЙ	94
МУҲАММАСИ ҲАРИҚИЙ	95
МУҲАММАСИ ҲАРИҚИЙ	97
МУҲАММАСИ ҲАРИҚИЙ	99
МУҲАММАСИ ҲАРИҚИЙ	100
бар ғазали Фурбатий Туркистоний салламаҳуллоҳки ба наъти жаноби Саййиди коинот алайҳи афзал ус-саловот ба мақоми шаҳноз иншод кардаанд ба таҳмиси нусхаи мутабаррикаи мазкур ба ин ҳақир фармоннома фурустодаанд бар вифқи фармоннома тартиби таҳмиси густохонаи ҳақир ин аст*	100
ТАЪРИХИ ВАФОТИ ҚОБИЛЖОН МАРҲУМ ИБН ОҚИЖОНБОЙ МАРҲУМ АЗ ТАБЪИ ҲАРИҚИЙ ИН АСТ	102
ТАЪРИХИ ВАФОТИ БОҚИЖОНБОЙ АЗ ТАБЪИ НАЗМИ ҲАРИҚИЙ ИН АСТ	103
АЙЗАН ТАЪРИХИ ВАФОТИ БОҚИЖОНБОЙ АЗ ТАБЪИ ҲАРИҚИЙ ИН АСТ	104
ТАЪРИХИ ВАФОТИ ЭШОНХОН ҲОЖИ МУЛАҚҚАБ БА	

ҲОЖИБЕМАЛОЛ АЗ ТАБЪИ ҲАРИҚИЙ .....	105
ДАР ТАЪРИХИ МАСЖИДИ НАВБУНЁДИ КОИН ДАР МАҲАЛЛАИ СУМИНХЎЖА КЎЧА ТАБЪИ НАЗМИ БОСИТХОН ЗОҲИДИЙ ИН АСТ .....	106
ВА ЛАҲУ АЙЗАН .....	107
ТАЪРИХИ ВАФОТИ МУЛЛА АҲМАДЖОНИМАРҲУМ ИБН МУЛЛА МУҲАММАДЖОН ҚОРИЙИ ШОШИЙ АЗ ТАБЪИ БОСИТХОН ЗОҲИДИЙ ИН АСТ .....	108
ВА ЛАҲУ АЙЗАН* .....	109
ИЗОҲЛАР .....	111
ЛУҒАТ .....	113

**БОСИТХОН ИБН ЗОҲИДХОН ШОШИЙ  
(ҲАРИҚИЙ)**

# **ДЕВОНИ ҲАРИҚИЙ**

**Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2009**

**Муҳаррир: М. Миркомиллов**

**Тех. муҳаррир: А. Мўйдинов**

**Мусаҳҳиҳ: М. Ҳайитова**

**Компьютерда саҳифаловчи: О. Абдуллаев**

Босишга русхат этилди 22.09.2009 й.

Қоғоз бичими 60x84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «Times Uz» гарнитураси.

Офсет босма. Офсет қоғози. Шартли босма 8,0 т.

Ҳисоб-нашриёти 9,25 т.

Адади 500 нусхада. Буюртма № 113.

ООО «GEO-FAN-POLIGRAF» босмахонасида чоп этилди.

100170. Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 13-уй.